

## МАҲАЛЛА ОДАМЛАР КЕЛИБ ФИКРИНИ, ТАКЛИФИНИ, ДАРДИНИ АЙТАДИГАН, МУАММОСИГА ЕЧИМ ТОШАДИГАН ЖОЙ БЎЛИШИ ЛОЗИМ ↪ 2-3.



### БУГУНГИ СОНДА:

9. Маҳалла раиси компьютердан қандай фойдаланади?

10. «Намунали ҳудуд» лойиҳасидан кўзланган мақсад нима?

12. Интернетдаги троллар кимлар?

17. Машинага парда тутишга рухсат бериладими?

20. Эски бино остидаги хазина

14. Юзни таниш тизими жиноятчини аниқлай оладими?

29. Янги Украина тинчлик ва барқарорлик тарафдори... (ми?)

Ортиқ СУЛТОНОВ:

«Ҳамма кулишни  
истайди, лекин  
кулгу бўлишни  
хоҳламайди» ↪ 25.



Орол денгизи  
Каспийга оқиб  
кетганми?



31.

# Маҳалла одамлар келиб фикрини, айтадиган, муаммосига ечим

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАШАББУСИ БИЛАН МАҲАЛЛА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ РОЛИНИ

**Икки-уч йил ораси... Тарих нуқтаи назаридан қараганда, бу муддат арзимас фурсатдек туюлади. Бироқ шу вақт ичида бир бутун халқ фаровонлиги, мамлакат ривож, одамлар розилиги йўлида амалга оширилган ишлар, ислохотлар сарҳисобига бир қур назар ташланса, бу муддат тарих силсиласида нақадар муҳим аҳамият касб этишини илғаш қийин эмас. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришлар бу ҳақиқатни яна бир бор исботлаётди.**

Шундай одамлар бор, улар илғор ташаббуси, азму шижоати ва энг муҳими, юксак маънавий фазилиги туфайли одамшумул воқеаларга сабабчи бўлади, асрларга тагиулик ишларни бошлаб беради. Бугун юртимиз ахли Президент Шавкат Мирзиёевнинг сазой-ҳаракатларини кўриб, кузатиб ана шундай хулосага келади. Эътибор беринг: қабул қилинаётган ҳар бир фармон ёки қарорда, ҳудудларга таширларда, маърузаларда фақат бир маслак бот-бот тилга олинади: «халқимиз ишончинни қозонишимиз, уларни рози қилишимиз лозим». Бу бежиз таъкидланмаётди. Зеро, Ўзбекистонда янги давр шундай бошланди.

Халқимизда: «Самимият самимийликка чорлайди», деган гап бор. Яъни бундай ёндашув билан ҳаммамнинг эътиборини тортиб, қалбларни эзгуликка даъват этиш мумкин. Бугун давлатлар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳоли билан мулоқотларда ана шу самимият яққол намойиш бўлаётганини кўришимиз. Энг асосийси, янгиликлар мамлакат таракқиёти, одамлар бахту иқболи йўлида амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда эса ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмапти.

Ҳўш, ўтган киска фурсат ичида дунёда ўхшаши бўлмаган ноёб тизим — маҳаллалар ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди? Унинг мавқеи ва аҳамияти қай даражада ошди? Бугун одамлар маҳаллани ҳақиқатда ўзларига энг яқин тузилма сифатида ҳис қиляптими?

## Ҳуқуқий асос янада мустаҳкамланди

Маълумки, ҳар қандай ислохот тегишли ҳуқуқий асосга эга бўлсагина, самара беради. Шу маънода, ўтган икки йил давомида маҳалла институтининг вазифа ва ваколатларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган ўттиздан зиёд ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Жумладан, 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада таркомлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони билан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши юридик шахс сифатида фуқаролар йиғинларининг уюشمаси шаклида ташкил этилди. Республика кенгашига Бош вазир, ҳудудий кенгашларга Қорақалпоғистон



Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари жамоатчилик асосида раислик қилиши кенгашларнинг нуфузи ва мақомини ошириш, аҳоли муаммоларини тез фурсатда бартараф этишда муҳим аҳамият касб этаётди.

2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони ҳам тизим фаолияти самаралорини янада ошириш, маҳаллани, том маънода, аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантиришда муҳим тарихий қадам бўлди. Ушбу фармон маҳалла раислари учун моддий ва маънавий имкониятлар яратиши билан бирга, фуқаролар йиғинига кенг ваколатлар бергани билан ҳам ҳоёт аҳамиятидир.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан эса йиғин ходимларининг вазифалари, ваколатлари белгилаб берилди.

## Обод маҳаллада обод кўнгили бўлади

*«Хароб ва фойизи йўқ жойда яшаётган аҳолининг кайфияти ҳам, келажакка иштилоши ҳам бўлмайди. Агар биз қишлоқларни обод қилсак, у ердаги халқнинг кайфияти ўзгаради, ўз ҳаётини янада яхшилашга иштилоши пайдо бўлади, қишлоқлар иқтисодий юксалиши Буларнинг бари Ватанимизнинг ободлиги ва иқтисодий юксалиши учун яна бир муҳим тўртки бўлади».*

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга таътиб этилган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари айни шу мақсадларга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бугун ушбу ҳаётбахш дастурлар мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилаётди.

Дастур доирасида уй-жойларни таъмирлаш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, ичимлик суви ва электр энергияси тармоқлари, маҳаллий ва ички йўлларни қуриш-таъмирлаш бўйича кенг қўламли

ишлар амалга ошириляпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида «Обод қишлоқ» дастури доирасида республиканинг 159 та туманидаги 417 та қишлоқнинг метморий қиёфаси тубдан янгиланди.

## Ҳокимлар маҳаллада ҳисобот беради

Маълумки, жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шакли ҳисобланади. Даставвал маҳаллалар, асосан, одамларнинг муурожаатлари асосида иш кўриб келган бўлса, эндиликда улар йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқига эгадир. Бундай тадбирлар натижа-сида аҳоли томонидан билдирилган муаммолар ва камчиликлар ўз ечимини топтоқда.

«Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!», «Боланинг бегонаси бўлмайди!»,

## ТАШРИФ

**Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошириляётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 18 июль кунин Сирдарё вилояти Ховос туманига таширф буюрди**

### Ховос ҳавас масканига айланмоқда

Қайд этиш ўринли, Ховос шаҳарчасида охириги элик йил давомида биронта кўп қаватли уй қурилган. Одамлар эски, тор, зах уйларда яшаб келган. Инфратузилма иншоотлари ҳам оғир аҳволга келиб қолган, сизот

сувларнинг юқорилиги аҳоли яшаш шароити янада ёмонлашишига олиб келган. Айни ҳолат Шавкат Мирзиёев эътиборидан четда қолмай, жорий йил 19 февраль кунин вилоятга таширфи чоғида туман марказини қайта қуриш, инфратузилмани яхшилаш бўйича мутасаддиларга топширик берган эди.

Топшириқлар ижроси доираси-

да айни пайтда махус ажратилган ҳудудда комплекс қурилиш ишлари амалга оширилиб, 30 та кўп қаватли уй қурилмоқда. Жами квартиралар сонин 760 тани ташкил этиб, уларнинг 600 таси арзон, 160 таси тижорат квартираларидир. 10 та тижорат уйининг 1-қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари бўлади. Шунингдек, 150 та бир қаватли уйлар бунёд этилмоқда. Уйларни жорий йил кузда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бундан ташқари, ҳудудда ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиш ишлари ҳам жадал суъратларда

олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ховос тумани марказида амалга ошириляётган бунёдкорлик ишлари билан танилди. Қурилишда ишлатилаётган материалларнинг нархи ва сифати билан қизиқди. Маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, уларнинг нархини янада камайтириш чораларини кўриш кераклигини таъкидлади.

### Жиноятчилик маҳаллалар кесимида таҳлил қилинади

Шу ерда Президентимиз-

га Сирдарё вилояти, хусусан, Ховос туманида ичимлик суви таъминоти ва оқова тизимини ривожлантириш, Мирзаобод туманида бунёд этиляётган паррандачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва полиз экинлари мажмуаси, «Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида Ховосда жамоат тартибинини сақлаш бўйича ҳамкорликда ташкил этиладиган хизматлар, жорий йилда туманда тузиладиган ки-чик бизнес субъектлари ҳақида маълумот берилди.

Жойларда жиноятчиликни камайтириш, олдини олишда

# таклифини, дардини тошадиган жой бўлиши лозим

## ИНСТИТУТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ, МУСТАҲКАМЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

«Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», «Ўз болангни ўзинг асра!» каби даъватлар амалий ҳаракатга айланди. Президентимизнинг «*қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилса, ўша ерда ҳамжihatлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукм суради, ноҳуси ҳолатларга йўл қўйилмайди*», деган сўзлари йиғинлар фаолиятида дастуриламал бўлаётир.

### Муаммолар уйма-уй юриб ўрганилмоқда

Қайд этиш ўринлики, ўтган муддат ичида маҳалла раисларининг мажбуриятлари билан бир қаторда, ваколатлари ҳам кенгайтириди. Эндиликда уларни фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, фаолиятига асосан ариштириш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юқлаш, шунингдек, фуқаролар йиғинлари балансида бўлган биноларни бошқа шахсларга бириктириш ёки асосан равишда олиб қўйиш таққиланади.

Аҳоли муносабатлари ва муаммоларини аниқлаш ҳамда ҳал этишда («маҳалла — сектор — халқ қабулхонаси — маҳалла») принципи асосидаги ҳамкорлик тизимининг жорий этилиши, муаммолар бевосита уйма-уй юриб, кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилаётгани масъуллар зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда. Маҳаллалар раислари ва масъул котибларининг ойлик маошлари оширилиши эвазига улар фаолиятининг самарадорлиги ҳам ортади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юқлатилган вазифалар амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшган ташаббускор шахслар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига бериладиган «Маҳалла ифтихори» кўркак нишон таъсис этилишини яна бир янгилик сифатида қайд этиш ўринлидир.

### Раислар уч йил муддатга сайланади

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови билан боғлиқ ўзгаришлар ҳам

*«Маҳалла аҳли бир оила каби ишончли, муштаҳкам ришталар билан ўзаро узвий боғланиши керак. Бунинг учун маҳалла фаоллари, профилактика инспектори ҳар бир оила аҳволидан, қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиши, ўзаро аҳиллик ва ҳамжihatлик тарғиботчисига айланиши лозим».*

тизимдаги муҳим ислохотлардан бири бўлди. Жумладан, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Қонун билан фуқаролар йиғини раисининг ваколат муддати уч йил қилиб белгиланди.

Шунингдек, фуқароларнинг таклифи ва истақлари инобатга олиниб, маҳалла раиси сайловида яширин овоз бериш тизими ўрнатилди. Қонунга ушбу қонуннинг киритилиши юрдошларимиз характерида шакланган андиша, бир-бировга ҳурмат каби фазилатларнинг жараёнга салбий таъсир қилишининг олдини олиб, йиғин раислигига ҳар томонлама муносиб номзоднинг сайланишини қаролатилади.

### «Маҳалла раиси келажакда ҳоким бўлиши мумкин, аммо ҳоким маҳалла раиси бўла олмайди»

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу таъкиди фаоллар зиммасидаги масъулият ҳисобида нечоғли улкан эканини кўрсатади. Чиндан ҳам, бугун маҳалла раисларига қатга ишонч билдирилган. Уни оқлаш, ишончга муносиб бўлиш учун тинимсиз меҳнат, фаолият ва фидойилик талаб этилади. Зеро, маҳалла аҳлини ҳеч ким йиғин раисичалик яхши билмайди.

Эндиликда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини идорасида давлат хизматларини

кўрсатиш хоналари ташкил этилади. Ушбу ташаббус фуқароларнинг муносабатлари муаммолари маҳалланинг ўзида ечим топишини аниқлатади. Аслида бу ташаббус замирида одамларга қулайлик яратиш, уларни ўйлантираётган масалаларни бугундан кечиктирмай ҳал этиш, пировардида турмуш даражасини яхшилашдек эзгу маслак мужжасам.

Яна бир муҳим ташаббус — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий билим, қўникма ва малакасини ошириш, кадрларни маҳалла бошқаруви жараёнига максалли тайёрлаш максалида Тошкент давлат юридик университети хузурида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кадрларини тайёрлаш институтини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, тизимдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Мухтасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган ҳар бир ташаббус фуқароларни ўйлантираётган масалаларни тезкор аниқлаш ва ҳал этиш, маҳалла институтининг максеини ошириш, йиғин фаолларининг самарали ишлашини ташкил этишда қўл келади. Бундан эса бир максалд кўзланган. У ҳам бўлса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: *«Маҳалла жамиятимиздаги адолат тамойилларининг кўзгусига айланиши керак. Бу ер одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтмадиган, муаммосига ечим топадиган жой бўлиши лозим. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳудуддаги ҳар бир оиланинг аҳволидан хабардор бўлиши, ким нима билан машғул — ҳаммасини билиши даркор. Ушбу тизимда амалга ошириляётган ислохотлардан кўзланган асосий максалд — маҳаллани кечакон кундуз одамларнинг аҳволидан хабардор бўладиган масканга айлантиришидир».*

**Шавкат ЖАВЛОҢОВ,**  
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви раиси.

# янгилаштирилган бошлаб берди

ички ишлар ва прокуратура органлари ҳамкорликда ишлаб, олдингидек туман ёки вилоят кесимида эмас, балки маҳалла кесимида вазиятни таҳлил қилиши кераклиги, Ховос туманида йирик ишлаб чиқариш мажмуаларининг йўқлиги инобатга олиниб, кичик тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, мавжуд имконият ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш зарурилиги алоҳида таъкидланди.

### Даромадни қўшимча ҳосил таъминлайди

Шавкат Мирзиёев Ховос туманидаги «Саховат» фермер хўжалиги даласида бўлиб, гўза ривожини кўздан кечирди.

«Бек кластер» корхонасига қарашли мазкур хўжаликда жорий мавсумда ғалладан 455 тонна ҳосил олиниб, 314 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрилган. Бўшаган майдонга экспортбон дуккакли экинлар экилган. Ҳозир 50 гектар майдонда гўза парваришланмоқда.

— Далага чиқишдан максалд нима ўзи? Даромад топиш! Даромадни эса қўшимча ҳосил таъминлайди. Шунинг учун теримгача ҳар бир туپга камиде бештадан кўсак, гектарига беш центнердан пахта қўшишга ҳаракат қилиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда вилоят туманлари ва секторлар раҳбарлари, нурунийлар, фермер ва тадбиркорлар билан учрашув бўлди.

Унда кишлоқ хўжалиги ва кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муштаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга ошириляётган ишлар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари йирик саноят корхоналари бўлмаган вилоятда ялпи ҳудудий махсулотни ўстириш, аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий манбаи кичик бизнес бўлиши кераклигини таъкидлади. Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муштаҳкамлашга қаратилган ишларни қучайтириш бўйича алоҳида кўрсатмалар берилди.

**Ўза материали асосида тайёрланди.**

### РЕЙТИНГ

## Шавкат Мирзиёевнинг энг яхши 10 та ташаббуси аниқланди

«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати томонидан махсус сўров ўтказилиб, 100 нафар маҳаллий ва хорижий экспертлар жалб қилинган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг тарихий аҳамиятга эга 10 та энг муҳим ташаббуслари аниқланди.

1. Яхши қўшничилик муносабатлари, чегараларнинг очилиши ва назорат-киритиш пунктларининг ташкил этилиши. Марказий Осиё давлатлари билан барча масалалар бўйича конструктив мулоқот ўрнатилиши;
2. Валюта бозорининг эркинлаштирилиши, нақд пул билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилиши;
3. Мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнатига барҳам берилиши;
4. Олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши, миллий ва хорижий университетлар филиалларининг очилиши;
5. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги, муҳим ҳукумат қарорлари қабул қилинишидаги ролининг оширилиши;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарининг жорий этилиши;
7. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Қуролли Кучлар тизимининг ислох қилиниши;
8. Солиқ ислохотлари, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкининг камайитрилиши, тадбиркорлар учун солиқ таъминининг эълон қилиниши;
9. Давлат хизматлари тизимининг ривожлантирилиши, уларнинг сифати ва самарадорлигининг босқичма-босқич оширилиши;
10. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича чоратадбирлар, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича халқаро мулоқотнинг қучайитрилиши.

## Китобсевар маҳаллалар аниқланмоқда

Қашқадарё вилояти Ғузур туманидаги 43 та маҳалла фуқаролар йиғинида «Маҳалла китобсеварлари» ҳафталиги ўтказилмоқда.



Ҳафталик доирасида ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, уларда мутулаа завқини уйғотиш, маҳалла ва ҳар бир оилада китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида таълим муассасалари, олис кишлоқларда кўча кутубхоналар ташкил этилиб, китоб савдоси, ярмарка, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, ҳафталик давомида ташкил этилаётган «Бадий асарлар билимдони», «Менинг биринчи китобим», «Мен ўқиган китоблар», «Мен китобни нечун севаман?», «Энг ёш ва фахрий китобхон» каби ижодий беллашувлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида эса «Энг намунали маҳалла кутубхонаси», «Энг китобсевар маҳалла» кўрик-танловлари тadbир иштирокчиларида катта таассурот қолдирмоқда.

«Маҳалла китобсеварлари ҳафталиги» вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги маҳаллаларида бўлиб ўтмоқда.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»

## Йиғинларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланяпти

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қувасой шаҳар кенгаши йиғинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаоллар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратиб бериш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.



Шаҳардаги «Зийнат» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам янги бинога кўчиб ўтди. Бу ерда йиғин ходимларининг фаолият юритишлари учун зарур шарoитлар яратиб берилди. Қувасой шаҳар кенгаши томонидан маиший жиҳозлар, мебеллар гўламини тухфа қилинди.

Яқинда шаҳар хокими, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қувасой шаҳар кенгаши раиси ташаббуси билан «Хувайдо», «Хамдўстлик», «Чўлпон», «Гулистон», «Арсиф», «Валик», «Намуна», «Исфайрамсой», «Богбон», «Кўкорчи» маҳалла фуқаролар йиғинлари компьютер жамланмалари билан таъминланди. Шунингдек, намунали маҳалла фуқаролар йиғинларини шакллантириш, маҳалла гузарлари ташкил этиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Расул КАМОЛ  
«Mahalla»

## Ёш китобхонлар сараланди

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бухоро вилояти Кенгаши томонидан «Мен ўқиган китоб» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

14-20 ҳамда 21-30 ёш тоифасида маҳалла ва шаҳар-туманлар босқичларида ғолиб бўлган 26 нафар иқтидорли ўғил-қизлар иштирок этган вилоят босқичида ёшлар «Буюк мутафаккир ва адиб», «Бадий асарлар билимдони» ва «Шеърят» шартлари бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказишди.

Танловнинг 14-20 ёш тоифасида тенгдошларига нисбатан билим ва тафаккур камровини намойён эта олган Жондор туманидаги «Қазоқон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Озода Раупова ғолиб деб топилди. Когон шаҳридаги «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғини вакили Тахмина Қўзиева ҳамда Қоровулбозор туманидаги «Чўлқувар» маҳалласидан ташриф буюрган Нодира Раҳимдиновага мос равишда иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.



Танловнинг 21-30 ёш тоифасидаги «Қазоқон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Озода Раупова ғолиб деб топилди. Когон шаҳридаги «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғини вакили Тахмина Қўзиева ҳамда Қоровулбозор туманидаги «Чўлқувар» маҳалласидан ташриф буюрган Нодира Раҳимдиновага мос равишда иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Танловнинг 21-30 ёш тоифасида

Ақбар РУСТАМОВ  
«Mahalla»

## Муаммоларга ечим излаб...

Айни пайтда одамлар дardини тинглаш, маҳаллаларда юзага келаётган муаммоларга ечим излаш масаласи ҳар бир раҳбар, масъул ходимнинг иш жадвалидан алоҳида ўрин олаётир. Буни жойларда уюштирилаётган турли даражадаги сайёр қабуллар, учрашувлар ҳам исботлаб турибди.

Куни кеча Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раиси ўринбосари Дилшода Мирзажоновна Самарқанд шаҳрида сайёр қабул ўтказди. Унда қадим кентнинг Ғиёсиддин Жамшид номли, «Оқсарой», «Боғимайдон» каби маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари ўзларини кийнаётган масалалар бўйича мурожаат қилди.

— Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча ҳужжатларни тайёрлаб, керакли жойларга тақдим этган бўлсам-да, шу пайтгача банкдан кредит ололмаётган эдим, — дейди «Оқсарой» маҳалласидан Шодийёр Жўраев. — Бугунги сайёр қабулда ушбу масалам ижобий ечим топди. Тез кунларда кредит ажратилса, ўз шахсий бизнесимни бошлайман.

Қайд этиш керак, шу куни бидирилган мурожаатларнинг асосий қисмини йўлларни таъмирлаш, табиий газ, электр энергияси таъминотидаги айрим узиллишлар, ишсизлик, банкдан кредит олиш каби масалалар ташкил этди.

Ёрмат РУСТАМОВ  
«Mahalla»

## Раислар шеърхонлик бўйича беллашди

Самарқанд вилояти Урганч тумани марказидаги кинотеатрда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида ўтказилаётган шеърхонлик танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

«Шеърятга ошно бўлган асло кам бўлмайд» шиори остида ташкил этилган кўрик-танловда йиғин раислари 3 шарт асосида беллашди.

Дастлаб иштирокчилар ўзбек мумтоз адабиёти намояндalarининг ҳаёти ва ижодига оид билимларини синовдан ўтказишди. Маҳалла раислари иккинчи – «Ифодали ўқиш» шartiда замонавий ўзбек ва жаҳон шеърятини ҳамда ўзи ёзган шеърлардан намуналар ўқишди.

«Ижодим сенга, маҳаллам!» шartiда эса ўзи фаолият олиб борётган маҳалла, ундаги маънавий-маърифий муҳит ҳақида сахна кўринишини намойиш этишди.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин «Узунсой» маҳалла раиси Раъно Саидмуродовага, 2-ўрин «Мўғол» маҳалла раиси Яздон Бозоровга, 3-ўрин «Тарокли» маҳалла раиси Ҳазратмусо Курбоновга насиб этди.

Фаол маҳалла раисларига ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Дилноза АХРОПОВА.

## Ёшлар навбатдаги босқичга йўлланма олди

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги марказий ўйингоҳида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида «Футболмиз келажги» мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.



Мусобақа якунида 9-10 ёшли футболчилар ўртасида «Қуёшлик юрт» маҳалла жамоаси ёшлари 1-ўринни, 11-12 ёшлилар ўртасида эса «Қизилгул» маҳалла жамоаси 1-ўринни, 13-14 ёшдагилар ўртасида «Янги ҳаёт» маҳалла ёшлари 1-ўринни эгаллаган бўлса, 18-30 ёшлилар ўртасида эса А.Жомий номли маҳалла жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, вилоят босқичига йўлланма олди.

Тумандаги 74-мактабда ўтказилган «Отам, онам ва мен – спортчи оил» мусобақасида Ибн Сино маҳалласидан келган Акбаровлар оиласи 1-ўринни эгаллади. 2-ўринни «Буюк келажак» маҳалласидан Хайназаровлар оиласи, учинчи ўринни эса «Баҳористон» маҳалласи вакили Холмуродовлар оиласи банд этишди. «Маҳалламиз стол теннисчилари» мусобақасида эса 1-ўринни «Тасмасой» маҳалласидан Азизбек Акрамов эгаллади.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорлари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгашининг қимматбаҳо совға ва дипломлари билан тақдирландилар.

Қамол НАЗАРОВА.

# Мурожаатлар маҳаллада ечим топиши керак. Аммо...

НИМА САБАБДАН МУАММОЛАРГА БИРИНЧИ БОСКИЧДАЁҚ МУТАСАДДИЛАР ТОМОНИДАН ЕЧИМ ТОПИЛМАГАН?

Бугун мамлакатимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, юрtdошларимизни қийнаётган муаммоларга ечим топиш масаласида тизимли иш йўлга қўйилган. Хусусан, ҳудудларда фаолият юритаётган Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазир қабулхонаси ва кўплаб вазирлик ва бошқармалари қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар ўрганилиб, ижобий ҳал этилмоқда.



44-сонли қарорига биноан, бу каби нафақаларни тайинлашда белгиланган мезонлар мавжуд бўлиб, ушбу талабга жавоб бермаган фуқарога нафақа тайинланмайди. Унинг тартиб-қоидалари ва белгиланган асосларини тушунириши эса, биринчи навбатда, маҳалла раисининг вазифасига киради. Чунки фуқаро мажбур масалада дастлаб маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилади.

маҳалласида истиқомат қилиши, лекин «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида доимий рўйхатда туриши маълум бўлди. Шунингдек, ўша вақтда Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-қисми 12-бандида белгиланган болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг доимий яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оила бошлиғи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзосининг ёзма аризаси асосида, бола парварлиги бўйича нафақа эса боланинг онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг аризаси асосида тайинланиши белгиланган. Айни пайтда ушбу низомнинг бу бандига ўзгартириш киритилган. Шунингдек, аризага бир қатор маълумот ва ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим. Биз ариза муаллифи билан суҳбатда ушбу талабларни тушуништирдик. Афсуски, айрим юрtdошларимизда «юқори органга қилинган мурожаат тезроқ ҳал бўлади», деган фикр шаклланиб қолган.

жиҳатдан боғлиқ бўлади. Айни пайтда фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳуқуқий биҳимини ошириш лозим. Бу эса мурожаат қилаётган фуқарога белгиланган тартибда тўлақонли жавоб бериш ва уни қийнаётган масалага ижобий ечим топиш имконини беради.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қизмат қилаётган. Бирок, афсуски, яратилаётган имкониятларни суистеъмол қилаётган юрtdошларимиз ҳам учраб туради. Хусусан, бугун айримлар «менга барча нарсани давлат қилиб бериши керак», деган фикр билан боқиманда ҳаёт кечиршига одатланиб қолгани ачинарлидир. Мурожаатларни ўрганиш жараёнида ҳам ана шу ҳолатга гувоҳ бўлдик. Моддий ёрдам ва ижтимоий нафақа (2 ёш, 14 ёш болалар нафақаси) тайинлаш бўйича мурожаат қилган фуқаролар орасида меҳнатга лаёқати бўлган, хонадон хазинаси бўлган томорқасини бегона ўт бостирганлари ҳам, топиш-тутиши яхши бўлишига қарамай, «фалончи қўшнимга берибсизлар, нега менга бермайсизлар?» дея мурожаат қилаётганлари ҳам бор. Энг ачинарлиси, бу улгур учун одатий ҳолга айланиб улгурган. Ахир, давлат томонидан белгиланган бу каби нафақалар чиндан муҳтож одамларга йўналтирилса, мақсадга мувофиқ бўлмайди?

## Хулоса ўрнида

Бугун маҳалла жамиятининг энг фаол бўғини ҳисобланади. Хар бир мурожаатга эътиборли муносабатда бўлиш кўп жиҳатдан аҳолининг кайфиятига таъсир қилади. Муаммолар маҳалла ёки туман миқёсида ҳал бўлган фуқароларнинг эса шубҳасиз давлат идораларига бўлган ишончи ортиб бораверади. Бирок бу жараёнда ўзимиздаги боқимандалик кайфиятини йўқоттишимиз, ҳалол меҳнат ортидан фаровонликка эришишимиз лозим. Зеро, бугун юртимизда бунинг учун барча имкониятлар яратилмоқда. Аммо, афсуски, жамиятимизда ҳанузгача боқимандалик кайфияти бутунлай барҳам топгани йўқ. Барчамиз бир нарсани тушуниб олишимиз керак: яхши яшаш учун, энг аввало, яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни ҳам чуқур ҳис этишимиз зарур. Бунга эришиш эса фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ.

Фарход ТОЛИПОВ  
«Mahalla»

Маълумки, маҳалла бугунги кунда жамиятнинг энг кайнок ўчоғи сифатида бевосита халқ ва давлат идоралари ўртасида кўприк вазифасини бажариб келмоқда. Одамлар турмуш шароити, оилавий аҳоли, ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан, биринчи навбатда, маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилади. Хўш, бу жараёнда маҳаллалар қандай иш олиб бормоқда?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши маълумотларига қараганда, бугунги кунда маҳаллаларда ҳал этилмаган муаммолар юзасидан Республика кенгаши ишонч телефони ва қабулхонасига қатор мурожаатлар келиб тушган.

— Мурожаатлар таҳлил қилинганда уларнинг аксарияти ижтимоий ёрдам нафақалари тайинлаш ва оилавий келиш-мовчиликлар масаласида экани маълум бўлди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бўлим бошлиғи Бегзод Шоназаров. — Афсуски, республика даражасига чиққан масалаларнинг аксарияти маҳалланинг ўзида ҳал қилиш мумкин бўлган мурожаатлардир. Шу жараёнда савол туғилади: нима сабабдан ушбу муаммоларга биринчи босқичдаёқ мутасаддилар томонидан ечим топилмаган?

## Оилалар билан етарли иш олиб бориладими... (ми?)

Қашқадарь вилояти Шаҳрисабз туманидаги «Янгибод» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқародан келиб тушган мурожаат эътиборимизни тортди: «Қизим «Оқдарё» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Келдиқайт қишлоғига келиш бўлиб тушган. Қизимнинг турмуш ўртоғи вафот этган. Шундан сўнг у уйимизга қайтиб келди. Аммо қайнонаси қизимга тегишли ҳужжатларни ва мол-мулкларимизни қайтариб бермапти. Маҳалла мурожаат

қилдик, улар судга боришимиз лозимлигини айтишди. Суд эса биздан керакли ҳужжатларни сўрамоқда. Итимос, бизга тегишли бўлган мулкларни ва керакли ҳужжатларни қайтариб олишимизда амалий ёрдам берсангиз».

Мантқан ўйлаб қаралганда, ушбу масалага маҳалла доирасида, Яраштириш комиссияси ва маҳалла фаоллари томонидан вазиятни ойдинлаштириш ва тегишли ечим топиш мумкин эди. Бирок «отанга бор, онанга бор» кабилидаги муносабат туфайли ушбу масала республика даражасигача олиб чиқилган. Ваҳоланки, Республика кенгаши қабулхонасига келиб тушган ушбу мурожаат тегишли тартибда ижросини таъминлаш учун Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Шаҳрисабз туман кенгашига жўнатилган ва ҳал қилинган.

## Мутасаддиларнинг салоҳияти етарлими?

«2 нафар вонга етмаган фарзандан бор. Турмуш ўртоғи элланма ишчи сифатида мавсумий меҳнат билан шуғулланади. Моддий томондан кийин аҳволдаммиз. Сизлардан илтимос, шаронтизмизни инобатга олиб, моддий ёрдам тайинлашда амалий ёрдам беришингизни сўрайман».

Фаргона вилояти Кува тумани «Найман» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро номидан келган ушбу мурожаат ҳам ўз вақтида маҳалланинг ўзида ҳал қилиниши мумкин эди. Бирок маҳалла фуқаролар йиғини, туман ҳокимлиги томонидан етарли эътибор бўлмагани боис мурожаат Республика кенгашигача етиб келган.

— Бу жараёнда бир жиҳатини инобатга олиш лозим, — дейди Бегзод Шоназаров. — Аксарият ҳолларда маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий ёрдам нафақалари тайинлаш борасида бўладиган мурожаатлар эътиборсиз қилиб кетмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Афсуски, айрим юрtdошларимизда «юқори органга қилинган мурожаат тезроқ ҳал бўлади», деган фикр шаклланиб қолган.

Хусусан, Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро ҳам шу масалада Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига мурожаат қилган. Унда оилавий шаронти оғирлиги, моддий ёрдамга муҳтожлигини айтиб, нафақа ажратишда ёрдам сўралган. Шунингдек, бу борда маҳалла фуқаролар йиғини ва туман ҳокимлигига ҳам мурожаат қилгани, аммо ҳеч қандай кўмак бўлмаганини келтириб ўтган.

— Фуқаро ўз мурожаатида йиғин томонидан ажратилиши белгиланган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақа (2 ёш, 14 ёш болалар нафақаси) тайинлашда амалий ёрдам беришни сўраган, — дейди «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мурод Халназаров. — Биз туман бандликка кўмаклашиш марказининг йиғинимизга бириктирилган меҳнат инспектори билан биргаликда ўрганиш ўтказдик. Унда ариза муаллифи «Марказий

# Малака ва маҳорат ошса, муаммога ўрин қолмайди

БУГУН ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИГА ҚАТОР ВАКОЛАТЛАР  
БЕРИЛГАН, БИРОҚ БАРЧА ЙИГИНЛАРДА ҲАМ УЛАРДАН  
ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИЛМАЯПТИ.

Маълумки, бугун маҳалла раисларининг мажбуриятлари билан бир қаторда ваколатлари ва уларга яратилган имкониятлар ҳам ортиди. Шу боис уларга амалий кўмак бериш, ижтимоий-сиёсий билими, раҳбарлик кўникма ва малакаларини ошириш, асосийси, одамлар билан ишлаш малакасини мустаҳкамлаш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ташаббуси билан фуқаролар йиғинлари раислари учун икки ҳафталик (88 соат) ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда. Тошкент вилояти маҳаллалари раислари учун ўтказилган семинарлар ҳам ана шу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятли бўлди.



**Тўлкин ТОҒАЙҚУЛОВ,**  
«Маҳалла зиёси»  
республика ўқув-услубий  
маркази мутахассиси:

— Авваллари бу каби семинарлар 36 соатга мўлжалланган бўлиб, унда маҳалла фаолиятидаги мавжуд муаммоларни тўлиқ камраб олиш имкони йўқ эди. Бугун эса маҳалла раислари ўзларини кизиктирган саволларга тўлақонли жавоб олиш имконига эгалар.

Ўқувнинг режа ва дастури 16 та йўналишга ажратилган бўлиб, 42 та мавзунини камраб олади. Машгулотлар маъруза, суҳбат, семинар-тренинг ва савол-жавоб тарзида ўтказилаётир.

Ўқувлар жараёнида раислар кўп нарсадан бе-хабар эканликларини ва айнан ўтилаётган дарслар орқали ўзлари учун номаълум бўлган жиҳатларни ўрганиш имконига эга бўлганликларини таъкидлашмоқда. Хусусан, раисларни ўз ваколатларига кирмайдиган юмушларга жалб қилиш, уларга маҳаллий ҳокимликлар томонидан ортиқча юкламалар юклатиши ҳолатлари ҳамон кузатишмоқда. Ваҳоланки, Президентимизнинг жорий йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, маҳалла раисларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асосиз аралашини, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклатиш, шунингдек, фуқаролар йиғинлари балансида бўлган биноларни бошқа шахсларга бириктириш ёки асосиз равишда олиб қўйиш тақиқланади.

Шу боис ўқувларда биринчи навбатда раисларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, машгулотларда маҳаллаларда энг долзарб, аҳолини кизиктирадиган ва мурожаатларда кўтарилаётган муаммолари масалаларни таҳлил қилиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини етказиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш хусусида керакли маслаҳатлар бериляпти. Жамоат тартиби ва ҳавфсизлиқни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда раислар зиммасидаги вазифалар бирма-бир тушунтириляпти.

**Ҳикмат ҚОПЛОНБЕКОВ,**  
Тошкент вилояти Тошкент  
тумани «Соҳибқор» маҳалла  
фуқаролар йиғини раиси:

— Бугун фуқаролар йиғинларига қатор ваколатлар берилган, бироқ барча йиғинларда ҳам улардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Хусусан, аҳоли мурожаатлари билан ишлашда аксарият масалаларини хал қилишда муаммоларга дуч келинади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда биз, маҳалла раислари учун ташкил этилган ушбу ўқув-семинарларда ўзини кизиктирган бир қатор саволларга жавоб



олиш имконига эга бўлди. Энг муҳими, ўқув жараёни замонавий усулларда, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиляпти. Бу эса бизга икки томонлама фойдали. Яъни фаолиятимизга оид янги маълумотларни олиш билан бир қаторда, компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича билимимизни ҳам ошираемиз.

Тан олишим лозим, бугунги кунгача ижтимоий нафақалар тайинлаш борасида маҳаллага мурожаат қилган фуқароларга жавоб қайтаришда бир қатор муаммоларга дуч келардик. Семинар давомида ушбу масалада ўрнатилган қатъий тартиб ва қондалар ҳақида ҳам етарли маълумотга эга бўлди. Энди фуқаролар билан мулоқотда билганларимизни амалиётга қўллаш қолди, ҳолос.



**Ўткир ҲАМИДОВ,**  
Тошкент вилояти Чирчиқ  
шаҳар «Гинчилик» маҳалла  
фуқаролар йиғини раиси:

— Ўқишнинг эрта-кечи йўқ экан. Чунки бугун маҳалла раисининг олдидаги вазифалар қамрови кенгайгани боис қўшимча маълумотларга, ишни ташкил қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш борасидаги билимларга эҳтиёж туғилиши табиий. Тан олиш лозим, ишдан ортиб ўзимиз мустақил равишда ўқиб-ўрганишга вақтимиз ҳам, ҳафсамамиз ҳам етмасди. Шу жиҳатдан бу каби ўқув-семинарларининг ташкил қилингани яхши бўлди. Дарслар давомида бошқа маҳаллалар раислари билан танишиб, ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўляпмиз.

Тўғрисики айтсам, бугунги кунгача туманимизда бўладиган аксарият йиғилиш, тадбир, ҳашар ёки яна шунга ўхшаш тадбирларга биринчи навбатда маҳалла раиси жалб қилинган. Турли тадбирларда залларни тўлдирини ҳам табиийки, маҳалла раиси зиммасига тушарди. Бу эса бевосита вақтимизни олиб, ўз вазифамиз билан шуғулланишга имкон бермасди. Семинар давомида эса Президентимизнинг шу йил 2 апрелда қабул қилинган «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан яқиндан танишиш асосида раисларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиниши, фаолиятига асосиз аралашини тақиқланганини билдим. Энди кўнгилни тўқ қилиб ўзимизга бевосита юклатилган вазифа билан шуғулланамиз.

Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчи эдим. Агар дарслар савол-жавоб шаклида ўтказилса, янада самаралироқ бўларди. Чунки бизга назариядан кўра амалиёт муҳим. Яъни бирор раис фаолиятида дуч келган муаммолари вазият хусусида савол берса ва унга тўлақонли жавоб олса, бу табиийки, бошқа раислар фаолиятида ҳам қўл келади. Чунки маҳаллалардаги муаммолар бир-бирига ўхшаш бўлади. Шундай экан, унинг ечими ҳақида биргина раисга эмас, бугун аудиторияга жавоб берилиб, бизларни қийнаётган битта муаммога ечим топишдан бўларди. Тасаввур қилинг, битта дарс мобайнида 10 та раиснинг шу каби саволига жавоб берилса, маҳаллада ечими йўқ савол қолмайди, ҳисоб.

**П.С.:** Эслатиб ўтамиз, Тошкент вилоятидаги маҳалла раислари учун ташкил этилган ўқув-семинарлар давом этмоқда.

**Фарҳод ТОЛИПОВ**  
«Mahalla»

# Ўқувлар маҳалла раислари иш самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда

**МАҲАЛЛА РАИСЛИГИ МУАЙЯН БИР ДАРСЛИК ЁКИ ҚЎЛЛАНМАНИ ЎҚИБ ЎЗЛАШТИРИЛАДИГАН МУТАХАССИСЛИК ЭМАС, БАЛКИ ХАЛҚ БИЛАН ИШЛАШ ЛАЁҚАТИ, ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ОРТТИРИЛАДИГАН ТАЖРИБАДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ШАКЛЛАНАДИГАН РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИДИР**

Шу боис маҳалла раислиги муайян маълумоти тўғрисидаги шаҳодат, мутахассислигига кўра тайинланмайди, балки ўзи истикомат қилаётган аҳолининг талаб ва истакларига асосан сайланади.

Албатта, муайян йўналишда фаолият юритувчи ходимнинг раисликка сайланганча, киска вақт ичида маҳалла ҳаётига тегишли барча масалаларни ўзига сиф-

дириши, унинг ваколатлари ва мажбуриятлари, хизмат вазифаларини қамраб олиши мушкул. Бу борада тегишли раиснинг салоҳияти етса-да, мавжуд фундаментал билликлари етмаслиги мумкин. Соҳадаги барча вазифаларни мустақил ўрганиш ва ўзлаштириш учун эса, аввало, вақт талаб этилади. Аммо маҳалладаги узлуксиз иш графиги шароитида бемалол ўқиш имкони қайда.

Ана шундай шароитда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги «Фукаралар йиғинлари раисларнинг малакасини ошириш бўйича ўқувларни ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3-сонли баёни асосида ўтказилган ўқув-семинарлари, айниқса, янгидан сайланган раислар учун соҳага оид билим ва кўникмаларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

## БИЗГА ЁЗАДИЛАР...

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Кўштут» маҳалласининг тарихи бир неча юз йилларга бориб тақалса керак. Буни туб аҳолининг шарқона маданияти, бир-бири билан мулоқоти, уй-жой остонасини озода-саришта тутишдан ҳам билиб олиш мумкин.

## Эски шаҳарнинг «эски муаммолари» қачон ҳал бўлади?

**СИМЁҒОЧЛАР СИМЛАРНИ ЭМАС, АКЦИНЧА СИМЛАР СИМЁҒОЧЛАРНИ УШЛАБ ТУРИБДИ. АГАР САЛ ҚАТТИКРОК ШАМОЛ ЭССА, СИМЛАР УЗИЛИБ, СИМЁҒОЧЛАР ҚУЛАШИ, АҲОЛИГА ЗИЁН ЕТКАЗИШИ ТАЙИН**



Йиғин идораси ҳовлисини турли гулу райхонларнинг ифори тугган. Мевали ва манзарали дарахлар унга ўзгача файз қўшмоқда. Юртимиз худудларида қулоч ёзган бунёдкорлик ишлари бу маҳаллага ҳам етиб келган. Худудда «Обод маҳалла» дастури асосида бунёдкорлик ва таъмирлаш ишларини олиб бориш белгиланган. Аҳоли эса ўйдим-чуқур йўللарнинг таъмирланиши, кўчаларнинг замонавий кўриниш олишидан қувонган. Бироқ мана, орадан бир йил ўтди ҳамки, кўчалардаги ҳолат яхшиланмади.

### 2 та ҳоким ўзгарди, бироқ...

Дарҳақиқат, маҳалланинг Дилшод Қосимов билан Йўлчи, Шоший, Ҳаракат кўчаларида бўлиб, 20 дан ортиқ эски ёғоч тунги ёриткичларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Баъзиларида ёриткичлари қуйган ёки ишламайди. Улуғ тор кўчасидаги симёғочлар симларни эмас, аксинча симлар симёғочларни ушлаб турганини кўриб, сессаниб кетдик. Агар сал қаттикроқ шамол бўлса, симлар узилиб, симёғочлар қулаши, аҳолига зиён етказиши тайин. Хуллас, эски шаҳарнинг эски муаммолари ҳали-хануз ечим кутмоқда.

— Муаммолар кеча ё бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ, — дейди йиғин раиси Жалолиддин Апанов. — Мутасаддиларнинг эътиборсизлиги сабаб, улар йиллар давомида йиғилиб келган. Уларни ҳал этиш бўйича бир неча бор туман ҳокимлигига ёзма ва оғзаки мурожаат қилдик. Бу орада икки марта туман ҳокими ҳам алмашди. Бироқ ханузгача натижа бўлгани йўқ. Маҳалла одамларининг саяб-харакатлари эса бу масалаларни ҳал этишга оғирлик қилмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғнади: нега масъуллар бунча бефарқу лоқайд? Сектор раҳбарлари-чи? Наҳотки, йиғиндаги ахволдан бехабар бўлишса? Ёки бу маҳаллага эътибор қаратиш, муаммоларни ҳал этиш учун кимнингдир устига симёғоч ағдарилиб тушиши, кўчада ўйнаб юрган болақайни машина уриб кетишини кутишяптими? Қачонгача биронта кўнгилсизлик рўй бергангина у келтирган зиёни қоплаш билан овора бўламыз?

**Мақсуда ВОРИСОВА,**  
**Олий Мажлис**  
**Сенати аъзоси,**  
**Даврон АХМЕДОВ,**  
**журналист.**



**Нормурод ХИДОЯТОВ,**  
Когон туманидаги «Тараққиёт» маҳалла фукаралар йиғини раиси:

— Жорий йилда маҳалла раислигига менинг номзодимга ишонч билдиришди. Тўғриси, маҳалла раислигини бу қадар серғалва эканини билсам ҳам, масалалар қамрови кенглигидан бехабар эканман. Кейин маҳалла раиси бошқалардан бир-икки кун олдин юриши керак экан. Яъники қаерда жанжал бўлиши эҳтимоли, жинсийчилик ва бошқа турдаги можаролари вазиятларни олдиндан кўра билиши, унинг олдини олишга киришиши лозим.

Ўқув жараёнида «Интервью методи ёрдамда худудий муаммо ва саволларни аниқлаш» ва бошқа психологияга оид маш-

ғулотлар бизга бу борада керакли кўникмаларни берди.

Ана шундай дарсларда ўрганган билликларимизни, аввало, оилалар ичидаги мавжуд, аммо ошқор этилмайдиغان муаммоларни аниқлаш ва ечимини топишга йўналтирялмиз.

Яна бир жиҳат. Барча дарслар фақатгина бир жуфтлик ҳажмида ўтилди. Ҳолбуки, психологияга оид, келгуси фаолиятимизга нафи тегадиган машғулотларни кўпроқ ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Кейин ушбу дастурда малака ошириш курсларида ўтиладиган машғулотларнинг ҳам ўтилиши, тажрибали раисларнинг фикрича, қайтарик ҳолатларини юзга келтирган. Бу каби ўқув-семинарларни камида бир йилда бир маротаба, ўқув соатларини кўпайтирган ва айрим дарс машғулотларини оптималлаштирган ҳолда ташкил этилса, янада самараси ошарди.



**Жумакул ЖУМАЕВ,**  
Қорақўл туманидаги «Шўробод» маҳалла фукаралар йиғини раиси:

— 23 йилдан буён маҳалла тизимида ишлайман. Ушбу давр давомида жуда кўп ўқув-семинарларга борганмиз. Малака ошириш курсларига қатнаганмиз. Аммо, очиги, ўша курслардан бирор нимани ўзлаштирганимни эслолмайман. Чунки ўша ўқувларда номингагина бориб келсак бўлди эди. Биров бирор нарса сўрамади.

Тўғри, ўқувлар, аввало, ўзимиз учун. Аммо кўп нарса тизимга ҳам боғлиқ-да. Бу гал биринчи дарсимизда тест олишди. Бу эса дарсага нисбатан эътиборимизни, ёндашувимизни ўзгартиришга мажбур қилди. Ўзи инсон табиати шунақа экан, қаердаки сўров бўлса, масъулият ўзгача бўлади.

Яна бир жиҳати, аскарят дарс машғулотларининг беvosита иш жараёнида тўқнаш келадиган муаммолар мавзулар асосида, соҳа ва тушунарли усулда ташкил этилганлигидир.

Масалан, Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан

ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини барчамиз ўқиганмиз. Аммо расмий услубда ёзилган ҳужжатни ўқиб бошқа, уқиб бошқа экан. Ўқув давомида устозларимиз биргина жуфтликда ушбу фармоннинг фаолиятимиздаги ўрни, ундаги бандларни қўлаш асослари ҳусусида керакли кўникмалар беришди.

Айниқса, фаолиятимизга тегишли бўлмаган масалалар билан шугулланишга ундашга йўл қўйилмаслиги, қолаверса, маҳалла худудида фаолият юритувчи давлат органлари ходимлари фаолияти самарадорлиги ҳақида уларнинг юқори турувчи ташкилотига ахборот бериб бориш амалиёти жорий этилгани бизнинг ваколатларимизни анчайин оширибди.

Илгари маҳалла учун бегона ишнинг ўзи йўқ, деб солиқчимни, агрономни, коммунал соҳа ёки бандлик ходими буюрса ҳам лаббай дея чопиб кетаверардик. Энди эса хар кимнинг жумладан, маҳалла ходимларининг ҳам ўз белгиланган хизмат вазифалари борлигини тушундик. Ўқувлар давомида ўз мажбуриятларимиз, вазифаларимизни бажариш усуллари билан бирга, конун томонидан белгилаб берилган ҳуқуқларимиздан ҳам фойдаланиш асослари ўргатилди.

**Акбар РУСТАМОВ**  
«Mahalla»

Барчамиз маҳаллада тураимиз. Шу боис ёрдамга муҳтож аҳоли ҳақидаги тўлиқ маълумот, биринчи навбатда, маҳалла идорасида шакллантирилади. Табиийки, фуқаролар ўз эҳтиёж ва шароитларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу масалада кўмак истаб, аввало, маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қиладилар. Ана шундай мурожаатларнинг аксарият қисми шубҳасиз, ижтимоий нафақа (2 ёш, 14 ёш болалар нафақаси) ва моддий ёрдам масаласида бўлади.



ларга алоҳида эътибор қаратилди ва янги тартибга кўра, ҳудудда вақтинча яшаб турган фуқаролар ҳам ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олиш бўйича жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилишлари мумкинлиги белгилаб қўйилди.

### Нафақа тайинлаш янада шаффофлашди... (ми?)

Маълумки, қарорга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, эндиликда туман бандликка кўмаклашиш марказларидан маҳаллаларга вакил бириктирилиши белгиланган. Ҳўш, ушбу вакилнинг асосий вазифаси нималардан иборат бўлади?

— Туман бандликка кўмаклашиш марказларидан бириктирилган вакил ўзини ўзи бошқариш органларида тузилган махсус комиссия таркибида иштирок этади ҳамда нафақаларни тайинлаш ва тўлаш устидан мониторинг олиб боради. — дейди Ш. Рустамова. — Бу эса бевосита ҳисобнинг янада ҳаққоний бўлишини таъминлайди. Зеро, моддий ёрдам бўйича маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилган шахснинг уйига бориб, унинг оилавий шароитини бевосита ўрганиш ва шунга кўра ҳулоса бериш натижасида турли шубҳали саволларнинг ололи олинди. Натижада бевосита мурожаатлар ва нотўғри ечимлар камаяди.

### Ҳулоса ўрнида

Таъкидлаш жоиз, ушбу масалада бўлаётган муаммолар бугунги кунда маҳалла раисларини қийнаётган масалалардан бир эди. Шу боис қарорга киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар бу борадаги бир қатор саволларга ечим топиши табиий. Шунингдек, аҳолига ноқулайлик туғдираётган муаммоларга ҳам ечим бўлгани билан янада аҳамиятли. Бирок бу жараёнда бир нарсани эътибордан четда қолдирмаслик лозим. У ҳам бўлса, маҳалла раисларининг ҳукукий саводхонлиги. Яъни ушбу масала юзасидан маҳалла идорасига мурожаат қилган фуқарога белгиланган тартиб ва қоидаларни тушунтириш, улар учун яратилган энгилликлар ҳақида тўлақонли маълумот беришлари бу борада самарага эришишни таъминлайди. Бунинг учун эса раисларнинг ўзи ҳужжатнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишишлари лозим. Зеро, нуртимизда барча ислохотлар халқ манфаатлари, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсадида амалга оширилмоқда. Буни борида ечим бўлишига эришиш эса биздан ўз вазифамизга эътибор билан ёндашиш ва масъулиятни талаб қилади, холос.

Фарход ТОЛИПОВ  
«Mahalla»

# Одамлар ислохотлардан рози бўлиши керак

ҚАРОРГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ИСЛОХОТЛАРДАН РОЗИЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

Таъкидлаш жоиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бу каби нафақаларнинг тайинлаши маълум мезонлар асосида белгилаб қўйилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, бу борадаги тартиб ишлаб чиқилган. Бирок сўнгги вақтларда аҳолининг айни масаладаги мурожаатлари сони кескин ортиши билан мазкур низомда келтирилган тартиб-қоидалар бугунги кун шароитига унчалар мос келмаётган ва айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлаётган эди. Шу боисдан жорий йил 15 июль кунини бу қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу ҳақда батафсил маълумот олиш мақсадида **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига** мурожаат қилдик.

### Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам қайси жихатларга кўра тайинланади?

— Аввало, ҳудуддаги ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эътиборида бўлиши лозим. — дейди **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутахассиси Шаҳноза Рустамова**. — Зеро, Низомнинг 12-бандига асосан, алоҳида ҳолларда оилада муомалага лаёқатли аъзолар бўлмаган тақдирда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам оила аъзоларининг ёзма аризасиз фуқароларнинг ўзини ўзи



Қарорнинг аввалги ҳолатига кўра, оиланинг жами даромади ўрганилаётган даврда мазкур дастур бўйича кредит олса, олинган кредит суммаси ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмакчи бўлган оила аъзосининг даромад манбаи турига ҳисобланар, бу эса, табиийки, белгиланган мезондан ошиб кетарди.

Шунингдек, ота-онасини йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шугулланаётган оилалар, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилаларга моддий ёрдам белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

14 ёшгача бўлган икки ва undan ортқ болани тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар), ногирон фарзанди (фарзандлари) бўлган оилалар ва болани(болаларни) тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган оналар(оталар)га ҳам давлат томонидан моддий ёрдам ва нафақа пуллари тайинлаш белгиланган. Бунда боланинг алоҳида тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи белгилайди. Шунингдек, маҳалла тавсиясига кўра, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка кўмаклашиш марказларида ҳисобда турган оилалар ҳам айни имтиёзга эга бўладилар.

### Қарорга қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди?

— Юртимизда аҳоли даромадларини изчил кўтариш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт фаровонлигини оширишга доир қўллаб қоралтабдилар ишлаб чиқилмоқда, — дейди **Шаҳноза Рустамова**. — Шулардан бири «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури бўлиб, турли йўналишларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмакчи бўлган фуқароларга имтиёзга кредитлар

ажратилишини назарда тутади. Қарорнинг аввалги ҳолатига кўра, оиланинг жами даромади ўрганилаётган даврда мазкур дастур бўйича кредит олса, олинган кредит суммаси ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмакчи бўлган оила аъзосининг даромад манбаи турига ҳисобланар, бу эса, табиийки, белгиланган мезондан ошиб кетарди. Натижада нафақа ва моддий ёрдамни тайинлашни рад этишга ёки нафақа ва моддий ёрдам тўлалигини белгиланган мuddаддан олдин тўхташига сабаб бўларди. Мазкур эҳтиётларни инобатга олган ҳолда қарорга ўзгартириш зарурати туғилган. Эндиликда киритилган ўзгартиришга кўра, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредит олувчи оилалар тадбиркорлик фаолиятдан даромад олгунга қадар белгиланган мuddадгача ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдамдан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, қарорга киритилган энг муҳим ўзгартирилган бири ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлашни сўраб мурожаат этган шахснинг доимий яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи билан боғлиқ бўлди. Яъни қарорнинг аввалги ҳолатига кўра, ижтимоий нафақа олиш истагидидаги шахс фақатгина ўзи доимий рўйхатда турадиган маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилиши лозим эди. Бу эса маълум бир ижтимоий сабабларга кўра, бошқа жойда яшаётган фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволига қарамай, вақтинча яшаб турган жойи бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлмас эдилар. Эндиликда ана шу жихат-

Тошкентда боди-камералар синовдан ўтказилмоқда.

# Маҳалла раиси компьютердан қандай фойдаланади?



Бугун қандай мавзуда мақола ёзишга қўл урмайлик, албатта, маҳалла мутасаддиларининг муносабатини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Нима бўлганда ҳам, улар жараёндан тўлиқ хабардор бўлган масъул шахс сифатида вазиятга ойдинлик киритишда катта ёрдам беради. Бошқа ташкилотлар ҳам бирор муаммога ечим излар экан, биринчи бўлиб маҳалланинг эшигини қоқишга ўрганиб қолишган.

Худуднинг ипидан игнаси-гача яхши билган раисларнинг фаолияти жамият ривожига ҳам катта аҳамият касб этади. Аммо уларга нисбатан талаб ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари тараққий этиб бораётган бир вақтда маҳалла оқоқолининг компьютер саводхонлигига эга бўлиши нур устига нур. Бу маълумотларнинг ягона

ларидан фойдаланиш салоҳияти коникарлими? Муаммони юзага келтираётган асосий сабаблар нималардан иборат? Уни ҳал қилиш йўллари борми?

## «Бажонидил билимларимизни оширамиз»

— Маҳаллани қайсидир мавнода маълумотлар бюросига қийслаш мумкин, — дейди пойтахтимиздаги «Хувайдо» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илхомхўжа Асадов. — Ҳамкор ташкилотларга, ҳатто, кунора маҳалла ҳаётига дахлдор бўлган ахборотларни узатишга тўғри келади. Бу эса ҳужжатлар билан ишлагани талаб қилади. Аввал шундай ҳолатларда папка ташкилаб анча вақт йўқотардик. Ҳозир бу маълумотларни компьютердан жуда осон топиши мумкин. Шу билан бирга, ҳар хил ҳисобот ва ҳужжат ишларини

ҳар жиҳатдан қулайликка эриши олади. Агар биз каби кекса авлод вакиллари ҳам компьютердан фойдаланиш борасида ўқув курслари ташкил этилса, бажонидил ўз билимларимизни оширган бўлардик.

Бу бир эмас, кўпгина маҳалла раисларининг фикри. Ахир, ким ҳам ишда муваффақият қозонишни, юмуши осон ҳал бўлишини истамайди дейсиз. Модомики шундай бўлган, маҳалла мутасаддиларининг ахборот-коммуникация технологияларини тўлиқ ўзлаштириб олишига нима тўсқинлик қилмоқда? Мавзунинг тўлиқроқ таҳлил қиладиган бўлсак, аввало, моддий-техник базанинг ҳолатига назар ташлашга тўғри келади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг берган маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 2-чорагида 9098 та маҳалланинг 1805 таси янги компьютерга муҳтож. Интернетга уланиш эса анча қиммат. Қолаверса, маҳалла мутасаддиларининг зиммасига юклатилган вазифаларнинг ҳаддан зиёд кўпчилиги вақт ажратиб, ўз устида ишлашга имкон берамайди. Гарчи шунча муаммолар тўсиқ бўлишига қарамай, оқоқоллар учун компьютер бўйича кўшимча курсларнинг ташкил этилиши кўпчиликни бафарқ қолдирмаслиги турган гап.

## Ўқув муассасаларини жалб қилиш керак

— Ёши катта бўлгани учунми ёки хонадонлардаги муаммоларни ҳал қилишга кўп вақт ажратганиданми, кўпгина маҳалла раисларининг бу соҳага эътибори камроқ, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгаши мутахассиси Нуриддин Эгамбердиев. — Вилоят миқёсида оладиган бўлсак, тахминан 30-35 фоиз оқоқоллар ахборот-коммуникация технологиясидан талаб даражасида фойдалана олади. Хусусан, маълумотларни киритиш, уларни ўзгартириш, электрон почтадан хат-хабар-

ларни олиш имконига эга.

Худудимизда янги сайланган раисларнинг 80 фоизи 45-60 ёшлар атрофида. Кўринадими, ёши улугларнинг янги билимларни эгаллаши бироз қийинчилик туғдириши мумкин. Шундай бўлса-да, кун талабидан келиб чиққан ҳолда уларга компьютер саводхонлигини ўргатиш зарур. Назаримизда, бунинг учун махсус курслар ташкил этиши керак. Эҳтимол, маҳалланинг ён-атрофидаги ўқув муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш керакдир.

## Ёши катта бўлгани учунми ёки хонадонлардаги муаммоларни ҳал қилишга кўп вақт ажратганиданми, кўпгина маҳалла раисларининг бу соҳага эътибори камроқ.

Ҳозирги кунда янги технологияларсиз ишни ташкил қилишни тасаввур қилиш мушкул. Маҳаллада аҳолининг рўйхатини шакллантириш, кам таъминланган, ижтимоий муҳофазатга муҳтож оилалар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини яратиш ҳам юқори бўлиши зарур. Раисларга бу борада масъул котиб ва туман кенгаши мутахассислари амалий қўмаклашиб келмоқда.

## Электрон базадан фойдаланишга тайёризмизми?

— Барчамизга маълумки, ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг барча соҳаларига шиддат билан кириб келмоқда. Ахборот эса энг қимматли ва қадри нарсага айланиб улгурди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлим бошлиғи Қулрат Мирзаев. — Уни тизимли ва эҳтиёткорлик билан қўллаш учун эса, албатта, билим ва кўникма талаб этилади. Президентини қабул қилинган «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мақодини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра, маҳалла фуқаролар йиғинлари учун имтиёзли интернет тариф режаси ишлаб чиқилди. У бош-

қа тарифларга нисбатан анча арзон. 2020 йилнинг 1 январига қадар эса «Маҳалла» электрон базаси, яъни юртимиздаги барча маҳаллалар ҳақидаги маълумотлар жамланган ахборот тизими ишга тушиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда қандай маълумотлар киритиш, янгиланиб бориш фурсати, улардан қимлар фойдаланиши мумкинлиги каби масалалар кўриб чиқилмоқда.

Дастлаб яратилган электрон база юртимиздаги 14 та вилоят ва 200 та туманни қамраб олса, кейинчалик эса босқичма-босқич барча маҳаллаларни киритиш борини кўзда тутилган. Бу лойиҳа тўлиқ ишга тушиши учун эса маҳаллалар тўлиқ компьютерга эришган бўлиши керак. Шу билан бирга, маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият юротаётган ходимларнинг билим ва салоҳияти ҳам юқори бўлиши зарур. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, бошқа маълумотлар билан аралашиб кетмаслигининг олдини олишда бу жуда муҳим вазифалардан биридир.

«Маҳалла» электрон база тўлиқ ишга тушиши билан маълумотларни тезкор олиш имкони туғилади. Уларнинг ҳаққонийлиги таъминланади. Ҳамкор ташкилотлар билан маҳалладаги маълумотлар ўртасидаги тафовутларни бартараф этилишига, ягона ва ҳаққоний маълумотларга эга бўлишга эришилади.

Мутахассислар фикрига кўра, юқоридаги ишга туширилиши режалаштирилаётган базага маълумотлар киритиш, улардан фойдаланиш учун маҳалла раиси ва бошқа ходимлар компьютер жижозларидан ўргата фойдаланиш даражасида, яъни ёкини-ўчириш ва ишлата олиши керак. Office дастурларида эркин ишлай олиши, интернетнинг барча браузерларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши зарур. Шу билан бирга, ахборот хавфсизлигига катъий риоя қилиши шарт.

Кўриб турибдики, ахборот-коммуникация технологияларидан эркин фойдалана олиш давр талабига айланган. Зеро, ҳар соҳада мукамал билимга эга бўлган мутахассислар халққа қандай ёрдам кўрсатиш усулларини ҳам яхши билади. Шундагина овозгарчиликлар ва ортиқча қозғозликларга чек қўйган бўлаемиз.

Шахноза РАҲИМХЎЖАЕВА  
«Mahalla»



тизимини яратиш, ўзгаришларни узлуксиз тарзда киритиб бориш, уларни таҳлил қилиш имконини беради. Ҳисоботларни тайёрлаш ва берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришда ҳам техниканинг ўрни бўлакча.

Юқоридаги фикрларга асосланган бўлсак, компьютердан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш ҳар бир маҳалла раиси учун асқатиши аён ҳақиқат. Хўш, аини шу масалада республикамиз маҳаллаларидаги аҳвол қандай? Техник таъминот талаб даражасидами? Кадрларнинг ахборот-коммуникация технология-

юритиши, зарур топшириқларни бажаришда ҳам замонавий техникалар бизга жуда асқатмоқда.

Аммо ундан фойдалана олиш малакасида келадиган бўлсак, биз каби ёши олтимпидан ошган авлод вакиллари эса бироз қийинчилик туғдириши ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамай ҳаракат қилаемиз. Ҳар ҳолда компьютерни ёқиб, керакли маълумотни топа оламиз. Асосий ишларни бажаришда эса масъул котибнинг кўмагига таянамиз. Назаримизда, замон билан ҳамнафас бўлган оқоқол иш юритишда

## ИНФОГРАФИКА

### Фуқаролар йиғинлари раисларига қўйиладиган билим талаблари

#### Хуқуқий саводхонлик

Норматив-хуқуқий ҳужжатларни тушуниш ва тўғри қўллаш

Маҳалла тизимига оид қонун ҳужжатларини билиш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушултириш

#### Назарий-амалий билимлар

Тарих, адабиёт ва санъатга оид билимларга эга бўлиш

Фуқаролар йиғинларининг фаолият йўналишларини чуқур билиш

Маҳалла тарихи, урф-одатларини билиш

Маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳитни ва уни соғломлаштириш механизмларини билиш

Маҳалланинг географик ва демографик хусусиятларини билиш

Замонавий ахборот-технологиялардан фойдалана олиш

Ўзбекистон минерал-ҳомашё базасини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди.

# «Намунали ҳудуд» лойиҳасидан кўзланган мақсад нима?

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ — ҲАММАНИНГ ИШИ

2019 йилнинг 6 ойи давомида Андижон шаҳрида жами 289 та жиноят содир этилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 165 тага, яъни 63 фоизга камайишига эришилган. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чораги натижаларига кўра, шаҳардаги 83 та маҳалланинг 55 таси «жиноятдан холи ҳудуд» ҳисобланса, 16 тасида жиноятчилик сони камайган. 7 та маҳалла ҳудудига эса вазият ўзгармаган. 5 та маҳаллада ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари ошган.

Талончилик йўналишидаги жиноятлар 16,6 фоизга (12/2), фирибгарлик 73,2 фоизга (56/41) ва ўғирлик 25,8 фоизга (124/32) камайишига эришилди, касддан баданга оғир шикаст етказиш (14 та) жинояти ўтган йилга нисбатан барқарор қолгани аниқланган.

## Тажриба алмашинувининг ўрни бўлакча


Жиноятнинг биттага бўлса ҳам камайиши жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Андижон шаҳрининг бу борада эришяётган натижалари эса ҳақиқатан, эътиборга молик. Бунинг замирида меҳнат ва фидкорлик мужассам. Ишда бирор яхши ютуқни қўлга киритишда эса ўзаро тажриба алмашинувининг ўрни бўлакча. Шу мақсадларни кўзлаб, 2019 йил 13 апрель-13 июль кунлари Андижон вилоятининг Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан тузилган ишчи гуруҳ томонидан «Намунали ҳудуд» тажрибасини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида яхши натижалар қўлга киритилди.

## «Вазиятларни назорат қилиш марказлари» қаерда назорат ўрнатади?

Таҳлиллар натижасига кўра, 2018 йил якуни бўйича кўча ва жамоат жойларида қайд этилган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 70 фоизини (106 та), 2019 йилнинг 6 ой давомида эса 16 фоизини (21 та) ташкил қилган. Жиноий ҳолатларнинг кўпи аҳоли гавжум жойларда содир этилиб, жабрланган шахсларнинг ички ишлар органлари билан зулдликда боғланиш имконини берувчи тизим мавжуд бўлмаган. Бу жиноят содир этган шахснинг яшринишига шароит яратган. Келгусида бундай ҳолатларга чек қўйиш ҳамда жиноятни ўз вақтида фож этиш мақсадида бозорларда, кўча, хибзон ва шу каби аҳоли кўп тўпланадиган бошқа ҳудудларда назоратни

янада кучайтиришга эҳтиёж туғилмоқда.

— Андижон шаҳрида «Намунали ҳудуд» тажрибасини яратиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар доирасида криминоген ҳолатдан оғир бўлган ҳудудлар, бозорлар ҳамда жиноят содир этишга мойил шахслар тўпланиши мумкин бўлган мас-




канлар ва ҳуқуқбузарликлар қўн содир этиладиган жойлар ўрганиб чиқилди. — дейди Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи раҳбари, лейтенант Шерзодбек Нурдиннов. — Юзага келаятган муаммоларни баргараф этиш мақсадида шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг ички ишлар бўлимида жами 6 та «Вазиятларни назорат қилиш марказлари» фаолияти ташкил этилди.

Ҳар бир ИИБ ҳудудига ўрнатилган 286 дона юқори тизим тасвирга туширишга эга бўлган ҳамда 12 дона кун-тун режимида ишловчи, юз киёфа оркали шахсини аниқловчи видеокузатув камералари шу марказга уланди.


Мазкур марказ томонидан июль ойининг ўзига 46 нафар бемақсад юрган, 14 нафар ўзини шубҳали тугган фуқаролар ички ишлар бўлимига олиб келиниб, улар билан профилактик ишлар олиб борилди. Видеокузатув мосламалари ёрдамида маст ҳолда жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишга шубҳа уйғотган 17 нафар шахс аниқланиб, ҳудудларда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинди.

Олиб борилаётган ишларга қўшимча равишда аҳоли гавжум ҳамда йирик



чалар, бино ва иншоотларнинг ҳудудлари, кўп қаватли уйлarning ён-атрофи тунги ёритиш чироклари билан ёритилмагани жиноят содир этилишига имкон яратади. Шу сабабли, 787 та кўп қаватли уйнинг атрофи ва 43 та кўчага 347 та тунги ёритиш чироклари ўрнатилди.

Амалга оширилаётган кенг қўламли ҳаракатлар натижасида, жорий йилнинг 13 апрель кунидан 13 июль кунига қадар



бозорлар ҳудудлари замонавий техника воситалари билан жиҳозланган жами 13 та мобил пост билан таъминланди. Кў-

жамоат жойи билан боғлиқ жиноятларнинг сони 62 фоизга камайишига эришилди.

## Жиноятнинг олди олинди

Ички ишлар органлари томонидан «Намунали ҳудуд» тажрибаси доирасида шу йилнинг 15 июль куни тунги соат 23:00ларда Андижон шаҳрининг 3-кичи даҳасида жойлашган кафе-хонанинг бирида Андижон даҳасида жойлашган кафе-хонанинг бирида Андижон туманида яшовчи фуқаро Ж.Ж. кафе ишчиси фуқаро С.Ў. билан ўзаро жанжаллашиб, ёнидаги пичоғи билан унга тан жароҳати етказмоқчи бўлган вақтда тунги хизматга жалб этилган профилактика инспектори Ҳ.Ҳақимов ва унинг ёрдамчиси Ш.Худойбердиев ҳамда «Фидокор ёшлар» гуруҳи аъзолари оғир турдаги жиноятнинг олдини олишди.

Юқоридagi ҳолат юзасидан фуқаро Ж.Ж.нинг яқинлари, у яшайдиган маҳалла фаоллари, Андижон шаҳар 3-кичи даҳа ҳудудидаги кафе ва бошқа умумий овқатланиш шохобчалари ишчилари иштирокида муҳокама йиғилишлари ўтказилиб, профилактик тушунтириш ишлари олиб борилди. Фуқаро Ж.Ж. жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этмаслик ҳақида расмий равишда огоҳлантирилди.

## Эътибордан четда қолмас, ижобий натижалар кўпаяди

— Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 5 минг 747 маҳаллада умуман жиноят содир этилмаган, — дейди ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бўлим бошлиғи Исмомил Қимматов. — Бу қанчадан-қанча одамларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечираётганини аниқлатади. Жиноятчиликни камайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида Андижон шаҳридан ташқари, Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ҳам турли йўналишларда эришилган яхши натижалар тажрибаси бошқаларга ҳам намуна қилиб кўрсатишмоқда. Эътиборга молик ҳолати, бу борада ҳеч ким қўл қовқатириб ўтиргани йўқ. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғини, Ёшлар иттифоқи вакиллари билан тузилган ишчи гуруҳлар жиноятларни камайтириш борасида астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Бошқа ҳудудларда ҳам жиноятчилик маҳаллалар кесимида таҳлил қилиниб, уларни камайтириш чоралари кўрилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимизни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш, халқимизнинг тинч-хотиржам турмуш кечириши, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар мустаҳкамлигига эришишдан иборат.

Инсон табиати жуда қизик, кичик эътироф билан унинг имкониятлари янада кенгайиши, қилаётган ишига меҳр уйғониши мумкин. Шу боис ҳам бугун яхши натижаларни қўлга киритаётганларни эътибордан четда қолдирмаслик, уларнинг ишини бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш ҳар томонлама ўзининг ижобий самарасини бериши аниқ.

Шаҳноза РАҲИМХҲҲАЕВА  
«Mahalla»

## «Mahalla» маълумоти:

Андижон шаҳрида жорий йилнинг шу даврига қадар 3 минг 200 нафар ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида уларнинг 1 минг 400 нафари касб-хонага ўқитилди. 230 нафари касаначиликка йўналтирилган бўлса, 110 нафари хунармандчиликка жалб этилди. 10 нафарига 2 млрд. 665 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар расмийлаштирилди. 187 нафар оғир турмуш кечираётган хотин-қизларнинг муаммолари ўрганиб чиқилди. Ажрим ёқасига келган 254 та оиланинг 70 таси (27,5%) яраштирилди, 66 нафарига муддат берилди.

# «Дўкон цемент сотиш учунми ёки...»

ХАЛҚИМИЗ – ДОИМ ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН ЯШАЙДИ. УЙ ҚУРСАМ, ФАРЗАНДЛАРИМГА ТҶҲ ҚИЛСАМ, ДЕЙДИ. ЗЕРО, БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧАНЛИК ҚОН-ҚОНИМИЗГА СИНГИБ КЕТГАН

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, ижобий ўзгаришлар, янгиланишларга гувоҳ бўласиз. Гўё Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланган.

Албатта, бунёдкорлик соҳасидаги бундай «жонланиш» аҳолининг сифатли қурилиш моллари, хусусан, цемент маҳсулотига бўлган талабини орттириб, ишлаб чиқаришни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Айниқса, юртдошларимиз ёнинг ёгингарчиликсиз ўтадиган иссиқ кунларидан унумли фойдаланиб, бошлаган иморатини тезроқ битириш ҳаракатида бўлади. Аммо унинг пойдеворини кўтариш учун сифатли ва ҳамёнбоп цемент маҳсулотини бўлмас-чи?!

## 500 кг. дан ортиқ цемент берилмайди

— «Олмалиқ ТМК» АЖ Шеробод цемент заводига қарашли Денов 8-сонли кўчма савдо дўкони одамларга 500 килодан ортиқ цемент берилмайди, — дейди Сурхондарё вилояти Денов тумани Фарғона қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи бир гуруҳ аҳоли вакиллари. — Айни иш қизиган вақтда цемент оламиз десак, дўкон ёпиқ бўлади. Очилган пайтда ҳам

сотувчилар ҳар бир харидордан паспорт нусхаси талаб қилишади. Ўрнатилган бу тартиб қурилиш мавсумида бизга турли нуқулайликларни келтириб чиқармоқда. Наҳотки, бу масалага ижобий ечим топишнинг имкони йўқ?!

Таъкидлаш лозимки, Шеробод цемент заводи Президентимизнинг 2016 йил 10 октябрдаги «Сурхондарё вилояти Шеробод туманида цемент заводи қурилиши инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида фойдаланишга топширилган бўлиб, ушбу йирик лойиҳага 212,8 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция маблағи йўналтирилган. Заводнинг технологик қисми эса Туркиянинг дунёга машҳур «Dal teknik makina tigaret

ve sanayi a.s.» фирмаси томонидан амалга оширилган. Айни пайтда бу ерда йилга 1 миллион 500 минг тонна юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

## «Одатда «учар» олибсатарлар норози бўлади»

Бирок масала шуки, бугун аҳоли Шеробод цемент заводига қарашли кўчма савдо дўконлари фаолиятдан қоникаётгани йўқ. Хўш, нега бундай бўлмоқда? Биз мурожаатни ўрганиш мақсадида мутасаддиларнинг фикрлари

билан қизикдик.

— Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида «Олмалиқ» АЖ Шеробод цемент заводига қарашли 12 та кўчма савдо дўкони фаолият юритмоқда, — дейди Олмалиқ тоғкон металлургия комбинати цемент ишлаб чиқариш бўйича техник бўлими бошлиғи ўринбосари Илбёхон Хусанхонов. — Ушбу савдо дўконларини ташкил этишдан қўзланган энг асосий мақсад — аҳолига сифатли ва ҳамёнбоп қурилиш маҳсулотини етказиб беришдан иборат. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда дўконларимизда фуқароларга 500 килограмм цемент берилмоқда. Қолаверса, паспорт нусхаси талаб этилаётгани ҳам бор гап. Аммо бундан муаммо ясамаслик лозим. Чунки «учар» олибсатарларнинг «беминат ёрдами» тўғрисида кўпинча оддий аҳолига арзон цемент етмай қолади. Ўзингиз ўйланг, агар фуқарога кунда 500 кг. цемент берилса, одатда бир кунда ушбу қурилиш материални тўлиқ ишлатолмайди. Эртаси кун келса, яна берилади, бунда ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўрганишларимиздан шу нарса маълум бўлмоқдаки, ўрнатилган бу тартиб-қоидадан аксарият ҳолларда юқоридан тизга олинган олибсатарлар норози бўлмоқда.


## ДАРВОҚЕ...

Юртимиз заводларида ишлаб чиқарилаётган 1 тонна цемент айни кунларда Республика товар хомашё биржаси орқали 400 мингдан 600 минг сўмга сотилмоқда.

маҳсулотини ишлаб чиқариш мақсади қилинган, — дейди «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Ботир Хожабеков. — Шунигингдек, «Олмалиқ ТМК» АЖ таркибидagi Шеробод ва Жиззах цемент заводлари 1 миллион 986 минг тонна ҳамда кичик ишлаб чиқариш корхоналари томонидан 819 минг тонна маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси томонидан эса 7 миллион 538 минг тонна цемент сотилиши белгиланган. Айни кунга келиб, 7 ойлик режадаги маҳсулот ортиси билан ишлаб чиқарилиб, жойларга етказиб берилмоқда. Қувонарлиси, аҳолининг ушбу маҳсулотга бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида жорий йил Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Сурхондарё ҳамда Самарқанд вилоятларида ишлаб чиқариш қуввати 3,5 миллион тоннадан зиёд 10 дан зиёд янги цемент заводлари ишга тушади. Натижада четдан цемент маҳсулотини импорт қилишга деярли ҳожат қолмайди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун юртимизда бўлаётган бунёдкорликларни ва кундан-кунга гўзаллашиб бораётган шаҳар қишлоқларни кўриб, кишининг кўзи қувонади, дили яйрайди. Қолаверса, юртдошларимиз рўзгордан орттириб, бир-биридан чиройли иморатлар кўтараётгани, ўзи яшаётган маҳалласини обод қилаётгани аҳолининг турмуш шароити тобора яхшиланиб бораётганидан далолат беради. Энг муҳими, барчамиз бу эзгу ишларни давом эттиришимиз ҳамда юртимиз раваннага муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»



## МЕНДА САВОЛ БОР...

### «Қурилиш дўкони очмоқчиман...»

— Қурилиш материаллари сотиш даромадли соҳа ҳисобланади. Шу боис қурилиш дўкони очмоқчиман. Бунинг учун, аввало, нималарга эътибор беришим лозим?

Шоқир ҲАМИДОВ,  
Наманган вилояти.

Ботир ХОЖАБЕКОВ,

«Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи:

— Қурилиш материаллари дўконини очиш учун камида 50 кв.м. майдонлик бино керак бўлади. Бундай майдонда фақат кичикроқ дўконча очиш мумкин. Шу сабабли, қурилиш дўконининг ҳажми қанча катта бўлса, шунча яхши. Бу эса харидор ўзига керакли нарсаларни дўконингиздан кўпроқ топиши мумкин деганидир.

Дўкон жойлашган жойнинг ҳам аҳамияти катта. Асосан, янги иморатлар тушаётган ёки янги кўп қаватли уйлар қурилаётган маҳалладан жой танлаган афзал: одамлар янги



уйларга жойлашади ва уни таъмирлашади. Қолаверса, аҳоли зич жойлашган жойлардаги қурилиш моллари дўкони товарларига ҳам талаб катта бўлади. Қурилиш гипермаркетларида жойлашган дўкон муваффақият қозониши учун эса у тор доирада ихтисослашган бўлгани маъқул. Шунда унинг эътиборга тушиш имконияти ошади.

Бино ҳажмининг ҳисоблаётганда, товарларини сақлаш учун омборхона бўлишини ҳам инобатга олиш керак. Омборхонага савдо залидан кириш имконияти бўлса, нур устига нур. Бунда зарур товарларни харидорни куттириб қўймасдан, олиб чиқиб бериш мумкин.

Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизими такомиллаштирилади.

# ИНТЕРНЕТДАГИ ТРОЛЛАР КИМЛАР?

ЁХУД ЖАМИЯТДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ ИСЛОҲОТ ВА  
ЎЗГАРИШЛАРГА САЛБИЙ МУНОСАБАТ БИЛДИРИБ,  
ХАЛҚ ОРАСИДА НОТЎҒРИ ТАСАВВУР УЙЎТИШДАН  
МАҚСАД НИМА?

Бугун интернетдан фойдаланиш имкониятлари кенгайгани сари ижтимоий тармоқлар ва электрон оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётининг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. Табиийки, виртуал оламда турли фикрлар, қарама-қарши муносабатлар мавжуд. Бирор мавзу юзасидан фикр билдираётганда ҳар икки тараф ҳам ўзининг ҳақлигини исботлашга, асосли далиллар келтиришга уринади. Аммо интернет фойдаланувчилари учун маълум бўлган шундай бир тонфа борки, улар «тироқ орасидан кир қидириб», ҳар қандай ислохот ва янгилликлар ҳақида салбий муносабат билдиришга, бу орқали халқ фикрини ўзгартириш, инсонларни ҳақорат қилиш ва одамлар ўртасида адоват уруғини сочишга интилади. Бундайлар интернет фойдаланувчилари орасида «тролл» деб номланади.

## Ҳақорат қилинган киши ҳеч нарса қила олмайди

Тролл деб кўпинча ҳам-субҳатларга ёқимсиз бўлган нарсаларни ёзидиган кишига айтилади. Ёки виртуал мулоқотда жанжаллашадиган, уришадиган, можоро чиқарадиган, жумладан, ҳаммининг эътиборида туриш учун ҳар кун ки-миндир ёмонлаб, адашганлигини фош қиладиган кимсаларни ҳам троллар дейиш мумкин. Интернет орқали мулоқотда кўпчилик арзимаган баҳона билан ҳеч қандай сабабсиз одамларни ҳақорат қилишга мойил бўлади — ахир, унинг тушунчасида ҳақорат қилинган киши барибир ҳеч нарса қила олмайди.

Маълумот ўрнида айтиш лозим, Тролл — скандинав халқ афсоналари қахрамони, яшил рангли денгиз жонзоти. Ваҳший ва конхўр махлуқ. Виртуал оламдаги троллар ҳам шу мавжудотга ўхшаб кетади. Фақат улар гўшт билан эмас, инсонларнинг руҳиятини бузиш билан озиқланади.

## Уларнинг мақсади нима?

Афсуски, бугун ижтимоий тармоқлардаги аламзада ва тажовузор фойдаланувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Бир-бирини ҳақоратлаш, мас-харамош шарҳ қолдириш, шай-нини бўлғаш, ташкилотлар ва раҳбарларни обрўсизлантириш виртуал оламдаги янги трендга айланди. Низолар ортидан, ҳатто бир-бирини кўрмаган инсонлар апаздий ганимга айланган ҳолатлар ҳам мавжуд. Ижтимоий тармоқлар инсон феъл-атворининг аллақайси бурчакларида беркинби олган ёвузликни юзага чиқараётган-дек ўда.

— Одамлар феъл-атвори-нинг тадрижий ривожлани-шига эътибор қаратсак, унинг шаклланиши бевосита муло-қот воситалари билан боғлиқ эканига ғувоҳ бўламиз, — дей-ди психолог Шюбра Исокова. — Тадқиқотчи олим Дени Уол-лейсинг «Кўпол одамлар ҳақи-да ҳақиқат» китобида Эмили-

ишча, ижтимоий тармоқдаги мулоқот сабаб одамлар хулқи кўполашмоқда. «Инсон хулқи ва компютерлар» (Computers in Human Behavior) журналида келтирилишича, аслида инсон-лар жонли мулоқотнинг кама-йиши, кўз алоқасининг йўқлиги боис ўзаро муносабатларда дағаллашмоқда.

Пенсильвания универси-тети олимлари ўтказган тад-қиқотларга кўра, ижтимоий тармоқдаги ҳаёт инсонларнинг хулқи, ижтимоий муносаба-тлари ҳамда руҳий саломатли-гига жиддий зарар етказди. «Ижтимоий ва клиник руҳият» журнали (Journal of Social and Clinical Psychology)да ёзилганича, ижтимоий тармоқ тушкунлик, дарғазаблик, ода-мовилик, ҳафконлик ва тажовузорликнинг кўзгатувчиси саналади.

## Троллнинг психологияси қандай?

Ижтимоий тармоқда «тролл» хусусиятли профиллар мавжуд. Улар доимо бошқалар-ни хафа қилишга уринашади. «Шахсият ва индивидуал тафовутлар» (Journal of Personality and Individual Differences) жур-налида эълон қилинган тадқи-қотга кўра, виртуал троллар шахсиятида садизм (бировни кийнаб лаззатланиш), нарцизм (ўз-ўзига бино қўйганлик), мачивеллизм (мунтазам равишда бошқаларни алдаш ва таъсирда ушлаб туриш) аломатлари юқори бўлади. Уларнинг аксарияти табиатан шунга мойил, жамият қонда-ларига зидлиги боис ўзини тийишга мажбур бўлган. Вир-туал олам эса улардаги майлини кўзгатамқда.

— Интернетдаги илк Usenet форумлари билан бирга най-до бўлган «тролл» феномени дастлаб 1993 йилда тилга олинган, — дейди Кореянинг Ёнсей университети тад-қиқотчиси, блогер Шухрат Сатторов. — Троллга ўшанда «кибер-мақондаги зўравон» деб таъриф берилган. Улар интернет фойдаланувчилари-нинг муносабат ва кайфияти, нуфузига таъсир кўрсатиши

мақсадида мунтазам равишда тажовузор ёки иғво кўзга-тувчи, нафратомуз ва кўпол шарҳ ва постлар қолдиради. Кўпинча уларнинг шахслари мавҳум бўлади. Аммо исм-фа-милияларини яширмайдиган троллар ҳам мавжуд. Улар бошқаларнинг азобини ҳис қилмайди ва осонлик билан одамларни камстадилар. Энг ачинарлиси, бу — оммавий трендга айланмоқда, ижтимоий тармоқдаги хулқ эса реал ҳаётдаги юриш-туришга таъсир кўрсатади.

## Саломатликка ҳам таъсири бор

Инсонлар ўртасидаги хур-мат ва инсон феълдаги одоб-ахлоқ жиноятчилигининг ка-майиши ва тинчликка хизмат қилган муҳим омиллар сана-лади. Агар виртуал тармоқдаги троллар ҳаётда ҳам ўзларини очик-ойдин намойиш қилса-лар, бу — қатта хавфга айлани-ши, табиий.

Кўполлик мисоли совуқ ҳаво каби жуда тез таркала-ди. Ҳатто, кўполликка ғувоҳ бўлганлар ҳам ундан жабр кўрадилар, руҳан бу вазият уларнинг жисмларида юкка айланади. Ҳадеб бу ҳолатга ғувоҳ бўлиш эса тушкунлик, асаб тизимига салбий таъсир кўрсатувчи нейротоксинлар эса турли касалликларни келти-риб чиқаради. Технологиалар асрида ҳукуматлар олдида ин-сонларнинг виртуал оламдаги хулқ-атворларини тўғри йўнал-тириш, салбий таъсирлардан уларни химоя қилиш вазифаси ҳам турибди.

Ҳозирча Буюк Британия, АКШ, Австралия, Янги Зелан-дия каби давлатларда интернет ва ижтимоий тармоқларнинг зарарли фойдаланувчиларига қарши курашга оид янги қо-нунлар жорий қилинмоқда.

## Троллларга қарши халқаро микёсда кураш қандай кечмоқда?

— Англия ва Уэльс 1988 йил-даёқ «Зарарли алоқалар тўғри-сида»ги қонунни қабул қилган ва унда илк мартаба «исти-

роб уйғотувчи», «безовталикка сабаб бўладиган», «электрон ҳақорат», «онлайн тухмат» каби тушунчалар изоҳланган, — дейди Шухрат Сатторов. — 2003 йилда электрон воситалар орқали таҳдидларни тартибга солиш янги қонун билан белгилаб берилган. Буюк Британия Адлия вазирлигига кўра, тажовузор интернет-контентни тарқатаётганлар сони мунтазам ортмоқда. Мисол учун, Лондонда «онлайн жиноятлар» қўлами кескин ошган. 2015-2016 йилларда «Алоқалар тўғрисида»ги қону-нининг 127-моддасига асосан, жавобгарликка тортилганлар сони 13 фоизга ошган бўлса, «Зарарли алоқалар тўғриси-да»ги қонуннинг 1-бандига, кўра, жазоланганлар сони 32 фоизга кўнайдиган. Айни пайт-да зарарли ахборот тарқа-таётганларга нисбатан 5,000 фунт-стерлинг жарима ёки 6 ойлик қамоқ жазолари қўлла-нишмоқда. Шунингдек, интер-нет тармоғида тажовузор ахборотларни тарқатаётган тролларга 2 йилгача қамоқ жазоси ҳам белгилаб қўйилган.

Австралия ҳукумати ҳам интернетда мавҳум ном остида фаолият олиб бораётганлар-нинг хулқидан хавотирда. Чун-ки онлайн хатти-ҳаракат реал ҳаётга таъсирини ўтказмоқда. Шу боис «Жиноят кодекси»га кўра, айни пайтда тролларга қарши фаол кураш бошланган. Онлайн тармоқда ўзини камси-тилган, ҳақорат қилинган деб ҳисоблаган шахслар Австралия алоқа ва ахборот агентлигига мурожаат қилади. Шу асосда текширув ҳаракатлари олиб борилади.

АКШнинг Калифорния штат-ида кибер-камситиш ва элект-рон иғвогарлик учун жиддий айбловлар муқаррар. Мисол учун, штатнинг «Таълим ко-декси»га кўра, зарарли ахборот тарқатаётган, бошқаларни кам-ситган ва ҳақоратлаган ўқув-чилар мактабдан четлашти-рилади. Мазкур қоидда штатда онлайн иғвогар ортидан ўқув-чилар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайгани

туфайли жорий қилинган. Шу-нингдек, Калифорния «Жиноят кодекси»да виртуал тармоқда-ги ноқоб хатти-ҳаракат учун 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади.

## Виртуал олам жанг майдонига айланган

Интернет — одамлар ўр-тасидаги худбинлик жангга кирган маконга айланди. Бу ерда «мен сендан зўрман», «мен сендан бойроқман», «мен сендан бахтлироқман», «мен сендан ғўзалроқман» каби давлолар рақобатга киришади. Авваллари жонли мулоқотда бир-бирининг дардига малҳам бўлганлар энди бир-бирлари-нинг яраларини «чўп» билан «қавламоқда». Бундай муҳитда тушкун бўлиш ва азият чекиш, ноилжликдан бошқаларга нафрат сочиш ва уларни кам-ситиш жуда осон.

Бугун Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларда ҳуқуқлари топталган фуқароларнинг ҳаммаси ҳам кимга мурожаат қилишини билмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда эса кибер жиноятларни тадқиқ қиладиган малакали мутахас-сислар етарли эмас. Айрим давлатларда кибер жиноятлар билан шуғулланадиган алоҳида идоралар фаолият кўрсатмоқда.

Қонунчилигимиз фуқаро-ларнинг интернет тармоғида ўзини тутиш одобини белгилаб берувчи, виртуал камситиш ва ҳақоратларнинг олдини олувчи, инсонларнинг интер-нетдаги хатти-ҳаракатлари, шунингдек, турли номларда саҳифа юритишни тартибга солувчи, мавҳумликка қарши курашувчи, фойдаланувчилар-нинг шахсий маълумотларини химоя қилувчи хужжатларга муҳтож. Замонавий тренд ва муаммолар асосида мавжуд қонунчиликини такомиллашти-риш — бугун юзага келаётган муаммо ва жиноятларнинг, шунингдек, тролларнинг вир-туал оламдан ҳаётимизда ҳозир бўлишларининг олдини олади.

Фарход ГОЛИПОВ  
«Mahalla»

Илк бор мактаб битирувчилари жамғармаси ташкил этилди.



# Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ОГОҲЛАНТИРАДИ!


ТАБИАТ ҚҶЙНИДА ДАМ ОЛАМАН, ДЕБ САЛОМАТЛИГИНГИЗДАН АЙРИЛМАНГ

Жорий йил 20 июль куні Бухоро вилояти Шофиркон туманининг чўл худудидан ўтувчи Зирабулоқ магистрал газ қувур линиясининг 76 км.да қувур пайванд чоки очилиб кетиши оқибаотида ёрилиш содир бўлди. Натижада 33-34 атмосфера босими остидаги газ ташқарига сизиб чиқиб, ёниб кетган. Фавқулодда вазиятни бартараф қилиш мақсадида тармоқ ўчирилди. «Ўзтрансгаз» АЖнинг авария-тиклаш гуруҳлари ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари томонидан тезда зарур чоралар кўрилди. Ҳодиса содир бўлган жой аҳоли пунктидан олислиги боис ҳеч ким жабр чекмади.

бор кўрган одамлар тезда кўркувларини енгиб, илонни ушлаш ва ўлдирish пайига тушишган. Шундан сўнг қутқарув гуруҳимиз ноёб маҳлуққа зарар етказмай ушлаб, тадқиқотчиларга топширди.

## 12 метрдан машина билан кулаб соғ қолган хайдовчи

Фаолиятимиз давомида инсонлар ҳаёти ва саломатлигини жиддий хавф остига қўяётган вазиятлар ҳам кўлаб учрайди. Жумладан,



жорий йил баҳор ойларида сел, тошқин, кўчкилар оқибаотида етказилган кўлаб зарарларни бартараф қилишимизга тўғри келди. Яқинда эса «Spark» автомашинасида кулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчилари машина ва жабранувчини каналдан чиқариб олишди. Қувонарлиси, фуқаро соғлиғига жиддий зарар етмаган. У бир неча кун касалхонада даволаниб, оила-си бағрига қайтди.

фуқаро машина бошқаруви вақтида тўсатдан хушидан кетгани, натижада жарликдан «Бўзсув» каналига қулгани маълум бўлди. Воқеа жойига 10 дақиқага қолмай етиб борган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчилари машина ва жабранувчини каналдан чиқариб олишди. Қувонарлиси, фуқаро соғлиғига жиддий зарар етмаган. У бир неча кун касалхонада даволаниб, оила-си бағрига қайтди.

## Омад ҳамиша келавермайди

Аммо бу каби омад ҳамиша келавермайди. Қуни кеча — 22 июль куні Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги бўлимимиз ҳамда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан Уйсозлар кўчаси 7-уйда жойлашган «Шохрух» автотранспорт корхонасининг таъмирлаш бўлимида ёниб кетган автоприцепни вақтида ўчиришга эришилди. Ёнғин қутилимаганда содир бўлиб, тез кучайиб борган. Натижада корхона мулкига жиддий зарар етган.

## Чўмилиш қондаларини бузманг!

Ёз ойларида, айниқса, тоғли ва тоғолди худудларга сайрга чиккан, чўмилиш хавзалирида дам олаётган фуқаролар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар кўп учрайди. Ўтган давр мобайнида ходимларимиз томонидан юзга яқин шундай ҳолатлар кузатилиб, кўлаб инсонларнинг ҳаёти ва саломатлиги асраб қолинди.

Масалан, яқинда Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси навбатчилик хизматига телефон ор-

## Қандай чоралар кўриляпти?

Албатта, фавқулодда вазиятлар орасида сайёҳларнинг шахсий эҳтиёт чораларига амал қилмагани боис фожиали яқунланганлари ҳам учраб туради. Шу боис вазирлик ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тинимсиз тарғиб-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Республикаимиз бўйлаб Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар бошқармалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгашлари билан ҳамкорликда чўмилишга руҳсат берилмаган каналлар, дарёларда рейдлар ўтказилмоқда. Рейдлар давомида бундай сув хавзалирида чўмилаётган фуқароларга тушунтириш берилиб, улар сув хавзаларидан чиқариб юборилмоқда ҳамда воқеа етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида мавзуга оид китоблар тарқатиляпти. Хавзалар яқинига минглаб «Чўмилиш таққиланади» ёзуви туширилган огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилди.

Улугбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

Мамлакатимиз Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари юқоридаги каби ҳолатлар билан деярли ҳар куні тўқнашадилар. Қутқарувчилар уйда кулфлини қолган бувижондан ториб, адашиб, аҳоли яшаш пунктларига келиб қолган ёввойи ҳайвонлар, сув тошқини, кўчки ва бошқа табиий офатлардан жабр кўрганларни қутқариб оладилар. Ёз ойларида содир бўлаётган фавқулодда вазиятлар тўғрисида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассиси Самандар Ҳикматуллаев билан суҳбатлашдик.

## Кобра одамлардан қутқарилди

— Дарҳақиқат, ходимларимиз ҳар куні турли ҳолатларнинг сувоҳи бўлишади, — дейди С. Ҳикматуллаев. — Ёз ойларида сув хавзаларидаги тошқин, илон ёки захарли ҳашаротлар чақини, тоғ ва тоғолди зоналарига таширф бурувчиларнинг кўпайиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар кўпаяди. Ҳатто ҳайвонот олами вакилларини инсонлардан қутқаришимизга ҳам тўғри келади. Маса-

лан, яқинда Навоий шаҳрида истикомат қилувчи фуқаро Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тезкор навбатчисига уйда илон кўрганлиги тўғрисида хабар берган. Маҳлуқ ўзини тазовувкор тутаётгани, хонадон соҳиблари уйга кира олмаётганини билдирган. Ходимларимиз, аввало, илон чақини билан боғлиқ вазиятнинг олдини олиш мақсадида зудлик билан қутқарув гуруҳини воқеа жойига юборди. Аммо манзилга етиб борил-



ганида, аксинча аҳоли яшаш пунктига адашиб келиб қолган, ноёб кобра илоннинг ўзи хавф остидалигининг сувоҳи бўлишган. Кобрани биринчи

12 метрли жардан «Бўзсув» каналига кулаб тушган Қибрай туманида истикомат қилувчи фуқаро И.Н.ни қутқардик. Ҳодисага аниқлик киртилганда,

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### Қутқарувчи бўлмоқчиман...

— Қасб-хунар коллежини тамомлаганман. Фавқулодда вазиятлар бошқармасига қутқарувчи лавозимига ишга кириш ниятиданман. Бунинг учун қандай талабларга жавоб беришим керак?

Нодир СОЛИЕВ,  
Самарқанд шаҳри.

Умиджон АҲРОРОВ, Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— Қасб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини танлаб олиш ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, қасб-хунар коллежлари битирувчилари: мутахассис-қутқарувчи лавозимига — дезинфекция инструктори, дозиметрист, газдан қутқарувчи ва шу каби барча қутқарувчи лавозимларига ишга қабул қилиниши мумкин.

Бунда номзоднинг ёши 18 дан кичик, 30 ёшдан катта, бўйи 175 см.дан кам бўлмаслиги, жисмонан бақувват, руҳан соғлом, мустақил фикр юрита олиши, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда захарли моддалар билан, шунингдек, соғлиғига кўра бандликда ишлашга ярқли, муддатли харбий хизматни ўтаган бўлиши керак.

Шунингдек, қутқарувчи-хайдовчи ва ғаввос-қутқарувчи лавозимига эса қўшимча равишда куйидаги талаблар ҳам қўйилади: Қутқарувчи-хайдовчи камида «ВС» тоифали хайдовчилик гувоҳномасига, хайдовчининг тиббий кўрикдан ўтганлиги бўйича махсус маълумотномага эга бўлиши керак. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қондалари ва шартли белгиларни мукаммал билиши зарур.

Ғаввос-қутқарувчи лавозимига эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти томонидан сув остида ишлашга руҳсат берилган бўлиши муҳимдир.

# Юзни таниш тизими жиноятчини аниқлай оладими?

Тўғри йўлдан юрган инсонни ҳеч қандай кузатув хавотирга сололмайди

Жиноятчилар доимо қонундан, қонун ҳимоячиларидан қочишининг турли йўллари билан излашади. Баъзида улар сохта ҳужжатлар ёрдамида яширинишса, айрим ашаддийлари махсус жарроҳлик амалиётлари орқали юз шаклини ўзгартиришдан ҳам тап тортишмайди. Шу боис ҳуқуқ посбонлари жиноятчиларнинг бир поғона баландда юришларини инобатга олиб, зарур чора-тадбирлар кўришади, криминалистикага янги услуб, энг сўнги инновацион технологияларини кенг жорий этиб келишади.

## Рухсатнома шарт эмас...

Россия пойтахти Москва шаҳрида 2019 йилда ана шундай илгор услублардан кенг фойдаланиб, узок йиллардан бери қидирилатган ўнлаб жиноятчилар ушланди. Шаҳар мэри юзни таниш оловчи мазкур система ўнлаб жиноятчини ушлашда ёрдам берганини таъкидлади. Айни пайтда давлат идоралари, турли офислар ходимлари учун жорий этилган кириш рухсатномаси ўрнига қўшлаб компаниялар юзни таниш дастуридан фойдаланаётгани кўпчиликка сир эмас.

Яқинда оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимиз ички ишлар органлари томонидан хитойлик мутахассислар ёрдамида юзни таниш тизими йўлга қўйилганлиги тўғрисида хабар тарқалди. Huawei компаниясининг илгор технологиялари ва инновацион ечимларидан фойдаланган ҳолда «Хавфсиз шаҳар» мажмуасини куриш мақсадида жорий этилаётган мазкур янгилик кўпчиликни кизиктириши табиий.

Хўш, ушбу тизим қандай ишлайди? Унинг ишга туширилиши ўзбекистонликларга нима беради? Хавфсизлик масалаларида

самарали ечим бўла оладими? Айни саволлар юзасидан соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик.

## «Очиқ компьютер кўзи»дан қочиш қийин


— Одамни юзи орқали таниш олиш дастуриларидан ҳудуд қўн, шулардан бири — энг сўнги илгор технология Apple компанияси томонидан ишлаб чиқилган, — дейди GLOTR.UZ веб-портали маъсул ходими, дастурловчи Руслан Абдуллаев. — Ушбу инновацион технологиянинг — Face ID дастури одам юзини 3D кўришида таниб олади. Ушбу дастур виртуал оламда энг самарали ҳисобланади. Яна бир дастур *OPEN CV* эса инсон чехрасини фотосуратга орқали таниб олади, уни ўзбекча айтишда «очиқ компьютер кўзи» деган маънони бидиради. Учинчиси — сўнги илгор орқали таниш. Бунда объект инсонни яқинлигига қўради, нейрон тармоқларга асосланган алгоритмлар ишга тушади. Алгоритм айнан нимага эътибор қаратишини олдиндан айтиб бўлмайди, яъни бурун, қўлоқлар, қишлоқ алоҳида олишмайди, аксинча яқин юз нишонга айланади. Шулар орасида *OPEN CV* ни бизда жорий этиш қўлайроқ. Бунда имкон қадар камералар дастурига уланади ва дастур суратдан келиб чиқиб, одамни таниб олади, у ахборот олади, қайта ишлайди ва маълумот беради. Тизимнинг муваффақиятини ишлатиш учун, аввало, база яратилиши керак. Юртимизда мазкур тизимни жорий этиш хавфсизликка хизмат қилиши, ички ишлар ходимлари ишини осонлаштириши тўғрисида гап.

## Дастур ҳуқуқатга ҳам фойда келтиради

Дарҳақиқат, юзни таниш тизими дунё мамлакатлари ҳаётига алақачон жорий этилган. 2014 йилдан бошлаб, мазкур дастурга асосланиб, Хитойда ижтимоий рейтинг ёки ижтимоий кредит деб номланган тизим ишга туширилган. Мамлакатдаги ҳар бир фуқароннинг хатти-ҳаракатларини баҳолайдиган мазкур тизим ҳуқуқатга қатта ёрдам бермоқда. Унинг ишлаш кетма-кетлиги жуда олдий: ҳар бир шахс миллий маълумотлар базасига киритилади, яъни солиқ ведомостлари, ишхона маълумотлари ёки видеокузатув камералари орқали. Мабодро бирор хитойлик йўлни нотўғри кесиб ўтсаю, унинг бу ҳаракати камерага муҳрланса, ушбу шахснинг ижтимоий рейтингини ўз-ўзиндан пасаяди. Бундай ҳолатлар қанча кўп содир бўлса, ўша одамнинг айрим ҳуқуқлари чекланади. Яъни паст рейтингли одамлар давлат идораларида маъсул лавозимларда ишлаш олишмайди. Давлатдан ижтимоий ёрдам олиш мумкин бўлган ҳолатлар — кимматбаҳо хусусий мактабларга боласини бериш, меҳмонхоналар ёки рестороанларда тўхташ билан боғлиқ ҳаракатларни қоплаш ёки авиабилет, тезорар поездларга чипта сотиб олишдаги имтиёзлардан маҳрум бўлади.

Ажабланирлиси, жорий йилнинг апрелигача 15 миллионга ҳолатда паст ижтимоий рейтингли чинликлар самолёт ва поездларга қўйилмади. Рақамли кузатув тизими ҳозирча фақат Хитойда ишга туширилган. Аммо юзни таниш тизимдан дунёнинг қўшлаб мамлакатларида кенг фойдаланилмоқда.

Қатта корхоналар, компаниялар офисларида юзни аниқлаш функциясига эга бўлган тизим қўлайлиги билан тобора оммала-



## ДАРВОҚЕ...

### Уни қандай алдаш мумкин?

Жиноят олами вакиллари қандай қилиб бўлмасин, ҳуқуқ тартибот органларидан яширинишга уринишади. Юзни таниш тизимини қандай алдаш ҳам уларни ўйлантириши аниқ. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу тизимни алдаш мумкин эмас. Агар жиноятчи бош кийимини юзунинг ярмигача боштириб қийиб олса ҳам, дастур унинг қолган ярим чехрасидан ким эканини таниб олади.

## Терроризм ва жиноятчиликка қарши курашда қўл келади

Юртимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан Тошкент кўчаларида юзни таниш технологиясини татбиқ этиш бўйича Хитойнинг Huawei компанияси билан музокара олиб борилмоқда.

— Айни пайтда ҳар бир маҳаллада, қўн қавати уйлари кириш йўлақларида, турли идора ва ташкилотлар биноларига кириш жойларида ҳам видеокузатув камералари ишлаб турибди. Бу ҳол ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қатта самара бераётди. — дейди Ички ишлар вазирлиги ходими Сайфиддин Тўрахўжаев. — Янги тизимга келса, Хитой компанияси билан дастлабки келишувга алақачон эришилган, лойиҳа икк бошқичларда турибди. «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасининг асосий элементларидан бўлиши кутулаётган мазкур тизим ишлатиш учун Тошкент

чорраҳаларига ўрнатилган камералар дастурини ўзгартириш ва бошқарув марказини созиш керак бўлади, ҳоло. Юзни таниш технологиясини терроризм ва жиноятчиликка қарши курашда муваффақиятларни янги бошқича қўради.

Пойтахтимиз ҳаётига татбиқ этилаётган мазкур тизим ишга тушса, қонун билан муаммоси бўлмаган кишиларнинг кўзи ҳам «очиқ компьютер кўзи» билан тўқнашиши табиий. Ваҳоланки, динимизда «Аллоҳ сизларнинг устигизда кузатувчидир», «Бирор борида бажармаган ишингни ҳеч ким йўғида ҳам қилма» каби кўрсатмалар мавжуд. Тўғри йўлда юрган инсонни эса ҳар қандай кузатув хавотирга сололмайди.

Юлдуз ХОЖИЕВА  
«Mahalla»

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### Видеокузатув камералари қаерларга қўйилиши керак?

— Кўча-қўйда, бино-ишоотларга қираверишда, ҳатто шахсий хонадонлар эшиги олдида ҳам кузатув камералари ўрнатилганга барчамиз гувоҳимиз. Айтинг-чи, видеокузатув камераларини ўрнатиш бўйича маълум қонунчилигимизда қандай тартиблар бор?

Сурайё МУХИДИНОВА,  
Тошкент шаҳри.

Шухрат АЛИМОВ,  
Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ташкилий бошқарув бўлими бошлиги ўринбосари, подполковник:

— Ўзбекистондаги амалдаги қонун-қондаларга кўра, бу боралда қатор тартиблар мавжуд. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш

тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида умумтаълим муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, ҳудудлар атрофини ўраш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларни бириктириш, видеокузатув камералари, ёнингга қарши сигналлаш тизимларини, кириш йўлларида қондабузарликларни қайд этувчи қурilmаларни ўрнатиш чора-тадбирларини кўриш зарурлиги белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий банки бошқарувининг «Тижорат банкларида жиесмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарориди тарқибий бўлишда тўлов терминаллари, ҳисоблаш техникаси, тегишли дастурий таъминотга эга бўлган Банкларро ягона электрон тизимга уланган компьютер

техникаси, телефон алоқаси, ёнмайдиган темир сейф, ёнги хавфсизлиги сигналлаш тизими ва видеокузатув камералари бўлиши лозим.

Президентимизнинг «2017-2019 йиллар даврида дехкон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудда замонавий савдо мажмуалари куриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориди эса замонавий савдо мажмуаларини лойиҳалаштириш ва лойиҳанинг умумий қийматини шакллантириш жараёнида мақбул лойиҳа ечимларини қўллаш юзасидан қўйилган талабларга, уларда барча инфратузилма объектлари жойлаштирилишига, хавфсизлик талабларига (кузатув камералари ўрнатилишига) тўлиқ риоя этилиши устидан тизимли назорат амалга оширилиши шартлиги мустаҳкамланган.

Шу каби қатор фармон ва қарорларда кузатув камералари ҳақида гап боради.

Уларнинг асосий мақсади турли хил қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилгани қайд этилади. Бундан ташқари, мазкур тизим, айниқса, кўчаларда, автомобиль ва пиёдалар ҳаракатини назорат қилишда кенг қўлланилмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашининг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 19 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида «Хавфсиз пойтахт» концепциясини жорий этишда ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистонда алкоголь, тамаки, ва сиқилган газ аксиз солиғи ставкалари ошмоқда.

# Европадан фарқли равишда бизда тарбияга катта эътибор қаратилган

ЖАЗО МУДДАТИНИ ЎТАЁТГАН МАҲКУМЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ, ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ИМКОНИАТЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Юртимизда мавжуд жазони ижро этиш муассасалари хусусида турли хил фикр-мулоҳазалар мавжуд. Хўш, Ўзбекистондаги қамоқхоналар дунё стандартларига мос келадими? Бу ҳақда Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг Тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Жамшид Султоновнинг фикрлари билан қизиқдик.



борган шахс жамиятда, оила-сида, маҳалласида ўз ўрнини топа олиши муҳимдир. Шу боис жазо муддатини ўтаётган шахсларни қонунларга ҳурмат ва иттифоқчилик руҳида тарбиялаш, онгиди меҳнатга ижобий муносабат уйғотиш орқали келгусида тақдирини яхшироқ содир этишларининг олдини олиш, озодликка чиққач жамиятга осон мослашувини таъминлаш борасида дастурлар амал қилади.

## Меҳнат инсонни тарбиялайди

Ўзбекистонда жазони ўташ масканларида маҳбусларга хуна ўргатиш борасида комплексли ишлар амалга оширилади. Жумладан, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни ўқитиш ва касбий тайёрлаш тизими, ўқув жараёнига масофавий таълим имкониятларини татбиқ этиш режаси ишлаб чиқилган. Шу асосда колонияларда 1 та умумтаълим ва 4 та касб-хунарга ўргатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилган.

Жазони ўташ муассасаларини ривожлантириш борасидаги дастурлар доирасида 2022 йилга қадар қамоқхоналардаги ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш учун 33 млрд. сўм маблағ ажратилиши ва 1,3 мингта янги иш ўринлари ташкил қилиш режалаштирилган. Шунингдек, жазони ўташ масканлари 2023 йилнинг 1 январига қадар барча солиқлардан озод қилинган. Юртимиздаги 40 та жазони ижро этиш муассасасида ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, махсус давлат унитар корхоналари ташкил қилиниши ре-

жалаштирилган. Янги ташкил қилинаётган корхоналарнинг асосий вазифаси – аҳоли орасида талаб катта бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳисобланади. Ушбу жараён тўлиқ қамоққа олинганларнинг кучи ёрдамида амалга оширилади. Улар билан меҳнат шартномалари тузилади. Ташаббусдан яна бир муҳим натижа кутилмоқда – қамоққа олинганларни керакли хунарга ўргатиш, моддий манфаатдорлик, меҳнат натижасига қизиқиш уйғотиш шулар жумласига кирилади.

Мисол учун, Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган аёллар қамоқхонасида маҳкумлар учун етарли шартлар яратилган. Ҳар бир маҳкумнинг ортида бир оила тургани, уларнинг жазони ижро этиб бўлганидан сўнг жамиятга қўшилиб, соғлом ҳаётга қайтиши кераклиги таъкидланиб, ўзларига бўлган ишончини оширишга ёрдам бериляпти. Маҳкумлар билан олиб борилаётган суҳбатларда, тарбиявий талбирлар жараёнида уларнинг ақсарияти ўз ҳуқуқ ва бурчларини билимаслиги маълум бўлади. Ачинарлиси, уларнинг кўпчилиги бирор-бир касб ёки маълумотга эга бўлмагани сабабли жиноятга қўл уради. Меъёрий ҳужжатларга, асосан, муассасада мактаб филиали ташкил этилган. Бу ерда дарслар рус ва ўзбек гуруҳларида ажратилган ҳолда олиб борилади. Битирувчиларга ўрта маълумотга эга бўлгани ҳақида шаҳодатнома берилади. Шунингдек, муассасага қарашли «Шарқ гавҳари» корхонасида юздан ортқ хотин-қизларга малакали мутахассислар ёрдамида бичиш-тиқиш, тўқувчилик ўргатиляпти.

## Маҳкумлар қандай ҳуқуқларга эга?

Ҳозирда республикамиздаги мавжуд тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш колонияларига жами 2 648 та видеокузатув мослаамалари ўрнатилган. Бу тергов ва саклаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, кийнок ҳамда жисмоний таййик ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, яқин йилларда маҳкумлар ҳуқуқини химоя қилиш борасида бир қанча ўзгаришлар амалга оширилади. Жумладан, улар обхаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтида тоза хавода машқлар билан шуғулланиш, психологик ёрдам олиш, хавфсиз меҳнат шартномага эга бўлиш, дам олиш, таътилга ҳақ олиш, меҳнатга ҳақ олиш мумкин. Эндиликда маҳкум оғир касалликка чалинган тақдирда телефон орқали кўшимча сўзлашиш, шунингдек, шифокорнинг кўрсатмаси билан кўшимча учрашувга рухсат берилади. Маҳкумларни тиббий кўриқдан ўтказиш даврийлиги аниқлаштирилди ҳамда маҳкумларнинг ҳар 6 ойда камиди

АНА,  
ХОЛОС!

## Граф Монте Кристодек лаҳм қовлашди

Бухоро вилояти ИИБ Жазони ижро этиш бошқармасига қарашли 1-сонли жазони ижро этиш колониясида қочишга уринган бир гуруҳ маҳкумлар, жумладан, ўта хавfli редицивистнинг айёрсна режаси фoш этилди.

Олим Тўйчиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган бўлиб, ўзининг қамоқхонадан қочиш тўғрисидаги режасини амалга ошириш учун маҳкумлар орасидан шерикларни танлайди. У Отабек Жўмартов, Азизбек Дадабоев ва Рўзимат Маҳкамолларга мақсадини ошқорлаб, уларни ҳамкорликка ундайди. Ўртадаги келишувдан сўнг муассаса атрофини ўраб турган девор яқинида жойлашган маҳкумлар учун мўлжалланган хожатхона остидан лаҳм қазинишига киришилади. Улар хожатхона ички қисмидаги охириги ўриндик жойининг бетон қисмини синдириш орқали ергўлага тушиш учун махсус жой тайёрлашади. Махсус лаҳм қазиниш учун керак бўладиган белқурак, болга, челак, темир бўлақлари сингари анжомларни хожатхонага олиб келиб қўйишган.

2018 йил декабрь ойидан бошлаб, аста-секинлик билан хожатхона ён девори бетон қисмини синдириб, махсус тешик ҳосил қилган. Ундан хожатхона остки йўлига тушиб, 1,0x1,30 метр хажм катталиқдаги қисмини синдириб, белқурак ёрдамида яна чуқур қазиниш давом этган. Кейинчалик куннинг маълум бир қисмида муассаса кўриқчиларига сездирмасдан жиний гуруҳ аъзолари навобат билан қазиб боришга ўзаро келишиб олган. Бирок жиний ҳаракатларини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига еткази олишмади. 2019 йил 1 январь куни соат тахминан 15:00 ларда жиний гуруҳ аъзолари муассаса ходимлари томонидан жиний устиди қўлга олинди.

Жорий йил 7 июлда Жиний ишлари бўйича Ромитан туман суди маҳкумлар солир этган мазкур жиний бўйича ҳукм ўқиди. Унга кўра, мазкур шахслар ўташи лозим бўлган жазо муддати яна кўпайтирилди.

бир марта, шунингдек, уларнинг муурожаатига кўра, тиббий кўриқдан ўтказиш кераклиги белгиланган.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

## ВИЛАСИЗМИ?

Пойтахтимиздаги «Тоштурма» номи билан машҳур бўлган қамоқхона чор Россияни Марказий Осиёни истило этганидан йигирма йил ўтди, 1891 йилда барпо этилган. Ушбу қамоқхона тўрт ой муддатда, асосан тош ва гилдан қурилган боис «Тоштурма» деб аталган. Ҳозирда муассаса фаолияти тўхта-тилган.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломларнинг янги намуналари тасдиқланди.

# Хувиллаган шоҳбекатда қачон шароит бўлади?

«ФАРҒОНА – ҚЎҚОН» КАТТА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ЁҚАСИДА ЖОЙЛАШГАН «ФАРҒОНА – ЁРМОЗОР» АВТОШОҲБЕКАТИ ЁНИДАН ЎТАРКАНМАН БУ ЕРДАГИ ҲОЛАТ, АЯНЧЛИ МАНЗАРАГА АЧИНИШ ВА ҲАЙРАТ БИЛАН ҚАРАЙМАН. «ЁРМОЗОР» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ҲУДУДИДА «САВЛАТ ТЎКИБ» ТУРГАН БЕКАТ БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ, ҚАРОВСИЗ

Мамлакатимиз аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатиш кўлами ва сифатини яхшилаш борасида берилган имтиёз ва имкониятлар кун сайин ортиб бормоқда. Хусусан, янги автобус йўналишларини ташкил этиш, мавжуд автовокзал ва автостанцияларни реконструкция қилиш, қуриш борасидаги ислохотлар аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилаётир. Айтиш кунда соҳада яратилаётган ўзига хос қулайликлардан аҳоли мамнун.

Бирок соҳа ривож йўлида тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Аввало, бу борадаги имтиёз ва имкониятлардан қандай фойдаланилган? Йўловчи ташвиш хизматларида қандай янгиликлар жорий этилди, муаммолар нимада?


## Қаровсиз бекат

«Фарғона – Қўқон» катта автомобиль йўли ёқасида жойлашган «Фарғона – Ёрмозор» автошохбекати ёнидан ўтарканман бу ердаги ҳолат, аянчли манзарага ачиниш ва ҳайрат билан қарайман. «Ёрмозор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «савлат тўкиб» турган бекат бир неча йилдирки, қаровсиз. Бир пайтлар гавжум ва файзли бўлган маскандаги манзара кишини таажубга солади. Тартибсиз ва сифатсиз қурилган бекатлар, чала қолиб кетган қурилишлар, тўпланиб қолган чиқинди уюмлари, хас-хашақлар ён-атроф кўрмага «соя солиб» турибди.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш борасидаги амалий ишлар кенг қулоқ ёзаётган бир паллада шаҳар марказига туташ ҳайҳотдек автовокзал нега бу аҳволга тушиб қолди?

## Автошохбекатда самбо тўғараги очилди

Этиборли жиҳати, шаҳарнинг асосий кириш ва чиқиш дарвозаси бўлган «Фарғона – Ёрмозор» автошохбекати ўтган асрнинг саксонинчи йилларида қурилган. Бу ерда транспорт тўхташ жойлари, йўловчилар учун ўзига хос қулайликлар яратилган шундоқ кўриниб турибди. Хусусан, транспортларга чиқиш пиллапоялари ўз ҳолида сақлаб



қолинган. Ҳатто йўналишдаги автобуслар ҳаракатини кўрсатиб туривчи кўрсаткичлар бор.

— Автошохбекат ўз вақтида нафақат вилоят, шаҳар ва туманлар, балки қўшни вилоят ва республикалар ва халқаро йўналишлар бўйлаб ҳаракатланаётган йўловчи ташвиш транспортлари учун муҳим кўнимгоҳ бўлган, — дейди «Фарғона – Ёрмозор» автошохбекат иш бошқарувчиси Махаммадjon Тусматов. — Шу мақсадда ҳайдовчилар дам олиш хоналари, йўловчилар учун кутиб заллари, тиббий хизмат, она ва бола хоналари, ошхона сингари замонавий инфратузилма тармоқлари фаолият кўрсатган. Чунки авваллари шаҳарлараро транспорт воситалари шу ерда тўхтарди. Кейинчалик эса барча йўналишдаги автотранспорт воситалари шаҳар марказий шохбекати орқали қатновчи жорий этилганидан сўнг автовокзал хизматида фойдаланиш тўхтаб қолди. Лекин бир амаллаб кун ўтказилмиш. Бекат ҳудудида самбо тўғараги, тренажёр зали ташкил қилганмиш. Шунингдек, автотураргоҳ, автомобиль ювчи тармоқлари фаолияти йўлга қўйилган.

Иш бошқарувчи автовокзалнинг мақсад ва истиқболдаги режалари, муаммолари ҳақидаги саволларимизга жўяли жавоб бера олмади. Ишга муносабат шу бўлса, ривожланиш, тараққиёт ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас.

## «Бизнинг бекатлар бундай «хизматлардан» холи»

Аҳолига намунали транспорт хизматлари кўрсатишда автошохбекатларнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, бекат йўловчиларни об-хаво инжиқликларидан ҳимоялаш, ҳаракат йўналишидаги транспортларни кутиб туриш учун муҳим кўналга ҳисобланади.

Аслини олганда «Фарғона – Ёрмозор» автошохбекати фаолияти бугунги кун талабларига жавоб берадими? Бу ерда

қандай қулайликлар яратилган? Афсуски, бу жабҳада айтишга арзиғулик ишлар кўзга ташланмайди. Номига қуриб қўйилган, эътибордан четда қолган ўриндиклар синдириб кетилган, ҳафта давомида супурги «юзи»ни кўрмаган бекатга қадам босгани юрак бетламайди.

— Автошохбекатлар нафақат кутиб, балки ахборот олиш маскани сифатида ажралиб туриши керак, — дейди Қўштепа тумани «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Равшанбек Насриддинов. — Бу каби масканларда қайси йўналишда транспортлар ҳаракатланиши, қатновларнинг бошланиш вақти, тугаши ҳақида маълумотлар базаси бўлиши лозим. Аммо бизнинг бекатлар бундай «хизмат»лардан холи. Яъни бу ерда йўловчилар учун ҳеч қандай қулайликлар яратилмаган. Шу болиқ одамлар бекатларда эмас, балки катта йўл четидаги соясалқин жойларда транспорт воситаларини кутмишга оdatланиб қолмоқда. Бу эса табиийки, йўллардаги ҳаракат сифатига салбий таъсир кўрсатади.

## Янги автобус – янги йўналишлар

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январида «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳақида шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташвиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги муаммолар ечимда қўл келади, — дейди Фарғона вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи Шарифжон Йўлдошев. — Қарор ижроси доирасида шу кунга қадар 52 та замонавий автобуслар олиб келинди. Бу 12 та йўналишда шаҳарлараро ва ички янги автобуслар ҳаракатини йўлга қўйиш



## ДАРВОҚЕ...

Фарғона автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси тасарруфидоги корхоналар томонидан жорий йилда 12 та янги оралиқ бекатлари қурилди, 126 та бекат таъмирдан чиқарилди.

им-кониини берди. Бундан ташқари, «Бўрболиқ – Риштон», «Фарғона – Сатторобод», «Учқўприк – Меҳнатобод» йўналишларида 17 дона «Damas» русумли автотранспорт воситалари қатновчи йўлга қўйилди. Шунингдек, оралиқ бекатларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, янги бекатлар қуриш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилан олинди. Ҳозирда Ўзбекистон ва Учқўприк, Сўх ва Ёзёвон туманларида янги автостанциялар қурилиши юзасидан амалий ишлар олиб боришмоқда.

## Халқаро йўналиш муаммолари

Фарғона вилояти ҳудудий жойлашувига қўра, қўшни Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари билан халқаро автобус йўналишлари ташкил этиш учун қўлай имкониятларга эга. Лекин айтиш кунда бу имкониятдан ўринли фойдаланилган, дея олмаймиш. Хўш, бу борадаги ишларга тўсиқ бўлаётган омиллар нима?

— Шу кунларда халқаро йўналишдаги автобуслар қатновини ташкил этиш мақсадида қўшни республикалар вакиллари билан музокаралар олиб бораётишимиз, — дейди вилоят транспорт бошқармаси тарифларни шакллантириш ва тендерлар ўтказиш сектор мудири Имомали Ибрагимов. — Лекин ҳар икки давлат ҳудудидоги йўл-транспорт коммуникация тармоқлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Қолаверса, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, чегара ҳудудларида белгиланган божхона ва суғурта тўловлари

йўл ва чипта харажатларининг ортишига сабаб бўлмоқда. Чунки йўлда юрган йўловчи учун, аввало, хавфсизлик ва хизмат турларининг арзон ва юқори сифатда бўлиши муҳим ҳисобланади.

## Жарима билан иш битмайди

Бугунги кунда соҳадаги энг асосий масала йўловчи ташвиш фаолият турлари билан ноқонуний шуғулланувчиларга қарши курашишдан иборат. Тўғри, бу борадаги ноқонуний хатти-ҳаракатларга барҳам бериш, фуқароларда жавобгарлик ҳиссини ошириш юзасидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритилди. Натижада бундай ноқонуний ҳаракатларни амалга оширган, тегишли лицензиясиз фаолият кўрсатган шахсларга энг кам иш ҳақининг элик баробаридан юз баробаригача бўлган жарима жазолари белгиланди.

Бошқарманинг автобусларда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш назорат бўлими инспекторлари томонидан ИИБ ЙХХБ ходимлари билан ҳамкорликда 366 мартаба қўшма рейдлар ўтказилди. Унда лицензиясиз фаолият кўрсатаётган 949 нафар ҳайдовчига маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, маъмурий суд томонидан 652 миллион сўмдан ортиқ жарима қўлланилди.

— Жарима билан иш битмайди, — дейди вилоят транспорт бошқармаси автобусларда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи Шамсур Махмудов. — Аввало, мазкур ишлар тарғиботини тўғри ташкил этиш, халқ оmmasига етказиш учун масъуллар масъулиятини ошириш муҳим саналади. Чунки йўловчиларга лицензиясиз хизмат кўрсатаётган шахс ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатини тўғри англаб етиши зарур. Бу ҳаракат хавфсизлиги ва йўловчи ташвиш билан боғлиқ бўлган кўнлаб муаммоларга ечим бўлади.

Дарҳақиқат, йўлда юрган йўловчи ўз манзилга тез ва ортиқча қийинчиликларсиз етиб олишни кўзлайди. Бунинг натижасида ўз-ўзидан юқори малакали транспорт хизмати, замонавий автошохбекатлар бўлган талаб ва эътибор ортиб боради. Демак, соҳа ривож йўлидаги ислохотлар қоғозда эмас, ҳаётга татбиқ этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Расул КАМОЛ  
«Mahalla»

Халқ табобати билан шуғулланмоқчи бўлган шахслар сертификат олиши талаб этилади.

# Машинага парда тутишга рухсат бериладими?

ЁХУД ҲАРОРАТ ҚОИДАДАН КУЧАЙМОҚДА

Шу кунларда депутатларнинг машиналарга бепул асосда пардалар ўрнатишга рухсат беришни назарда тутувчи таклифи аҳоли ўртасида қизғин муҳокама-ларга сабаб бўляпти. Хўш, мазкур таклифга қандай муносабат билдирилмоқда? Депутатлар мурожаати қандай ечим топади? Кўпчилиكنи қизиқтирган ва айна кунларда долзарб бўлиб турган мавзу юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев билан суҳбатлашдик.

— Айни пайтда жазирама иссиқ туфайли ҳаммамиз азият чекаймиз, — дейди Р. Кушербаев. — Хайдовчилар ва кундуз кунни йўлга чиққан йўловчилар жазирамадан энг кўп қийналяпти. Чунки машиналар, автобусларда қуёш нурларидан ҳимояланиш учун шариотлар мавжуд эмас. Зеро, кўпчилик мамлакатимиз йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига кўра, ҳаракатланаётган автомашина ойналарини пардалар билан беркитиш таъқиқланган, деб ҳисоблайди. Мазкур қоидаларни қайта кўриб чиқиш бўйича депутатларга қатор таклиф ва мурожаатлар келиб тушди. Мурожаатларни ҳисобга олиб, халқро ҳужжатлар, хориж мамлакатларнинг соҳадаги амалиётини ўрганиб, енгил автомобилларни орқа ва орқа ён ойналари, олди ён ойналарини пардалар билан ёпишга рухсат берадиган қоидади қабул қилиш бўйича таклифни ишлаб чиқдик. Бу хайдовчи ва йўловчиларга қулайлик яратиб, уларнинг соғлигини сақлашга хизмат қилади.

йича таклифни ишлаб чиқдик. Бу хайдовчи ва йўловчиларга қулайлик яратиб, уларнинг соғлигини сақлашга хизмат қилади.

## Қуёш нури ва «Луна» эффекти

Дарҳақиқат, шу кунларда аҳоли орасида жазирама иссиқ пайти машина бошқарган ёки «авто» ичида бўлган фуқаролар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабарлар тарқалмоқда. Қуёш нури тиг-лари ойнадан ўтиш жараёнида «лупа» эффектини ҳосил қилиб, инсонга икки баробар куч билан таъсир этаётгани таъкидланяпти. Баъзи шовво-лар ойна орқали бир нуқтага йўналтирилган қуёш нурлари мато ёки пахта ни бемалол ёки юбориши мумкинлиги тўғрисида видеороликларни интернет сайтларига жойлаб

хам улгурди. Хўш, бу борада хайдовчиларнинг фикри қандай?

— Депутатлар ташаббуси хайдовчилар дилидаги гап бўлди, — дейди Тошкент шаҳридан Қашқадарё вилоятига қатнайдиغان хайдовчи Нурмурод Йўлдошев. — Ҳозир жазирама иссиқ. Манзилга етиб олиш учун беи соатдан ошқроқ йўл босишимизга тўғри келади. Хайдовчини қўя туринг. Йўловчиларимиз аксар ҳолларда машинанинг ён ойналарини сочқ ёки бошқа бирор мато билан ёпиб юришга мажбур бўлмоқдалар. Аммо йўл-наптуръ хизмати ходимлари бу ҳолатни ҳам қоидади бузиш, деб баҳолаб, хайдовчини жари-мага тортади. Биз каби узоқ йўлга қатновчи хайдовчилар кўпича қариялар, ёш бола, чақалоғи бор оилалар, касалларга хизмат кўрсатишимизга тўғри келади. Жазирамада, айниқса, мана шу фуқаролар қаттиқ азият чекишади. Яқинда бир йўловчимни қуёш урди. Кўнгли айниб, боши оғрий боилди. Салқин жойда тўхтаб бир-икки соат дам олишимизга тўғри келди. Шундан буён кундуз кунни йўлга чиқмаяман. Мен каби кечаси йўл босадиганларнинг кўпайгани эса йўлларда хавфнинг ошишига сабаб бўляпти. Хайдовчини қуёш эли-тиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисаси келиб чиқиши эса алоҳида масала. Бизнингча, мазкур қоидалар, жилақурса ёз кунлари учун қабул қилинса, айни мудоао бўларди.

## Парда учун жарима бор

Шу ўринда мамлакатимиз қонунчилиги бўйича машина ойналарини қорайтирганлик ёки парда ўрнатганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 126-моддасига кўра, энг кам иш ҳақининг 25 баробаридан 40 баробарига-гача жарима белгиланганини

айтиб ўтиш лозим. Шу боис хайдовчи ва йўловчилар илжоизликдан қуёш нурларида куйиб юришга мажбур.

— Мамлакатимиз қўшилган йўл ҳаракати қоидаларининг халқро меъёрлари-га мувофиқ, хайдовчи нигоҳи билан қамраб олинадиган 180 даражадан таиқаридаги майдон теварак-атроф ҳисобланади, — дейди Расул Кушербаев. — Бу ҳудудга парда ўрнатиш мумкин. Аммо амалда бу стандартлар иш-ламаяпти. Бунга ҳар бир инспектор, хайдовчига тушунтириб чиқишининг имкони мавжуд эмас. Мазкур қоидалардан хабардор фуқаролар эса, орқа ва орқа ён ойналарга парда ўрнатишга рухсат аввал ҳам бўлганини итдао қиялпти. Аммо бизнинг таклиф бу билан чегараланаётгани йўқ. Биз фақат орқа ва орқа ён ойналар учун рухсат сўрамаямиз. Хайдовчи ва унинг ёнида ўтирадиган йўловчи учун ҳам қулайликлар яратишни, олди ён эшик ойналарига ҳам пардалар ўрнатишга рухсат берилишини таклиф қияймиз.

Хайдовчилар эса ҳозирда машина ичини кўриш мумкин бўлган, шу билан бирга, салқин ҳам берадиган махсус пардалар мавжудлиги, уларни бемалол ойналарга ёпиштириш мумкинлигини итдао қилишмоқда. Бу пардалар йўл ҳаракати хавфсизлигига ҳам, инспекторлар томонидан машина ичини кўздан кечиришга ҳам халал бермайди. Аммо бунга ҳам рухсат йўқлиги мантисиз ва эскирган қоида эканини таъкидлашмоқда.

Дарҳақиқат, чиқарилаётган

## БИЛАСИЗМИ?

### ЯГОНА ТРАНЗИТ ТИЗИМИ НИМА?

Бир неча йил илгари мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида ягона транспорт — транзит тизимини жорий қилиш борасида ҳаракатлар бошланган эди. Пойтахтимиз бўйлаб қурилатган янги метро линиялари ана шу тизимнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Хўш, ягона транспорт — транзит тизими нимани англатади?

Баъзи ривожланган мамлакатлардаги йирик шаҳарларда ушбу тизим йўлга қўйилган. Жумладан, Канада давлатининг мегаполисларида транспорт тизими ягона транзит тизимига бирлашган. Транзит тизими, бу — автобус, трамвай, метро барчасининг бирлашуви дегани. Буларнинг бари давлатга қарашли бўлиб, шаҳар мэрининг биринчи ўринбосари томонидан назорат қилинади.

Жараёнда, бир жойдан чипта сотиб олиб, ана ўша чипта билан манзилга етиб олишингиз мумкин. Неча марта транспорт алмаштирсангиз ҳам — автобуси, трамвайи, метроми, ана ўша битта чипта амал қилади. Бу билан шаҳардаги автомобиллар тирбандлигига барҳам берилади.

Баъзи мамлакатларда эса чипта учун вақт белгилаб қўйилган. Масалан, битта чипта олсангиз, у 1 соату 45 дақиқа давомига ўз кучида туради. Ўша вақт туғунгича сиз хоҳлаган жойингизга бориб, қайтишингиз мумкин. Агарда 1 соату 40 дақиқада пшингиз битиб, чиптангиз ярқилик вақти туғашига 5 дақиқа қолганида автобусга чиқсангиз, хайдовчи чиптангизни бошқасига алмаштириб беради ва чипта яна 1 соату 45 дақиқа ўз кучида бўлади.

хар бир қонун, қоида, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, кўпчиликка маъқул келиши лозим. Фикр ва мулоҳазаларга қулқот тутиб, депутатлар томонидан илгари сурилатган ушбу таклиф ижобий самара беришига умид қилиб қоламиз.

Улғубек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### Хорижда ишлаб чиқарилган машина сотиб олмоқчиман

— Хорижда ишлаб чиқарилган автомашина сотиб олмоқчиман. Эшиттишимча, бунинг учун бозлар қаматирилди. Шу тўғрими?

Нуриддин АЛИЕВ,  
Жиззах шаҳри.

### Хусан ТАНГРИЕВ,

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати раҳбари:  
— Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 29 июнда имзоланган «Ташки иктисодий фаолиятни ва божхона-тариф тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги қарорининг иловасига кўра Хорижда ишлаб чиқарилганига икки йилдан кўп муддат бўлмаган, шунингдек, нархи 40 минг АКШ долларига тенг ёки ундан юқори бўлган енгил автомобилларни бож тўловисиз Ўзбекистонга олиб кириш мумкин. Божхона тизимидаги ушбу янгилик 2019 йилнинг 1 январидан амалга киритилган. Эндиликда ишлаб чиқарилганига икки йил тўлмаган, нархи эса 40 минг долларга тенг ёки ундан юқори бўлган енгил автомобиллардан 0 фоиз ставкадаги бож тўлови ундирилиши белгиланган. Уларга нисбатан 20 фоиз миқдорда акциз солиғи қўлланилади. Бундан ташқари, қўшимча қиймат солиғи ҳам 20 фоизни ташкил қилади. Бошқа автомобилларга нисбатан бож тўлови ва акциз солиғи ўзгаришсиз қолдирилган.

Ҳозирда ушбу ҳужжат қайта кўриб чиқилмоқда. Унга ўзгаришлар киритилиши мумкин.

# Овқатдан заҳарланиш қачонгача давом этади?

ЁХУД МАШХУР БЎЛГАН АНДИЖОН МУЗҚАЙМОҒИ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ЗАРАР ЕТКАЗДИМИ?



Яқинда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани «Навнихол» маҳалласида яшовчи Аҳмаджон Мамажонов дўкандан уй шароитида тайёрланган «холодец», ҳар хил тузламалар олиб, истеъмол қилган эди. Натижада оиланинг ўн нафар аъзоси оғир аҳволда туман тиббиёт бирлашмасининг шошилич тиббий ёрдам бўлимига олиб келинди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари ва ўз вақтида кўрсатилган тиббий муолажалар туфайлигина фожианинг олди олинди. Бу воқеа вилоятда анчагина шов-шувларга, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи тадбиркорлик субъектларида санитария қоидаларининг бузилиш ҳолатларини жиддий ўрганишга сабаб бўлди. Аммо ёз ойларида учраб турадиган бу каби нохуш ҳолатлар тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи ва ишлаб чиқарувчилар учун сабоқ бўлмаяпти.

## Сосискани ҳам курум босадими?

— Яқинда туманимиз марказидаги деҳқон бозорида жойлашган дўкнларнинг биридан сосиска сотиб олгандим, — дейди Қўрғонтепа туманидаги «Кўштепа» маҳалласида истикомат қилувчи Нигора Тўхтаматова. — Аммо музлаткичида турган маҳсулотни негадир орадан бир кун ўтиб, могор босибди. Қорайиб кетибди. Одатда гўшт маҳсулотлари узоқ қолиб кетса, ҳидланиб айнир эди. Аммо сосисканинг курум босишини биринчи бор кўрялман. Шундан бўён бозордан тайёр ёки ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олмай кўйдим. Таркиби нимадан иборат эканига шубҳа ўйгонди.



## Энди бунисига нима дейсиз?

Ёзнинг иссиқ хароратли, қуёш киздирган кунларида салкин ичимликлар ва музқаймоқларга эҳтиёж ортиши табиий. Буни яхши англаган айрим тадбиркор-



Дилмурод Тўшбоев. — Аввало, Андижон шаҳар, Шаҳрихон, Асака, Балиқчи, Андижон, Хўжабод ва Олтинқул туманларида ўтказилган рейдлар давомида 298 нафар фуқаро қўл-бола, қадоқланмаган музқаймоқ савдоси билан шугулланаётганлиги аниқланиб, уларнинг иш фаолияти тўхтатилди, 570 дона мослаштирилган идиш олиб қўйилиб, яроқсиз ҳолга келтирилди, 41 нафар фуқарога нисбатан жами 8311930 сўм миқдориде жазира қўлланилди, 96 кг. музқаймоқ истеъмолдан олинди. Жумладан, Андижон шаҳар Айланма йўл (аэропорт) кўчасида 5 нафар, Қўшариқ кўчасида 1 нафар, Бўз туманида 2 нафар, Шаҳрихон туманида 2 нафар фуқаронинг сифати қафолатланмаган музқаймоқ савдолари тўхтатилиб, идиш ва тарозилари олиб қўйилди.

Бундан ташқари, Андижон шаҳар Чинобод кўчасида жойлашган «Есть идея» МЧЖ, «Баркамол савдо барака» МЧЖ, Қўшариқ кўчасида жойлашган улгуржи музқаймоқ сотиш билан шугулланувчи «Чорвадор Анд. Барака» МЧЖ раҳбарлари билан суҳбат ўтказилиб, жойларда санитария-гигиена талабларига зид равишда ноқонуний савдо қилаётган сохта тадбиркор билан шартнома тузмаслик, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида санитария қоида ва меъёрлари талабларига риоя қилиш, ишчиларнинг маҳсулус иш кийимларида, тиббий кўриқдан ўтган ҳолда ишлаши, маҳсулотларнинг хавфсизлиги жиҳатидан вилоят ДСЭНМ билан шартнома асосида лаборатория текширувлари ўтказиб боришлари тўғрисида профилактик тарғибот ва тўшунтириш ишлари олиб борилади.

## Бажарилмайдиган буйруқ кимга керак?

Шу ўринда жорий йилнинг 6 апрелида Андижон вилояти санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач А.Икромовнинг алоҳида буйруғи эълон қилинганини эслаб ўтиш лозим. Унга кўра, апрель ойидан октябрь ойига қадар шаҳар ва туман марказий деҳқон бозорларида, гузарлар, савдо шохобчалари ва бошқа аҳоли гавжум жойларда сифати тез бузилувчи

салатлар, киймали, кремли маҳсулотлар, қалла гўшти, ҳасип, жигар ва бошқа таомларни тайёрлаб сотиш маън этилди. Мингдан зиёд яқка тадбиркор билан суҳбатлар ўтказилиб, қафолат хатлари олинди. Бирок маъсулият ва бурчини унутган баъзи фуқаролар ўлкамизда аномал фискалик ҳукм сурган кунларда ҳам ўз фаолиятларини тўхтатмадилар.

Мисол учун, 15 июль куни ўтказилган давлат ва жамоатчилик назорати натижасида 17 нафар салат соғувчи, 16 нафар кабопбаз, 21 нафар қандолатчи ва 34 нафар музқаймоқ савдоси билан шугулланувчи шахсларнинг фаолиятига чек қўйилди.

## Нима қилмоқ керак?

Тахлиллар шуни кўрсатяптики, бугун умумий овқатланиш ва кўча бозорларида, асосан, иккита муаммо бор.

**Биринчиси,** кўлида ошпазлик шаҳодатномаси ёки дипломи бўлмаганлар ҳам яқка тадбиркор сифатида давлат хизматлари рўйхатидан ўтиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шугулланишга.

**Иккинчи муаммо,** ўқимаган билмайди, деганларидек сифати тез бузилувчи таомлар тайёрлашда белгиланган гигиеник қоида ва талабларга амал қилинмаяпти. Хаво харорати юқори бўлган кунларда сифатсиз овқатларнинг истеъмол қилиниши эса кўшлаб кўнгилсиз, нохуш ҳолатларни келтириб чиқаряпти.

Табиийки, «Нима қилмоқ керак?» деган савол турғилади. Жавоб оддий: энг аввало, бозорлар, умумий овқатланиш шохобчалари, кўча ва йўл бўйидаги тамаддиҳоваларда жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. Ҳар бир маҳаллада соҳадан хабардор фаоллардан иборат назорат гуруҳлари тузиб, ҳудуддаги ошхона, сомакхона, мантихона, суг, гўшт маҳсулотлари билан савдо қилувчи яқка тартибга тадбиркорлар фаолиятини мунтазам ўрганиб бориш лозим. Чунки маҳалланинг тинчлиги, хотиржамлигини сақловчи омиллардан бири, бу — озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, гигиеник талаблар даражасида сифатли овқатланишни ташкил этишдир.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ  
«Mahalla»

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### Бола неча ёшдан меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлади?

— Яхши биланмики, юртимизда болалар меҳнати билан фойдаланишга чек қўйилган. Аммо ёзи таътил даврида кўпинча болалар меҳнат қилиб, оиласига кўмаклашишни хоҳлайди. Айтиш-чи, қонунларимизда вояга етмаганларнинг меҳнат қилиши билан боғлиқ қандай меъёрлар мавжуд?

Соҳиба ДАДАМИРЗАЕВА,  
Андижон вилояти.

Абдувахоб ҚУЛМОНОВ,  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Бу ҳақда «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги қонунда алоҳида модда мавжуд. Жумладан, ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлигининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбини эркин танлаш, ало-

латли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Болаларни ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Уларни меҳнатга тайёрлашда ҳам муайян меъёрлар бор. Жумладан, умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсул, касб-хунар ўқув юр்தларининг ўқувчиларини соғлиги, маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишлар билан ўқишдан бўш вақтида шугулланиши учун — улар ўн беш ёшга тулганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўринини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги керак бўлади.

Давлат ўн саккиз ёшга тулмаган ишловчи шахсларга ишнинг таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни қилиш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини қафолатлайди.

лар нафс ва бойлик қўйида антика усулларни ўйлаб топдилар. Улар тез бузилувчи маҳсулот — музқаймоқни кўпроқ пуллаш максалида маҳсул бидон қолиб, пўкақдан ишланган идишларда сотувга чиқардилар. Бу ҳолат кўпроқ аҳоли зич яшайдиган кишлоқлар ва кўча бўйларида кўзга ташлана бошлади. Илгари ана шундай «тўхташ жойлари»да салкин ичимликлар, яъни олма, олча, ўрик ва гилос шарбатлари, айроқлар савдоси ташкил этилар эди. Энди уларнинг ёнига музқаймоқ ҳам қўшилди. Нима қилибди, тирикчилик-да, дерсиз. Аммо бу музқаймоқни истеъмол қилган айрим кишиларда нохуш ҳолатлар юз бера бошлагани — коринда кучли оғрик, ичбуруғ, иситма кўтарилиши, бош оғриги ва ҳоказолар кузатилагани, музқаймоқ қай йўсунда тайёрланишидан ҳеч кимнинг хабари йўқлиги кўпчиликини яққотирга солди.

## ДСЭНМ нима қилди?

— *Мажур ҳолатлар юзасидан вилоят, шаҳар ва туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан ташкил қилинган ишчи гуруҳлар текширув ишларини олиб борди.* — дейди вилоят ДСЭНМ мутахассиси

Юнусобод йўналишида ер ости метро қурилишининг иккинчи босқичи бошланди.

# Энди Айдаркўл ҳам ортга чекинадими?

ТАБИАТНИНГ БУ БЕТАКРОР ТУХҒАСИ  
БУГУН ҚАНДАЙ ХАВФ ОСТИДА ҚОЛМОҚДА?

Ўлкамизнинг бетакроп табиати, турфа манзаралари ҳар қандай кишини ўзига мафтун этмай қолмайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Айдар-Арнасой ва Тузкон кўллари бирлашган ҳудудда ҳосил бўлган Айдар-Арнасой кўллар тизими катталиги жиҳатдан Марказий Осиёда туртинчи ўринда туради. Ундаги сув ҳажми республикамиздаги барча сув омборларида тўпланган обихаётдан икки баробар кўпдир.

## Бугунги кучайиб, сув сатҳи пасаймоқда

— Мутахассис нигоҳи билан қарасангиз, Айдаркўлнинг секин-аста ўлиб бораётганига гувоҳ бўласиз, — дейди кўйиниб Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Эркин Холматов. — Бу ҳол экологик мувозанатнинг бузилиши оқибати. Кейинги йилларда ҳавонинг кескин исиб бораётгани, бунинг устига, кўлга зарур миқдорда сув қўйилмаётгани ҳам муаммонинг асосий сабабларидан бири. Бугунги кунда Айдаркўлнинг кучайиши сув сатҳининг камайиши ва иўрланишининг орттишига олиб келаётир.

Айдар-Арнасой кўллар тизими — Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳудудидagi окмас кўллар. У Қизилкум чўли шарқда, Қозоғистон Республикасининг Чордара сув омборидан жануби-ғарбда жойлашган Айдаркўл, Тузкон ва Шарқий Арнасой кўлларини ўз ичига олади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бугунги кунда Айдаркўлнинг умумий майдони 3 минг 373 километр квадрат, узунлиги 300 километрга етди. Кўлда тўпланган сув ҳажми 37,3 миллиард куб метрни, сув юзаси эса денгиз сатҳидан 245 метр баландликни ташкил этади. Бундай катта ҳудудда яхлит кўл кўринишини олган Айдаркўл йилнинг тўрт фаслида ҳам гўзал ва фусункордир.

Эркин Холматовнинг таъкидлашича, кўл сувининг сатҳи йилига 30 сантиметргача пасайиб бораётир. Охириги 10 йил давомида сувнинг минераллашуви 5,07 грамм/литрдан 8,59 грамм/литргача ошди. Ахвол шу тарика давом этаверса, кўллар тизими яқин 5-10 йиллар орасида балиқчилик аҳамиятига эга бўлган сув объекти макomini йўқотади. Чўлланиш (деградация) натижасида экологик салбий ҳолатлар нафақат Жиззах вилоятида, балки кўшн вилоятлар, ҳатто Қозоғистон Республикасига ҳам етиб боради.

## Дунё харитасидаги сўнгги кўл

— Бундан ярим аср аввал Айдаркўлни ҳеч бир дунё харитасидан топа олмадик, — дейди Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси биохимла-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар масалалари бўлими бошлиғи Шароф Файзуллаев. — Айни пайтда инсон кўли билан яратилган мўъжизакор

макондан юзлаб флора ва фауна вакиллари макон топган. Уларнинг айримлари «Қизил китобга» ҳам киритилган. Шунинг учун кўл нафақат сайёҳларга, балки кўл соҳилида яшовчи камёб ҳайвонлар, қушларни ўрганувчи зоологлар учун ҳам қизиқарли макон ҳисобланади.

Манбаларда қайд этилишича, бундан 20 йил илгари кўлда 37 турдаги 192 мингдан зиёд қушлар рўйхатга олинган. Ҳозирги кунда Айдаркўлда сув ўтлари ва балиқлар билан озикланадиган атиги 20 турдаги қушлар истикомат қилиши аниқланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қушларнинг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Айниқса, жингалек сақоқуш, окбош ўрдак, ола канотли ўрдак, киронкора, узун қуйруқ сув бургути, таскара, йўрга тувалоклар йўқолиб кетиш арафасида.

— Ҳар йили январь-март ойларидан Айдаркўл қирғоғига 400 га яқин қуш турлари қишлоқ учун учиб келади, — дейди Шароф Файзуллаев. — 13 турдаги қушлар халқор, 24 тури эса Ўзбекистон «Қизил китобига» киритилган. Кўлнинг ўсимликлар ва сувости дунёси ҳам хилма-хил ва ранг-барангдир. Оқ амур, гамбузия, дўнглеиона каби балиқ турлари келтириб қўлайтирилган бўлса, 2000 йилдан бошлаб табиати муҳофаза қилиш мақсадида лочинлар парвариши йўлга қўйилди.

Айни пайтда республика Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси бугун эътиборни Айдаркўлнинг флора ва фаунасини сақлашга қаратаётир. Олиб борилаётган тизимли тадбирлар натижасида кўлнинг табиати ва хайвонот дунёси муҳофаза қилинаётир.

## Айдаркўлни қутқариш чоралари кўрилоқдами?

Айдар-Арнасой кўллар тизимида юзага келган муаммо яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг 44-сессиясида муҳокама этилиб, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича махсус қарор қабул қилинди.

— Қўшни Қозоғистон Республикасининг «Чордара» сув омборидан Айдаркўлга сув ташланаётгани ҳам сув сатҳининг камайиши сабабларидан бири, — дейди Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Эркин Холматов. — Айни вақтда ўзимиздан кўлга ташланаётган коллектор ва дренаж сувлари ҳам 2,5 миллиард куб метрдан ошмаётти. Кўлга бугунги учун зарур ҳажмдаги сув қўйиб турилмаса, сув сатҳи йилдан-йилга тушиб бораверади. Бу экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келади.

«Айдар-Арнасой» кўллар тизимида юзага келган экологик муаммоларни бартараф этиш мутахассислардан гидрогеологик режимни чуқур ўрганишни тақозо қилади. Жиззах вилояти табиати муҳофаза қилиш кўмитаси Жиззах политехника институтини олимлари билан ҳамкорликда кўллар тизимида вужудга



келаётган ҳолатлар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бораётир. Натижада «Айдар-Арнасой кўллар тизимининг атроф-муҳитга таъсири ни баҳолаш концепцияси» яратилди.

Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси биохимла-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар масалалари бўлими етакчи мутахассиси Нодир Бекомовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ташаббуси билан тегишли вазириликлар иштирокида «Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофида экологик муҳитни ўрганиш ва барқарор ҳолатда ушлаш комплекс Дастури» бўйича Жиззах вилоятида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режага асосан, кўллар тизимидаги ҳолатни доимий ўрганиш бўйича қузатув постлари ташкил этилди.

## Муаммога муносабат қандай?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги «Айдар-Арнасой» тизимини биологик ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, яқинда Айдар-Арнасой кўллар тизими акваториясини муҳофаза қилиш бўйича 6 та назорат пункти ташкил этилди. Назорат пунктларининг 4 таси Жиззах вилояти ҳудудида бўлса, 2 таси Навоий вилоятида фаолият бошлади.

Қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурда Айдар-Арнасой кўллар тизимини ривожлантириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш бошқармаси ташкил этилди. Жорий йилнинг 24 апрелидан Айдар-Арнасой кўллар тизимида назорат ишлари мажмур қарор асосида олиб борилаётир.

Ҳамкорлик натижасида қиска фурсатда Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг давлат экологик назорат инспекторлари билан ҳамкорликда назорат рейдлари ўтказилди. Рейдлар давомида 56 та ноқонуний ҳолатлар аниқланди. Қонунобузларга 25 миллион 37 минг 35 сўм жарима санкциялари қўлланилди. Ўсимликлар ва хайвонот дунёсига 72 миллион 259 минг 570 сўм миқдорда зарар етказилганлиги аниқланди.

Бир сўз билан айтганда, бебаҳо сув манбаини ўзимиз асраб-авайламас эканмиз, яъни фуқароларда табиий бойликларни тежаш ҳисси шаклланмас экан, дурдоналарини бой беришимиз ҳеч гапмас.

## ҚОЙИЛ...

# 66 ёшли отахоннинг 43 йиллик орзуси

ИЛМ ЭГАЛЛАШНИНГ  
ЭРТА-КЕЧИ ЙЎҚ

Жиззах давлат педагогика институтига 20 дан ортқ йўналиш бўйича 32 минг 606 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Улар орасида бу йил 66 бахорни қаршилаган жиззахлик Умарали Жўраев ҳам бор.



Умарали Жўраевнинг асл касби ўқитувчи. Мамлакатимизда ёшларга яратиладиган қўлайликлар бугун қарилли нашидасини сураётган отахоннинг ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Набиралари Фаррух ҳамда Сабинанинг Жиззах давлат педагогика институтига ҳужжат топширишга отланишгаётганини кўрган бобо ҳам азбаройи ҳавасмандлигидан уларга эргашди.

— Бобожон, сиз овора бўлманг. Биз институтнинг қабул комиссиясини яхши биламиз. Қолаверса, жазирамада тобингиз қочмасин, — деди Фаррух.

— Мени тушунмадинг болам. Сизлар қатори мен ҳам талабалик иштиқидаман.

Отахон шундай деди-да, ҳужжатлар сақланадиган кутини титқилай бошлади.

— Президентимиз барчага бирдек шароит яратиб қўйди. У ёшми, кексами, билим олиш истаги бўлса, марҳамат, ўқинин, деб турган бир пайтда имкониятдан фойдаланишим керак. Зора, менинг ҳам 43 йиллик орзум ушласа...

Умарали отанинг сўзлари Фаррухни таажублантирди.

Шу онинг ўзида улар олийгоҳга йўл олишди. Аввал набиралар, сўнгра Умарали ота қабул хайъатига рўбарў бўлди.

— Отахонни кўриб аввалига набираларини олиб келган бўлсалар керак, деб ўйладим, — дейди Жиззах давлат педагогика институтини статисти Дўстмурод Жомуродов. — Кейин билсам, ўзлари ҳужжат топширмоқчи эканлар. Талаба бўлмоқчимиз, қайси йўналишга топширасиз, деб сўрадик. Отахон жисмоний маданият йўналишини сиртки ташлим шаклини танлаганини айтди. Ҳўжжатларини қабул қилдик.

1953 йилда Шароф Рашидов (собик Жиззах) туманининг «Қўшқўпри» маҳалласида туғилган Умарали Жўраев 1975 йилда Жиззах педагогика билим юртининг жисмоний тарбия йўналишини тугаллади. 42 йил давомида Жиззах тумани халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлади. Ёшларни ҳар жиҳатдан етук ва барқаром қилиб тарбиялашга қўшган ҳиссаси, кўп йиллик самарали меҳнатлари учун Умарали Жўраев «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» фахрий нишони билан тақдирланди. У Ўзбекистон спорт фахрийси саналди.

— Жисмоний тарбия ва спорт — жонни дилим, — дейди Умарали Жўраев. — Ҳеч бир кунни спортсиз тасаввур эта олмаيمان. Ҳозир ҳам турникда тортилиш, юзурчи, волейбол, баскетбол ўйинлари кундалик машғулотим. Ёшларимда 15 йил ҳозирги «Судейна» футбол жамоасида тўп сурдим. Айни дамда ёшлар билан беллашишга қурбим етади. Шу боис талабалик орзусидаман.

Жиззах давлат педагогика институтининг «Жисмоний маданият» йўналишининг сиртки ташлим шаклига 2019-2020 ўқув йили учун 50 нафар талаба қабул қилиниши белгиланган. Мазкур йўналишга 250 нафардан зиёд абитуриент ҳужжат топширган.

Талабалик орзусидаги отахонни бундай рақобат чўчқимаяпти. У айни дамда имтиҳонга пухта тайёргарлик кўряпти.

Саҳифани «Mahalla» муҳбири Бекнўлат ТОҒАЕВ тайёрлади.

Тошкент давлат юридик университети ҳузурда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кадрларини тайёрлаш институти ташкил этилади.

# Эски бино остидаги хазина

КИМГА ТЕГИШЛИ, НЕГА УЗОҚ ЗАМОНЛАР  
У ОДАМЛАР КЎЗИДАН ПАНАДА ҚОЛГАН?

Санъат асарлари, олтин, кумуш танга ва идишлар, буржуазия услубида ишланган буюмлар Тошкент шаҳрида XIX асрда авлиё Евангел протестантлари ва христиан православ черковлари деворларига ишланган қадимий суратлар, иконалар, қимматли металлдан ясалган буюмлар... Булар – Ўзбекистон Миллий университети битирувчиси, мустақил изланувчи Мухаммадбобур Юсуповнинг 3 йиллик изланишлари, қидирувлари натижасида пойтахт марказидаги эски биноларнинг биридан топилган хазина. Аини пайтда тадқиқотчи ушбу топилмаларнинг бир қисмини Ўзбекистон тарихи давлат музейига топширди.

Хазина қайси даврларга алоқадор? У неча йиллардан бери яширин сақланган? Ватанимиз тарихини тадқиқ этишда ушбу топилманинг қандай аҳамияти бор? Ўзбекистон тарихи давлат музейи ходимлари билан бўлган суҳбатда ана шу саволларга жавоб изладик.

## «Жадидларнинг тарихини ўрганаётган эдим...»

Мустақил изланувчи Мухаммадбобур Юсуповнинг маълум қилишича, у охириг уч йил давомида Тошкент шаҳри худудидаги жадидларнинг тарихини, Романовларга тегишли бўлган номаълум тарих саҳифаларини ўргана бошлаган. Ушбу қидирув ишлари Тошкент шаҳри марказидаги эски рус муҳандислари томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилган биноларда олиб берилган.

Натижада натуралист расомлар томонидан 1790 ҳамда 1870 йиллар ораллигида чизилган ноёб суратлар, табиатшуносликка, картографияга оид дунёнинг сиёсий харитаси, Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонликларига тегишли бўлган ўша худудларнинг хариталари, сиёсий, ижтимоий вазиятлари, ҳолати, аҳолиси, ўзбек халқининг маданияти ҳақидаги жуда ноёб тошбосма манбалар топилган.

Бундан ташқари, ўрта асрларга, Шарқ алломаларига тегишли бўлган ноёб қўлёзмалар, Қуръон китоблари, пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қўлёзма манбалар, ҳужжатлар, муҳрлар ҳамда Туркистон хонликлари ва қозикалонлари муҳрлари ва вақф ҳужжатлари, ер-мулкка эгалик қилиш ҳақидаги расмий ҳужжат ва қонунқондалари, олтин, кумуш, мис тангалар ҳам топилди. Булар Россиянинг охириг уч йиллик, Европанинг охириг икки юз йилликдаги тарихи билан боғлиқ ва юртимиз тарихига тегишли бўлган IX асрдан XIX асргача қадим Туркистон худудида зарб этилган тангалардир.

Ушбу топилмалар орасида Тошкентдаги князь Романов саройининг ноёб коллекциялари, юртимизга Европа ва Санкт-Петербургда келган машҳур дворянлар, олимлар, 1932-1938 йилларда Сталин репрессияси

қурбонларига тегишли ҳамда генерал Жўрабек уйдан йўқолган ашёлар ҳам мавжуд.

## Олтин-кумуш тангалар...

— Мухаммадбобур Юсупов Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари билан бирга тўқсондан ортиқ осориатикаларни бизга топширди, — дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова. — Улар орасида қадимий китоблар, олтин, кумуш, мис тангалари, микроскоплар, турли қўлёзма асарлари бор. Шулардан XVII асрга оид вақф ҳужжатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳужжат



ўша даврдаги дўқондорлар, баққолларнинг тарозисини текшириш бўйича йўриқнома экан, бу жудаям қизиқарли ҳужжат. Яна XVIII асрга оид шажара ҳужжати ҳам бор, анчайин таъмирталаб ҳолатда. Биз бу ҳужжатларни мутахассислар билан биргаликда ўрганиб чиқамиз. Шундан сўнг уларни экспозиция сифатида

намоиши қилишимиз мумкин.

Музейнинг нумизматика фонди бошлиғи, тарих фанлари номзоди Альфия Мусакасваннинг маълум қилишича, М.Юсупов топширган осориатикалар орасида 72 та танга мавжуд. Улардан 3 таси олтин, қолганлари кумушдан. Зарб этилган вақти XIX аср охирилари ва XX аср бошларига доир. Чор Россияси даврига оид учта олтин танга, Австрия-Венгрия флорени, Германия маркаси шулар жумласидан.

## Зангиота авлодларининг шажараси ҳам бор

— 8 та китоб ва қўлёзмалар илмий-маърифий жиҳатдан катта аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон давлат музейи рўйхатга ва ҳисобга олиш бўлими бошлиғи Саодат Саидонова. — Бу ердаги ҳужжатлар, асосан, вақф, иршодий, насаб шажараларидир. Улар орасида ўша вақтдаги қозилка, ер-мулк, солиқ, айрим мадрасаларга вақф қилиб берилган мулкларга оид бўлган хон, амирларнинг махсус муҳридан ёриқлари, кўрсатмалари каби ҳужжатлар ўрин олган. Ҳама ҳолидаги ҳужжат машҳур суфий шайх Зангиота авлодларининг келиб чиқishi шажарасидир.



«Илми фарониз», яъни «Мерос тақсимоти» китоби араб тилида ёзилган бўлиб, номидан ҳам кўришиб турибдики, мерос масалаларини тартибга солишда бекиёс ҳужжат ҳисобланган. 1831 йилда Лондонда чоп этилган қушлар тўғрисидаги рисола, ўсимликларнинг ўрганишга бағишланган немис тилидаги китоб ва 2 та микроскоп ҳам ноёб ашёлардир.

Шунингдек, топилмалар орасида ўрта асрларга тегишли ноёб қўлёзма ва тошбосма китоблар, Россия императорлари Романовлар сулоласига тегишли ашёлар, Пётр II, Екатерина II, Николай I, Александр II, Александр III, Николай II, Алексей Сесарович номи билан боғлиқ ашёлар, черков меҳробига ўрнатилган Исо пайғамбар, Биби Марям ва Исонинг ёғочга чизилган икона суратлари, пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги ноёб китоблар, Туркистон ўлкасининг сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга эга ноёб хариталари, қимматли металлдан ишланган Исо пайғамбар ҳаётидан лавҳалар, олтин, кумуш тангалар, 1829-1831 йилларда европалик истеъдодли натуралист расомлар чизган ноёб суратлар ҳам мавжуд.

## Хазина кимга тегишли?

Маълум бўлишича, ноёб топилмалар жойлашган бино 1870 йилларда қурилган, унинг ертўласи остида яна бир яширин хужра бўлган. Хужрага

тушиш жойи кўмилиб кетгани сабабли салкам саксон йил бу ҳақида ҳеч ким билмаган.

Ертўлада гишт териб бекитиб қўйилган хоналар очилганда у ердан жадидлар — Мунавварқори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий каби зиёлиларга тегишли китоблар, журналлар, мақолалар, газеталар, фотосуратлар, кийимлар топилди.

Хазинани ҳам айнан шу жадидлар яширгани таъкидланмоқда. Шунингдек, ноёб топилманинг сақланиб қолишида ўша даврларда Марказий Осиёда яшаган рус, немис шарқшуно олимларининг хисаси катта бўлган.

## «Уйингизда қадимий буюм борми? У тарихнинг бир бўлаги бўлиши мумкин...»

— Халқимиз маданияти, тарихини тўлдириб берадиган осориатикалар музейга келадди, — дейди Ж.Исмоилова. — Қани эди, Мухаммадбобурга ўхшаган фидойилар кўнаиса... Маҳаллаларда, хонадонларда қадимий қўлёзмалар, уй-рўзгор буюмлари, кийимлар жуда кўп. Бу буюмлар бора-бора ўз қийматини, сифат даражасини йўқотиб боради. Агар шундай буюмлари бўлса, юртодишларимизнинг уларни музейларга топширишларини сўраймиз. Чунки бу кўҳна буюмлар хонадонларда узоғи билан 100 йил турир, аммо музейларда уларнинг қиймати ҳам, умри ҳам ортади. Сиз топширган ашё тарихнинг очилмаган бир қиррасини очишга ёрдам бериши мумкин.

Ёш тадқиқотчи топган ашёлар Ватанимиз тарихининг биз билмаган номаълум саҳифаларини очишга, янги-янги тадқиқотларнинг юзга келишига хизмат қилса ажаб эмас. Қолаверса, бундай фидойилик бошқалари ҳам тўққинланганириб, мамлакатимиз музейлари янги топилмалар, қадимий осориатикалар бидан бойишига сабаб бўлса ҳеч гапмас.

Юлдуз ҲОЖИЕВА  
«Mahalla»

## АЖАБО!

## Хазина уни тошганлар ва ер эгаси ўртасида тақсимланди

Буюк Британияда тўрт нафар хазина изловчи 557 та қадимий тангани топиб олишди. Бу тангаларнинг умумий қиймати 150 минг фунт (тақрибан 200 минг АҚШ доллари)га тенг экани тўғрисида «The Sun» нашри хабар берди.

Эндрю Винтер, Тобиас Новак ва унинг укаси Матеуш металл изловчи мослама билан Бакингемшир графлигидаги Хамблен қишлоғида айланиб юришганди. Тасодифан қарангки, айнан ўша пайт шу жойда хазина изловчи хаваскорлар фестивали ҳам бўлиб ўтаётганди.


Бир соатлик самарасиз уринишлардан кейин хаваскорлар бу изланишларини тўхтатмоқчи бўлганларида мослама сигнал бера бошлаган. Ўша жойни қазиган хазина изловчилар XVI асрга тегишли, Эдуард I ва Эдуард II даврида зарб қилинган 285та кумуш танганин топиди. Кейинчалик уларга яна бир хаваскор Дариуш Фиялковский қўшилиб, биргаликда қазिश натижасида тангалар сонини 557га етказишди.

Хазина уни тошганлар ва ер эгаси ўртасида тақсимланиши маълум қилинган.

# Маҳалла фуқаролар йиғинларида хат ва ҳужжатлар билан ишлаш қониқарлими?

ФАОЛЛАРНИНГ ТИЗИМЛИ ИШ ЮРИТИШИГА НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан шу йилнинг июнь ойида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудий кенгашлар ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ижро интизомининг аҳволи танқидий ўрганилиб, йўл кўйилётган айрим хато ва камчиликлар чуқур таҳлил қилинган эди. Энг асосийси, мазкур мажлисдан сўнг тизимда хат ва ҳужжатлар билан ишлаш масаласига эътибор кучайтирилди.



Наманган тумани бўйича эътирозлар билдирилмаган бўлса-да, республика миқёсида келтирилган мисоллар барчамизни огоҳликка чорлади. Энг аввало, туман кенгашининг ўзида ижро интизомини мустақамлаш рақамма-рақам рўйхатга олинди. Уларнинг реестр асосида фуқаролар йиғинига етиб бориши тизимли йўлга қўйилди. Шундан сўнг кенгаши аъзолари ҳамда малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда фуқаролар йиғинларидаги мавжуд аҳолини ўрганишни бошладик. Дастлабки натижалар эса ҳақиқатан ҳам, ҳолат жиддий эътиборга муҳтожлигини кўрсатди.

## Йиғинга кўмак – ҳар соҳада керак

Масалан, Наманган туманидаги «Катта Тошбулок» маҳалла фуқаролар йиғинида юқори ташкилотлардан келган хат ва ҳужжатлар йиғмага жилди шакллантирилган бўлса-да, лекин тўлиқ юритилмаган. Натигада айрим юқори ташкилотлардан келган хат ва ҳужжатлар кирим қилинмаган ва ижро-

си таъминланмаган. Бундан ташқари, йиғин қошидаги комиссиялар фаолиятига оид йиғмага жилдлар зарур даражада тўлдирилиб, уларнинг ойма-ой ҳисоботлари эшитиб борилмаган. Ҳар чоракда ҳудуддаги ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг фуқаролар йиғини вакилларига ҳисобот беришлари масаласига ҳам эътиборсизлик билан қаралган.

Шу каби камчиликларни ҳозирга қадар ўрганиш ўтказилган 17 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам учратиш мумкин. Энг асосийси, аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилиб, келгусида тақдорланмаслигини олди олинмоқда.

Яна бир жиҳати, ижро интизомини ўрганиш баробарида фуқаролар йиғинларининг муаммолари оидлар билан ишлаши таҳлилдан ўтказилди. Бу борада ҳам аҳолини кийнаб келётган қатор мушкулликлар ечим топди. Мисол учун, «Катта Тошбулок» маҳалласи Орзу кўчасида яшовчи Бозорбой Турсунов сурункали касалликка чалинган. У билан суҳбатлашилганда, ногиронлик нафақасига ўтказишда амалий ёрдам беришни сўради. Мурожат жойида тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ижобий ҳал этилди. Умуман олганда, кам таъминланган, нотинч, жиноятчиликка мойиллиги бор, ажрим арафасида турган 176 та хонадон ўрганилиб, шундан 79 тасида муаммолар аниқланди. Уларнинг 55 таси жойида ҳал этилди, 24 таси эса тегишли ташкилотларга ёзма равишда юборилди.

## ТАНЛОВ

# Адабиётга ошно раҳбар одамлар қалбига, албатта, йўл топади

Тобора яқинлашиб келётган Мустақиллик шодиёналари арафасида Наманган вилояти маҳаллаларида «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар қизғин паллага кирди. Чуст тумани Гова қишлоғидаги шеърхонлик танлови ва «Маҳалла куни» тадбирлари чинакам ҳалқ сайлига улашиб кетди.



— дейди «Юқори» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сайдулло Қўчқоров. — *Узоқ йил ўқитувчилик қилиб, маҳалла фаолиятига кўмаклашиб келганман. Ўзим санъатга ошмонан. Бўш вақтларимда миллий қўшиқларимизни мароқ билан ижро этаман. Ўтган сайловларда маҳалладошларим юксак шиош билдириб, йиғини етакчилигига сайлашди. Очиги, адабиётга, санъатга қизиқишим одамлар билан ишлашда ҳам қўл келмоқда. Айниқса, жанжалли вазиятларда, муросасизликка дуч келганимда икки томонни яхши гап, ишрин лафз, ҳикматли жумлалар орқали муросага келтиришга уринаман. Бу, албатта, фойда беради.*



— *Шеър — инсон қалбидан отилиб чиққан алоҳий неъмат, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Наманган вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мусоҳон Аппақов. — Шеъримга, адабиётга ошно одам фақат яхшилик истайди. Раис шеърхон бўлса, одамлар қалбига йўл топа олади, муаммоларни босиқлик билан ҳал этади.*

## Муросасизликни шеър билан энгиб...

Икки шарт бўйича ўтказилган танловда дастлаб иштирокчилар ўзбек мумтоз адабиёти ҳақидаги билимлари асосида беллашдилар. Шундан сўнг ҳар ким ўзи истаган мавзудаги ва жанрдаги шеърни ифодали ўқиб берди. Маҳалла даргалари ижод оламига ҳам бегона эмасликларини амалда исботладилар. Зеро, улар ўқиган Ватан, мустақиллик, инсоний фазилатлар ҳақидаги шеърлар диккат билан тингланди, олқишланди.

— *Бугунги танловнинг туман босқичида биринчи ўринни эгаллашимни кутмагандим,*

## Чустликларнинг яна бир «хислати»

Шеърхонлик танлови «Маънавиятм бешигисан, маҳаллам» шиори остидаги «Маҳалла куни» тадбирлари билан уйғунлашди. «Келин салом», «Бахрибайт», «Алла» танловлари уюштирилиб, хунармандлар маҳсулотлари кўргазмаси намойиш қилинди. «Ош танлови»да азалдан паловхонтўрани эъозлаб келувчи чустликларга тенг келиб бўлармиди. Соясалқин жойларда тўкин дастурхон ёзилиб, иштирокчилар мароқли хордик чикаришди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши ташаббуси билан ташкиллаштирилётган «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» эзгу ғоясини мужассам этган бундай маданий-маърифий тадбирлар барча туманларда давом этмоқда.

## ДАРВОҚЕ...

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Наманган тумани кенгашига жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида Республика, вилоят кенгашлари ҳамда юқори ташкилотлардан жами 223 та хат ва бошқа ҳужжатлар келиб тушган. Буларнинг бари тегишли тартибда кирим қилинган ва фуқаролар йиғинларига реестр орқали тарқатилиб, ижрога қаратилган. Ҳозирга қадар уларнинг 209 таси ўз вақтида бажарилди, ҳали мuddати бор 14 тасининг эса ижроси таъминланмоқда.

Саҳифани «Mahalla» муҳбири Илҳомжон РАҲМАТОВ тайёрлади.

# «Асакабанк» урганчлик тадбиркорга кредит бермади. Нега?

## Муаммо фақат мутасаддиларда...(ми?)

### «Кредитни тўламасангиз, ишни судга оширамиз»

— Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалласида истиқомат қиламан, — дейди Отабек Аташев. — 2018 йил «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида «Асакабанк»нинг вилоят филиалидан 27 миллион сўм миқдорда 7 фойзли кредит олган эдим. Шундан сўнг ўзим яшайдиган хонадонда кичик новойхона ташкил этиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошладим. Аммо шахсий ҳаётимдаги баъзи муаммолар сабаб, орада бир муддат фаолиятим тўхтаб қолди. Шу боис бу йил банкка яна кредит олиш мақсадида мурожаат қилдим, аммо улар «дастлаб, олинган маблағни тўланг», дея ҳужжатларимни қабул қилмади. «Агар олинган маблағни қайтармасангиз, ишни судга оширамиз», демоқда. Ахир, банк миждозлар учун ишлайди-ку! Шундай экан, нега улар қийнаган тадбиркорга ёрдам бермайди. Айтинг, энди нима қилай?

Хар куни мамлакатимизнинг турли бурчақларидан юртдошларимиз ўзларини қийнаётган муаммолар масалаларга ечим топишда ёрдам беришимизни сўраб, тахририятимизга кўнгирок қилади, тез-тез хатлар ёзилади. Биз эса билдирилган ишончдан рухланиб, имкон қадар уларга кўмак беришга, ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қиламиз. Аммо масала шуки, фуқаролар томонидан билдириляётган мурожаатлар доим ҳам асосли бўлавермайди. Тан олиб айтиш керак, айрим ҳолларда одамлар зиммасидаги масъулиятни унутиб, мавжуд барча муаммоларга мутасаддиларни айбдор

қилишга ҳаракат қилади. Бунга хоразмлик Отабек Аташевнинг мурожаатини ўрганиш жараёнида яна бир бор амин бўлдик.

### «Фуқаро олган кредитни ёпиш учун яна кредит олмақчи»

— Дарҳақиқат, 2018 йил 4 октябрдаги 2018-314-сонли кредит шартномасига мувофиқ, фуқаро Отабек Аташевга новойлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида «Тестамес 35 кг.» номли 1 та нон пишириш печкаси сотиб олиш учун 3 йил муддатга 10 миллион сўм ва ун маҳсулотлари ҳамда маргарин моли сотиб олиш учун бир ярим йилга 17 миллион, жами 27 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилган, — дейди «Асакабанк»нинг Хоразм вилоят филиали кредит бўлими бошлиғи Санжар Султонов. — У кредит олган, 6 ой имтиёзли даври учун 150-160 минг сўмдан, 4 ой эса 2 миллион сўмдан қарз пуллари тўлаган, холос. Бунинг устига, фуқаронини умумий кредитдан 27 миллион сўм қарздорлиги мавжуд. Ўрганишлардан шу нарса маълум бўлдики, қарз олувчи банк маблағини бутунлай мақсадсиз ишлатиб юборган. Ваҳоланки, унинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун зарур кредит пули ўз вақтида ажратиб берилган. Аммо у зиммасидаги мажбуриятини унутиб, яна кредит беришимизни сўрамоқда. Қолаверса, олган маблағини тўлаш ўрнига, турли жойларга, ҳатто, чет эл оммавий ахборот воситаларига шикоят хати билан мурожаат қилмоқда. Хатмасини айтганда, Отабек Аташев кредитни ёпиш учун яна кредит олмақчи. Қонун жиҳатидан олиб қараганда, бу фуқарога банк яна

кредит ажрата олмайди. Агар у зиммасидаги мажбуриятдан қутулса, шундан кейин фуқаро билан ҳамкорликни давом эттира оламиз.

### Хуқуқни билган яхши, аммо мажбуриятни ҳам унутмаслик лозим

Хабарингиз бўлса, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги «Хар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисидаги қарори қабул қилинган, мамлакатимизнинг хар бир туман ва шаҳрида, аввало, олис қишлоқлардаги оилаларнинг бизнес билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга янги-ча услубда ёндашишга бошланди. Жорий йил 7 мартда яна бир муҳим ҳужжат — Президентимизнинг «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу эса тизимдаги ишларни жадаллаштириб, аҳолини тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга хизмат қилмоқда. Аммо...

— Бугун юртимизда давлат идоралари ҳақ ичига кириб, одамларни қийнаётган муаммоларни ўрганишга, уларга ечим топишга, аҳоли дардини тинглашга эътибор қаратилмоқда, — дейди Хоразм вилояти Шовот туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илхом Ражабов. — Аммо, афсуски, қанча шароит ва имконият яратилгани сайин баъзилар «Берсанг елман, урсанг ўламан» қабилида яшашга, яратилган шароитлардан унумли фойдаланиш ўрнига, билдирилган ишонч сунъий-мол қилишга оdatланди. Ахир,

этиб еганга тоғ ҳам чидамаслиги аён-ку. Юртбошимиз ҳам «Хар бир оила — тадбиркор» тамойилини ҳаётимизга татбиқ этаётгани бежиз эмас. Мақсад — аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишдан иборат. Энг асосийси, дастур доирасида ажрати-



### МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

#### Имтиёзли кредит қандай мақсадларда берилади?

«Хар бир оила — тадбиркор» дастури Низомига мувофиқ, имтиёзли кредитлар қарз олувчиларга тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш мақсадлари учун ажратилади.

#### Маблағни қандай мақсадларда ишлатиш мумкин эмас?

Кредитлар илгари олинган кредитларни ёки хар қандай бошқа қарзларни қайтариш, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо-воситачиликни амалга ошириш, умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантириш, ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олиш, маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан, хизмат-автомобиллари таъминоти, мебель, уяли телефон сотиб олиш, шунингдек, алоқа хизматларига тўлов мақсадлари учун ажратилмайди.

#### Қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Жисмоний шахслар кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- паспорт нусхаси;
- жисмоний шахсларга кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзли кредитланган бўйича тавсиянома.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

## Кредит қанча муддатда берилади?

— «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида имтиёзли кредит олмақчиман. Айтинг-чи, банкка мурожаат қилганимдан сўнг кредит қанча муддатда берилади?

Шоҳжаҳон АБДУЛЛАЕВ,  
Янгибозор тумани.

Санжар СУЛТОНОВ,  
«Асакабанк»нинг Хоразм вилоят филиали кредит бўлими бошлиғи:  
— Агар фуқаро «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида имтиёзли кредит олиш учун банкка



мурожаат қилса, қарз олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, тижорат банки томонидан уч йил кундан ошмаган муддатда ушбу ариза бўйича асослантирилган қарор қабул қилинади.

Тижорат банки кредит беришнинг рад этган тақдирда банк қарз олувчига ҳамда тавсифнома берган тегишли секторлар раҳбарларига ва маҳалла фуқаролар йиғинига бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ёзма шаклда асослантирилган маълумот тақдим этади.

### Айбдор қилиш осон...

Мукаммал инсон қийинчиликларга дуч келганида ҳеч қачон айбни бошқалардан изламайди. Аксинча ҳаётдаги машаққатларга, энг аввало, ўзини айбдор деб билади. Шундай экан, жамиятда обрў-эътибор

қозониш, қолаверса, оиламиз фаровонлиги учун, аввало, ўзимизни ислоҳ қилсак, барча муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

Савдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

# «Хуррамобод» маҳалласини чаёнлар забт этмоқдами?

АЧИНАРЛИСИ, УЧ ЙИЛДАН БЕРИ ТОМОРҚАЛАРДА ДЕХҚОНЧИЛИК ҚИЛИШ ВА УНДАН ДАРОМАД ОЛИШ ҲАМ АНЧА МУШКУЛ БЎЛИБ ҚОЛГАН

**Фарғона вилояти Риштон тумани «Хуррамобод» маҳалласига туташ жойда бундан тўрт йил олдин гишт заводининг ишга туширилиши аҳолини хушнуд этганди. Чунки бунинг ортидан кўпчилик иш билан таъминланади. Тирикчилик қилиш имконияти пайдо бўлади. Аммо ҳар доим ҳам кутилган натижалар бўлавермайди. Маҳалла аҳли ҳаммаси тескари айланиб, қувончлари узоққа чўзилмаслигини башорат ҳам қилишмаганди. Хўш, бу ерда ҳозир вазият қандай? Хуррамободликларни нима муаммолар қийнамоқда?**

Бундан бир неча йил олдин собиқ чорва фермаси ўрнида «Олий сифат сари» хусусий фирмаси гишт ва деворбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш заводини қуради. Маҳалладан 40 нафар киши доимий иш билан таъминланади. Шу билан бирга, хуррамободликларнинг кўпчилиги мавсумий ишга ога бўлишади. Аммо вақт ўтгани сайин заводдан тарқалаётган тўтун туфайли аҳоли орасида турли касалликлар кўпаяди. Жумладан, аллергия, нафас кишиши касалликлари ва болалар орасида йўтал авж ола бошлади. Бундан эса аҳоли ўртасида норозиликлар уйғонади. Чунки шу ерда ишлайдиганлар гишт пиширишда кўмир билан эски шиналар ва чарм ёқиллигини билишарди. Шамол билан тарқалган тўтун ва чанг аралашмаси аҳоли саломатлигига жиддий зарар еткази бошлади. Устига-устак, турли ҳудудлардан заводга келтирилган тупроқлар орасидан чаёнлар

келиб, аҳоли хонадонларига ҳам ўрмалаб кетди.

— Маҳалламиздаги ўша корхона жойлашган ҳудудда, яъни «Янги ҳаёт» кўчасида 135 та хонадонда 4200 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Хуррамобод» маҳалласи раиси **Абаржон Мамажонов**. — Бу ҳақда мурожаат қилмаган ташкилотимиз қолмади. Ҳаммасида бир хил жавоб. Гишт заводи экологик ва санитария талабларига жавоб бера олармиши. Заводни кўчириш учун шу қилоқ ҳудудидан бошқа майдонларни ҳам тақриф этдик, бўлмади. Ахир, шовқин ва чанг, тўтун билан ишловчи заводлар аҳоли яшаш ҳудудларидан йироқда жойлаштирилишини, бунга қонуний норма ва талаблар борлигини оддий фуқаро ҳам билади-ку. Шу ҳудудда яшайдиганлар учун тунлари ҳам тинчлик йўқ, катта юк машиналарининг суруллаган овози, тақир-туқурлар, шовқин-су-



рондан ҳаловати йўқолган.

## «Кўрқиб яшаймиз...»

Ҳозирда маҳалладаги 10 нафар фуқаро нафас йўллари ва аллергия касалликлардан азият чекапти. Заводнинг тутунидан кўшни маҳалла аҳолиси ҳам азобланмоқда. Ачинарлиси, уч йилдан бери томорқаларда деҳқончилик қилиш ва ундан даромад олиш қийинлашди. Экинлар айни ҳосилга кириш пайтида қуриб-қовжираб қолмоқда.

— Турмуш ўртоғим **Исмоилжон Тўйчиев** ҳозир 20 км. узоқликдаги Зодиён қишлоғида яшайпти, — дейди **Янги ҳаёт кўчаси 130-уйда истиқомат қилаётган Гулнора Тўйчиева**. — Нафаси қисади, аллергия касаллигини орттирган. Нима қилишни билмаймиз.

Уйни сотиб кетайлик десак, бу аҳволдаги ҳудуддан ҳеч қим уй олмайтти. Заводга турли жойлардан тупроқлар келтириверишига уйимиз, ҳовлимиз, томорқамиз чаёнларга тўлиб кетган. Тўери, туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари ҳудудни бир марта дезинфекция қилиб кетишди, лекин фойдаси бўлгани йўқ. Одамларнинг белидан, қўлидан ва оғидан чақиб оляпти. Болаларимиз билан бу ерда кўрқиб яшаймиз

ҳодимлари барҳам бераётгани кистириб ўтилади. Риштон тумани ҳокими **Т. Раҳимовнинг** 2018 йил апрель ойидаги мурожаатга жавоб мактубида ҳам олинган намуналар таркибида чанг ва ис газлари миқдори меъёр кўрсаткичидан юқори эмаслиги баён қилинган.

— Хуррамобод маҳалласидаги вазият ходимларимиз томонидан бир неча марта ўрганилган, — дейди **Риштон тумани давлат санитария эпидемиология назорати маркази раҳбари Абдумалик Ортиқов**. — Гишт заводи атрофида жойлашган 20 та хонадон дезинфекцияланиб, зарарли ҳашаротлар йўқ қилинган. Бу тўғрисида аҳолидан тўшунтириш хатлари ҳам олинган. Вилоят экология қўмитаси ва бошқа ташкилотлар мазкур масалани ўрганиб чиқди. Аммо завод аҳоли саломатлигига зарар етказаятгани тўғрисидаги иттифоқлар тасдиқланмади. Шундай экан, мазкур корхона кўчириш тўғрисида бирор қарор қабул қилишга ҳеч қандай асосимиз йўқ.

## Ташкилотларнинг жавобидан аҳоли норози

Чаёнлар билан боғлиқ ҳолатларни бошқа фуқаролар ҳам тасдиқлади. Аҳоли ўз фарзандлари хавфсизлигидан чора излаб барча тегишли ташкилотларга шикоят қилган. Масалан, шу маҳаллада истиқомат қилувчи **Д. Эргашевнинг** 2018 йил 15 апрель кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасига қилган мурожаати Риштон тумани ва вилоят ДСЭНМ томонидан ўрганиб чиқилиб, атмосфера ҳавоси таркибидagi чанг миқдори меъёрида, деган хулоса берилди.

Яна бир ҳолат, **Х. Аҳмаджоновнинг** туман прокурорига шу мазмунда ёзган аризасига Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Риштон тумани инспекцияси бошлиғи **Р. Фозиловдан** жавоб мактуби келади. Унда ёзилишича, гишт ишлаб чиқариш заводи қурилиши учун Фарғона вилоят давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олинган. Ушбу жавоб хатида яна фуқаролар томонидан кўрсатилган барча камчиликларга завод

## Хулоса ўрнида

Балки тегишли ташкилотларнинг бу ҳолатга нисбатан бефарқлигининг ўзига хос сабаблари бордир. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам аҳоли саломатлигини хавф остига қўядиган заводни одамлардан йироқроққа кўчириш мақсадга мувофиқ бўларди. Ўйлаймизки, яқин кунларда муаммо ижобий ҳал этилиб, хуррамободликлар захарли ҳашаротлар ва балбўй тўтун захридан халос бўладилар.

**Нилуфар ЮНУСОВА**  
«Mahalla»

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### Чиқиндихона узоқликда бўлиши керак эмасми?



— Уйимизга яқин жойга чиқинди ташлайдиган қути қўйилган. Айтинг-чи, санитария-гигиена қоидаларига кўра, чиқиндихоналар аҳоли яшайдиган ҳудуддан қанча масофада жойлашган бўлиши керак?

**Дилшода ДҶСТОВА,**  
**Фарғона шахри.**



## Жаҳонгир САРВАРОВ,

Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассиси:

— 2011 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси шариоатида аҳоли яшаш жойларини каттиқ маиший чиқиндилардан тозалаш санитария қоида ва меъёрларининг 3.4-бандига асосан, чиқинди йиғиш майдончалари ва контейнерлари аҳоли яшайдиган биноларнинг кириш жойлари ва ойналаридан камида 20 метр масофада жойлашиши

керак. Чиқиндихоналарнинг жойлашуви амалдаги санитария қоида ва меъёрларига зид бўлган тақдирда, уларни бошқа жойга кўчириш масаласи бўйича ўзингиз яшаётган маҳалла фуқаролар йиғини, туман ҳокимлиги ва «Махсустрас», «Тоза ҳудуд» корхоналарининг туман бўлими ва туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказига мурожаат этишингиз мумкин.

# БОШИ БЕРК КЎЧА ёхуд икки ўт орасидаги изтиробли тақдир қурбонлари

ЎГИЛДИР, ҚИЗДИР, МЕЪЁРИДАН ОРТИҚ ЭРКА БЎЛДИМИ, ОТА-ОНАГА РАҲМАТ ЭМАС,  
ЛАЪНАТ КЕЛТИРАДИ. ШУ БОИС ФАРЗАНДГА МЕХР БИЛАН БИРГА, ТАРБИЯ ҲАМ БЕРИШ  
КЕРАК, УНИ ТАЛТАЙТИРМАСЛИК ЛОЗИМ

## Гиёҳванд кўвнинг тўйи азага айланди

— Тўй бўлмайди, гиёҳвандга берадиган синглим йўк! Бугун эл-улуснинг гапидан чўчиб, тўйни тўхтатмасам, кейин бир умр пушаймон бўламан. Ундан кўра, ҳаммасига узил-кесил нукта қўйганим маъқул...

Дами ичига тушган Карим ака бўлажак келиннинг акаси Зокиржонга эътироз билдиришига ожиз эди. Чунки у: «Қудалар ўғлимнинг феъл-атворини билиб, тўйни қайтаришмасин-да», деган ҳавотир билан юрганди. Қайтанга, аввалдан шу аҳмоқ боласи учун бировнинг эшигига бормаса бўларкан. «Гулдай кизни бахтиқаро қиламизми?», дея узок ўйланди. Тагин: «Ўйланса одам бўлар», деган умидда тилини тишлади. Бунинг товоғи эса қимматга тушди. Ахир, эртага тўй, таклифномалар тарқатилган, тўйхона, санъаткорлар билан келишилган. Уларга хизмат хақининг бир қисми аллақачон берилган.

— Вой, улар «закалат»ларни қайтаришмайди, энди шунча пулга қуйиб қоламизми? — аёли Гулмиранинг фиғони Карим аканинг поёнсиз хаёлларини тўзғитиб юборди.

— Ҳа, бир маъсума қиз «наркоманга» турмушга чиқиб, кўйиб қул бўлгунча, бизнинг тўрт-беш сўммимиз қуйсин. Бас қил!

У шундай дея ўшқираркан, «тур» этиб ерга кулади. «Тез ёрдам» машинасида касалхонага келтирилганда отанинг жони узилган эди...

## Тарбияда ҳушёрлик зарур

Ҳар куни маҳалла гузаридида чойхонада гурунлашиб ўтирадиган отахонларнинг бугун шашти паст, ҳамма хафа. Сухбат азага айланган тўй ҳақида кестар экан, Норали ота: «Отасининг пули билан институтни битирган бу ношуд бир жойда ёлғитиб ишламади ҳам. Ишқмас, тамбаллиги етмагандек, гиёҳванд ҳам бўлди. Яхшиям, қиз тарафлагилар ўз вақтида хабар топибди. Ҳозир келин-куёвлар никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтади. Каримбой раҳматли врачларни ҳам «қўлга ола» экан, улар кўвнинг «наркоман»лигини аширибди. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлармиди, қизнинг акаси сўраб-суриштириб билибми-да», деди томоқ қирди.

Шундан сўнг даврадагиларнинг унис қўйиб, буниси Карим ака раҳматли ёлғиз ўғли Сухробни алада азиз, тўрвада майиз қилиб ўстирганини гапирди. Қарангки, Сухробнинг



«иғнага ўтирганини» ҳамма биларкан.

— Бола азиз, одоби ундан азиз! Ўғилдир, қиздир, меъёридан ортиқ эрка бўлдим, ота-онага раҳмат эмас, лаънат келтиради. Шу боис фарзандга меҳр билан бирга, тарбия ҳам бериш керак, уни талтайтирмаслик лозим, — деди рости ёлғонларни жимгина тинглаб ўтирган Норали ота. — Қолаверса, бунга биз, маҳалладошлар ҳам айбдоримиз. Сухробнинг наставандлигини ҳамма биларкан, лекин ҳеч ким шу пайтгача на маҳалла идорасидагиларга, на «участкавийга» айтмаган. Балки вақтида тўғри йўл тутилиб, Сухроб мажбурий равишда давлатишга жўнатилса, қўни-қўшини кейинги юриштиришини назоратга олса, унга жамоатчи мураббий тайинланса, тузалиб кетармиди, бугун тўйи азага айланмасмиди? Мана, сизга «Оч қорним — тинч қулоғим» деган ақиданинг оқибати...

Дарҳақиқат, бугун биз андишанинг отини кўрқок демасакда, лоқайтган ва эътиборсизликни андиша дейишга одабланганмиз. Қўшнимизнинг ўсмир ўғли лана-пасткамда уч-тўрт тенгдоши билан папироз тутаётгани ёки пиво ичаётганини кўрсак, ота-онанинг кўнгли оғришидан андиша қиламиз ва жим кетамиз. Ўн уч-ўн тўрт ёшли маҳалладош қизалокнинг қайсидаир санъат юлдузига хавас қилиб, тиззасидан баланд қўйлақ кийгани, юз-қўзини бачкана бўягани билан ҳам ишимиз йўк. Ҳатто эртага бизнинг фарзандимиз ана шу тенгдоши билан ўртоқ тутиниб, ундан андоза олиши мумкинлигини ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Оқибатда эса йўлдан озган қизлар, гиёҳвандлик ёки ичкиликбозликка берилган йигитлар кўпаяверади.

## Устоз оғуфуруш экан...

— Инсониятни таназзул ботқоғи сари бошлайтган энг

хавфли восталардан бири — гиёҳвандлик қабیح эсиноятларга ҳам сабаб бўлмоқда, — дейди Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси Медиа маркази раҳбари Ўқтам Усмонов. — Энг ваҳший қотиллик ва хунрезликлар кўп ҳолларда гиёҳванд моддалар таъсирига тушиб, ўз-лигини тамоман йўқотган одамлар томонидан содир этилмоқда. Ачинарлиси, бу иллатнинг

— одамлар ҳушёр бўлсин, эсиноятга жазо муқаррарлигини англасин, оғуфурушлик катта эсиноят, улкан гуноҳ эканини туйунсин.

## Аёллар «захри қотил» савдоси билан шугулланса...

Маълумотларга кўра, 2018 йилда мамлакатимизда судлар томонидан наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishi билан боғлиқ жами 2 минг 876 та жиноят иши кўрилиб, 3 минг 691 нафар шахсга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилган. Шундан 208 нафари аёллардир. Қарангки, биз фариштага қиёслайдиган, авлодларни авлодларга боғловчи занжир ҳисобланган оналар ҳам энгил йўл билан даромад топиш илинжида «захри қотил» савдоси билан шугулланмоқда.

Карманалик Салима Астана тўрт нафар вояга етмаган фарзанднинг онаси. У Навоий шаҳрида яшовчи Турсун Са-

ғўдақлар туғилишига, мухтасар айтганда, оналар бахтсизлигига ҳисса қўшаётгани аянчлидир.

— Айни пайтда телеканалларимизда намоийи этилаётган миллий сериалларимизда психотроп дориларнинг ноқонуний савдоси, ёшларнинг бу дориларга мухтаб бўлаётгани кўрсатишмоқда, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгаши раиси ўринбосари Саиновар Қандагарова. — Мен бунга қаршман. Чўки бундай дорилар савдоси Тошкентда бўлса бордир, аммо вилоятларда, хусусан, Навоийда йўқ. Сериаллар антиреклама вазифасини бажариб, вилоятлик ёшлар ҳам пойтахтда сотилаётган, тарқабди психотроп моддалар бор дориларга қизиқиб қоллишдан хавотирдаман.

## Динда бу ҳақда нима дейилган?

— Ислом динида инсонга зарар келтирувчи, айниқса, ақлни кетказувчи, бадани бўшаширувчи ва сусайтирувчи нарсалар ҳаром қилинган, — дейди Навоий шаҳридаги Алишер Навоий жоме масжиди имом-хатиби Тоҳир Рўзиев. — Гиёҳванд моддалар ҳам бадани бўшаширувчи ва ақлни кетказувчидир. Ҳадисда: «Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир ва ҳар қандай хамр ҳаромдир», дейилади. Демак, гиёҳвандликнинг ҳар қандай кўриниши ҳаром! Шунга кўра, маст қилувчи ичмликларнинг ҳукми, зарарлари, оқибатлари ҳақидаги барча оят ва ҳадислар гиёҳванд моддаларга ҳам тегишлидир. Гиёҳвандликнинг ўлмага олиб келишидан уни истеъмол қилган киши ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади, деган ҳулоса келиб чиқади. Бу эса гуноҳи кабирадир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилдиларки: «Ким ўзини бирор нарса билан ўлдирса, қиёматда ўша нарса билан азобланади». Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон бўлгани учун ҳам уларга зарари бўлган нарсаларни маън қилган. Банда ушбу чегарадан чиқса ҳамда маън қилганидан нарсалардан сақланмаса, ўзига ва бошқаларга зарар еткази. Бу эса динимиз кўрсатмаларига зид амалдир.

## Хулоса

Гиёҳвандликнинг инсониятга зарарлари бехисоб. У тўғайли одамнинг жисми қанчалик хароб бўлса, маънавиятига ундан-да кўп путур етади, худди шунингдек, моддий жиҳатдан ҳам қийинчиликларга дучор бўлади. Оғу сабабини тинч-тотув оилалар бузилиб, беғуноҳ фарзандлар тирик етимга айланади. Бу йўлнинг охири эса... ўлимдир. Мазкур иллатнинг олдини олиш учун аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга астойдил эътибор қаратиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, энг аввало, фарзанд тарбиясида хатога йўл қўймайлик лозим.

Холбиби САФАРОВА  
«Mahalla»

## ДАРВОҚЕ...

### Гиёҳвандлик — умр заволи

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотида кўра, дунёда 27 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан қўз юмади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларда эса, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, юртимизда гиёҳванд моддалар истеъмоли натижасида касалликка қалчанган беморлар сони 6,1 минг нафарни ташкил этган. Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази томонидан 2018 йилда психофаол моддалар истеъмоли сабабли ўткир захарланиш натижасида 2 мингдан зиёд беморга махсус ёрдам кўрсатилган.

урчишига баъзида жамиятда обрў-эътиборга эга, дутта-дурст одамлар ҳам сабаб бўлмоқда. Жумладан, ақлидан Нурота туманидаги 43-умумтаълим мактабида 40 йил(!) бошлангич синфларга дарс берган, алифбони ўргатган 70 ёшли ўқитувчи ўз ҳовлисида гиёҳванд модда этиштириб, пуллиши аён бўлди. Шунингдек, Кармана туманида яшовчи, қўп ишлик ўқитувчи Мансур Хайриев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам тезкор тадбир савдоси билан шугулланиши аниқланди. Бу шахслар қилмиши яраша жавобгарликка тортилди, албатта. Бундай эсиноят ишлари маҳаллаларда ўтказилаётган сайёр судларда қўриб чиқилмоқда. Мақсадимиз

хатов билан шаръий никоҳдан ўтгач, бир оила бўлиб, фарзандларни тарбиялаш ўрнига ўзаро тил бириктириб, тарқибда гиёҳванд модда бўлган «каннабис» ўсимлигини яширин равишда экиб, парваришлаб, сотиб келган. Хуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилган тезкор тадбирларда у шартли харидорга гугурт қутиларга солинган 9 грамм гиёҳванд моддани 800 минг сўмга сотаётган пайтда қўлга тушди.

Аёли, аввало, она сиймосида тасаввур қиламиз. Борлиққа ҳаёт бағишловчи, жонидан жон яратувчи бу зотнинг инсониятни таназзулга етакловчи иллатини урчишига сабабчи бўлаётгани, ўз хатти-ҳаракати билан жиноятлар кўпайишига, ногирон

Одамни йиғлатишдан уни кулдириш қийин, дейишади. Шу боис ҳам қизиқчилик бошқа санъат турларидан машаққатли, десак муболага бўлмайди. Баъзан қизиқчиларнинг сахна чиқишларини томоша қилиб, уларнинг характери ва ҳаётий қарашларини тўғри баҳолаш биров мушкул бўлади. Зеро, улар, асосан, халқни қийнаётган бирор-бир муаммони нишонга олиб, кулгуга йўйишади. Бугунги қахрамонимиз ҳам шундай — гап келса, аяб ўтирмайди.

## Ортиқ СУЛТОНОВ:

# «Ҳамма кулишни истайди, лекин кулгу бўлишни хоҳламайди»

Санъатшунослик фанлари номзоди, сўз устаси Ортиқ Султонов билан юртимизда қизиқчилик, маданият ва санъатга берилётган эътибор, камчилик ва муаммолар, юмор тарихи ва ривожланиши ҳусусида суҳбатлашдик.

— Охири пайтларда халқ орасида қизиқчилик бачканаликдан иборат, деган хулосалар пайдо бўлмоқда. Соҳа вакили сифатида бунга нима дейсиз? Умуман, ўзбек қизиқчилигининг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Аслида бу фикр мен ва қизиқчилиكنи касб деб биладиган барчаннинг дилини ранжитса керак. Чунки қизиқчилик бачканаликдан анча йироқ. У аслида фалсафага яқин соҳа. Қизиқчи яратган латифа, ижод маҳсули тафаккур чигиринида тобланиб дунёга келади. Яхши латифа ёзуви томонидан яратилган мукамал асар кабилдир. Уни теран англаш, баҳолаш, албатта, муҳлис ихтиёрида. Аммо ҳақиқатан меҳнат қилинган ижод маҳсулини халқ ҳам бачкана деб атамайди.

Очинги, қизиқчилик кейинги авлод вакилларида кам кузатиляпти. Халқимиз қизиқчи деб айтаётган хозирги ёшлардан иборат жамоалар аслида комик гуруҳлар. Қизиқчи эса яқка тарзда ижод қилиб, бир ўзи томошабинни минг машаққат билан кулдиради. Жамоа ва бир қизиқчи ижоди орасидаги фарқ жуда катта. Халқимиз шунини чуқур англаб олиши шарт. Ўзбек қизиқчилиги санъатида ўзига яраша ютуқлар баробарида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Сўз бойлиги кенг, мантқан фикрлаш қобилиятига эга истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватласак, бизнинг соҳа келажаги ҳам мустаҳкам бўлишига ишончим комил.

— Санъат фидойиликни талаб қилади, дейдилар. Аммо ҳозир пайдо бўлаётган айрим қизиқчиларнинг маза-матрасиз чиқишлари



хақида бундай дейиш қийин. Санъат осмонидан юлдузлардан кўра «пүфакчалар» кўпайиб кетмаяптимики?

— Биласизми, институтни бир гуруҳда 26 нафар талаба битирган бўлсак, улардан беш ёки олти нафари санъат йўлидан кетди. Қолганлари турли соҳаларда меҳнат қилишяпти. Демокчиманки, агар дилда ҳақиқий иштиёқ бўлса, у қайси касбда бўлмасин, ўз ишининг устасига айланади. Санъатда ҳам шундай. Қалбида шу соҳага нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат, садоқат бўлган санъаткорларимиз кўп. Аммо шу билан бирга, бу соҳани фақатгина обрў орттириш, тирикчилик манбаига айлантириш мақсадида юрганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Начора, улар санъат деб аталмиш катта ва мўътабар даргоҳнинг бу эшигидан кираиб, наригисидан чиқиб кетяверди. Халқимизда «Ёмонни кўрмасанг, яхшининг қадрига етмайсан» деган нақл бор. Бундай инсонларнинг борлиги томошабинга саралаш имкони беради, уни доимо баҳсага чорлаб туради.

— Кўпчилик сизни қизиқчилик соҳасида илк марта илмий иш қилган олим сифатида билади...

— Илмий иш қилишим жуда қизик бўлган. Бир даврада ўзбек кулгуси хақида гапирганман. Шундан сўнг устозим, раҳматли Мухсин Қодиров олдига чақириб: «Мен аънавий халқ театри йўлида илмий иш қиламан. Лекин шу кулгу

йўлида илмий иш қилиш учун ҳеч қандай жалб қила олмаётганим. Кулгунинг бугунги аҳволи, унинг янги телевизион кўриниши каби масалаларни биргаликда таҳлил қилайлик», деганлар. Ўзаро маслаҳатлашиб, шу йўлда изланишлар қилганмиз. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг телевидение ва кинорежиссёрлик бўлимидаги сабоқлар 3-4 йиллик умрим беҳуда ўтмаганини кўрсатди.

Тўғри, илмий тилга кўникиш, олимга айланишим сал қийинроқ бўлган. Чунки у умуман шуни англаб етдимки, ҳам олим, ҳам қизиқчи бўлиш қийин экан. Лекин юрагим тубида устозим ёққан учқун ҳамон турибди. Насиб этса, мустақиллик йиллари санъатига бағишлаб каттароқ илмий изланиш қилиш ниятидаман. Маълум бир жамланмаларимиз бор. Қарашлар, фикрлар тўпланган. Лекин бу йўл-йўлак қилинадиган иш эмас.

— Изланишлар қилган мутахассис сифатида айтинг-чи, ўзбек қизиқчилигининг бошқа халқлар санъатидан қандай фарқли жиҳатлари бор?

— Устозларимиз жузъий камчиликлар, касблардан кулманг деган. Ҳамма кулишни истади, лекин кулгу бўлишни хоҳламайди. Бизнинг халқимиз ориятли халқ. Энг асосий фарқи шунда. Сўнгги пайтларда баъзи қизиқчиларимиз сахнада қимларидириш номиларини қўшипти. Бу норозиликларни келтириб



чиқаряпти. Кулгу билан инсонларнинг нафсонияти ва шахсиятига тегмаслигимиз керак. Кулгу инсонларни яшашга ундаш, уларни яхшиликка даъват этиш ва ёмонликдан қайтаришдир. Яқинда яна бир кузатиш қилдим. Европа қизиқчиларини қарасангиз, сахнада кўполроқ сўзларини ишлатяверди. Сахнада сўқинияптим баъзилари. Бизнинг кулгумиз «қоса тагида нимқоса» бўлади.

— «Ҳандалак»нинг мазаси оғзимизда қолган. Унинг келажаги хақида нима дея оласиз?

— Бу ҳақда ўйлаб юрибмиз. Гарчи хозирча кўлимизда аник бир лойиха ёки йўналиш бўлмас-да, аммо келажақда Зокир Очилдиев билан ҳамкорликда янги дастурлар устида ишламоқчимиз. Чунки муҳлислар бизни, асосан, «Ҳандалак» гуруҳи сифатида танишиди, тан олишиди. Шунинг учун бу ишонччи оқлаш, томошабинларни янги дастурлар билан хурсанд қилиш ниятидамиз.

«Ҳандалак» эфирга узатиладиган йўлига анча йил бўлди. Бунинг сабаби дастурнинг эфирдаги муддати туғатганди. Аслида ҳар қандай дастурнинг умри ўн йил ҳисобланади. Шундан кейин биргаликда бир неча йил концерт намойиши этидик. Агар «Ҳандалак» сингари пухта лойиха чиқиб қолса, Зокир Очилдиев билан яна биргаликда ҳамкорлик қилишимиз мумкин.

— Бугун ижтимоий ҳаётда қайси муаммолар сизни кўпроқ қийнайди? Сизнингча, уларни бартараф этиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

— Ижтимоий ҳаётдаги муаммоларнинг аксарияти репертуарларимдан жой олган. Шундай бўлса-да, дилимни ўртайдиган бир-икки ҳолатга тўхталмасам бўлмайди. Инсон ҳар қандай шайроғда ҳам кўнглига эмас, ақлга қараб иш тутуши керак. Кўп тўйларда ҳали-хануз орқича дабдаба, исрофгарчиликлар бўлаётганини кўриб, шундай фикрга бора-

сан киши. Тўй соҳиби эртага қандай яшашини ўйламайди, бугуннинг ғами билан яшайди. Тўйларни-ку қўйинг, таъзия маросимлари ҳам кимўзарга ўтказилаётганига нима дейсиз? Жойларда «фалончи онасининг маракасидан 100 та тўн тарқатибди, мен 200 та тарқатаман» кабилидаги шухратпарастлик иллатлари мавжуд.

Тилимнинг учиди, дилимнинг тубида турган яна бир фикрни айтмасам бўлмайди. Сиз, мен тенги одамлар яхши билишади, илгари маҳаллалар, овуллар, кишлоқларда одамларга, ҳеч бўлмаганда, ўз уруғи, авлодларига бош бўладиган уч-тўрт нафар фидойи қариялар, оқсоқоллар бўларди. Ҳозир баъзи маҳаллаларга борсангиз, бошсиз одамни кўргандек бўласиз. Хар ким билганини қилади. Бировдан маслаҳат сўраш йўқ. Чунки у ерда бош бўладиган одамнинг ўзи йўқ. Мен баъзан жойларда бўлганимда шундай оқсоқолларни кўрсайман. Ахир, улар бор жойда фойз-барака, имон-эътиқод, яхшилик бўлади. Шундай эмасми?

— Қизиқчилик санъатида ўз ўрнини эгаллашда қийналаётган ёшларга қандай маслаҳат берасиз?

— Аслида машҳурлик ўз-ўзидан келиб қолмайди. Ортида тинимсиз меҳнат яширинган бўлади. Қизиқчилик осон касб эмас. Шу боис бу марокли ва машаққатли йўлдан кетишни истаган киши унинг ҳар бир қизиқчилигига чидаши лозим. Энг аввало, қизиқчи бир ерда тўхтаб қолмаслиги керак. Зеро, ёш қизиқчи ижод қилмаса, қоғоз-калам билан ўзи латифа яратиб, ижоди мубайнади яратган қизик ҳолатларга саяқал бермаса, сўз бойлигини тоширмаса, ўсмайди. Танилиш жуда осон иш, аммо ана шу машҳурликни сақлаб қолиш мушкул. Шунинг учун бугун кечагидан ҳам кўпроқ меҳнат қилишни талаб қилади.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

«Mahalla» мухбири  
Эрмат РҶСТАМОВ  
суҳбатлашди.

## Невроз касалликми ёки ёмон характер?

КАСАЛЛИК АВВАЛИГА АСАБИЙЛИК ВА ЧАРЧОҚ БЕЛГИЛАРИ БИЛАН БОШЛАНАДИ. ЎЗ ВАҚТИДА ДАВОЛАНГАНДА БОШҚА АЛОМАТЛАР КУЗАТИЛМАЙДИ

Инсон ҳаётида асаб бузилишига сабаб бўладиган ҳолатлар учраб туради. Бундай вазиятга нисбатан ҳар ким ўз характери, соғлиги ҳамда жисмоний ҳолатидан келиб чиқиб жавоб қайтаради. Агар кимдир қуюшқондан чиқиб кетгудек бўлса, атрофдагилар унга: «Сен невроз бўлиб қолибсан», дейди. Ҳўш, аслида невроз қандай касаллик? Унинг пайдо бўлишига қайси омиллар таъсир кўрсатади?



ҳам наф келтиради. Ҳавоси тоза, асаб учун фойдали бўлган жойларда дам олиш тавсия этилади.

### Хорижда неврозга касаллик деб қаралмайди

Неврозни тиббий психологлар, нейрорпсихологлар, невропатологлар, психотерапевтлар, оғир даражадаги ҳолатда эса психиатр мутахассислар амбулатор ёки стационар шароитда даволайди. Хорижда бу касалликни даволаш билан оддий психологлар ёки педагоглар шуғулланади. Сабаби, невроз чинакам касаллик эмас, характерга бириккан ҳолат деб қаралади (бу гап касалликнинг энгилроқ даражасига тегишли). Агар вазият жиддийроқ тус олса, албатта, шифокор ёрдамидан фойдаланилади. Даволаш услуби шифокор томонида белгиланади.

### Неврозни асорат қолдирмай даволаш мумкинми?

Бу унинг тури ва даражасига боғлиқ. Касаллик қайталанмаслиги учун имкони борича унга сабаб бўладиган ҳолатларни бартараф этиш керак. Зеро, сабабсиз оқибат бўлмайди. Тиббиётга алоқадор бўлмаган ҳолатлар — оилавий, касбий, молиявий, юридик ва бошқа муаммолар оқибатида ҳам невроз келиб чиқади. Асабларни бўшаштирувчи, рухий беғамроқ қилувчи дорилардан фойдаланиш мумкин. Буларни беморнинг ҳолатидан келиб чиқиб, шифокор нейрорпсихолог, невропатолог, тиббий психолог, психиатр, психотерапевт белгилайди.

Агар касаллик қайталанса, унинг сабаби ўрганилади. Эҳтимол, дорининг миқдори камлик қилган ёки бошқа препаратдан фойдаланиш кераклири. Танада бошқа касаллик ҳам бўлиши мумкин. Мухими, хасталик такрорланмаслиги учун бемор ўз соғлигини ўзи асраши, белгиланган дориларни вақтида ичиб, қайта кўриққа ҳамда кейинги босқич даволашига айтилган вақтда келиши зарур.



**Зоҳиржон УМАРОВ,**  
невропатолог,  
нейрорпсихолог,  
ЭЭГ  
ва ЭхоЭГ  
шифокори.

Аслида невроз, бу — нерв системаси озикланишининг бузилиши ва чарчаш билан кечадиган дистрофик жараён. У баъзи адабиётларда невралгия (невро — нерв, асаб, озикланишининг бузилиши, астения — чарчаш дегани) деб ҳам юритилади.

### Касалликнинг илк аломатлари

Невроз касаллигига чалинганларда асабийлик, тез-тез жаҳл чиқиши, жиззаклик, бетоқатлик, уйку бузилиши, баъзан бош, юрак соҳаси, қоринда оғрик, ҳолсизлик ва иштаҳасизлик кузатилади. Айтилган белгилар бир вақтинчи ўзида бир беморнинг ўзида камдан-кам кузатилади. Касаллик аввалига асабийлик ва чарчоқ белгилари билан бошланади. Ўз вақтида даволанганда, бошқа аломатлар кузатилмайди.

### Рухий зарбалар неврозга сабаб бўлади

Мунтазам равишда психологик ноинтич муҳитда яшаш ёки ишлаш, доимий рухий зарбалар олиш, психологик стресслар, ҳар хил муаммолар ҳақида кўп ўйлаб, тинмай асабийлашиш невроз касаллигининг ривожланишига сабаб бўлади. Баъзан ўтказиб юборилган оғир касалликлар оқибатида ҳам иккиламчи хасталик сифатида невроз шаклланиши мумкин.

Айрим ҳолатларда психологик хотиржам инсоннинг организмид ҳам баъзи витамин ва бошқа моддалар етишмаслиги ҳисобига невроз касаллиги келиб чиқиши мумкин.

### Олдини олиш мумкинми?

Касалликнинг олдини олиш учун зиддиятчи вазиятларни тўғри баҳолаб, унга имкон қадар ижобий ёндашиш керак. Агар инсоннинг жашли чикса, куйидагилар тавсия қилинади. Тикка турган пайтда жаҳл чикса, ўтириб олиш керак. Ўтирган пайтда жаҳл чикса, тикка туриш керак ёки ётиш тавсия этилади. Яъни ҳолатни ўзгартириб, инсон ўзини чалғитиши керак. Мунтазам мия учун фойдали бўлган асал, ёнғоқ, шоколад, pista, узум, туршак, ўрик шарбати, банан каби маҳсулотлардан истеъмол қилиш керак. Кўпроқ суюқлик ичиш

Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича 5 миллионга яқин киши тамаки чекиш асоратида келиб чиққан касалликлар туфайли вафот этади. Тамаки деганда, фақат сигарет турларини тасаввур қилиш нотўғри. Зеро, таркибида тамаки моддалари бўлган воситалар, масалан, нос ҳам психотроп таъсирга эга экани билан қайд этилади. Эҳтимол, нос ҳақида сўз бориши эриш туюлиши мумкин. Аммо нос чекувчилар орасида нафақат катта ёшли эркаклар, балки ёшларнинг ҳам борлиги мавзунинг нақадар долзарб эканидан дарақдир.

## Нос чекишнинг асорати — саратон... (ми?)

НОС ЧЕКИШ НАТИЖАСИДА ОДАМ АСТА-СЕКИН АҚЛИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ЖИҲАТДАН ЗАЙФЛАШАДИ, ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТАДИ, ВАҚТИДАН ИЛГАРИ КЕКСАЯДИ

### Носнинг таркиби қандай?

Носнинг таркибида сўндирилган оҳақ, кул, елим ва ўсимлик ёғи мавжуд. Унга ранг бериш учун тут ёки бошқа дарахларнинг барги қуритилиб, янчиб кўшилади. Ўсимлик ёғидан ташқари, носга кўшилган моддаларнинг ҳаммаси захарли. Хусусан, тамаки, оҳақ ва кулнинг захарли моддалари сўлакка аралашгач, қизилўнғач орқали ошқозонга тушиб, шиллик пардасини яллиғлантиради. Натижада сурункали гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси касалликларига сабаб бўлади. Шунингдек, тил остидан қонга сўрилган нос қуқуни, аввало, бош мия, юрак, жигар, буйрак каби аъзоларни зарарлайди. Ёнг ёмони, чекувчилар баъзан оғиз бўлини, қизилўнғач ва меъда саратони касаллигига дучор бўлиши мумкин.



### ДАРВОҚЕ...

### Чекишни қандай ташлаш мумкин?

Нос чекишдан воз кечиш осон эмас. Бунинг учун инсон, аввало, психологик жиҳатдан ўзини тайёрлаши лозим. Бунда биринчи кун муҳим аҳамиятга эга. Тамакисиз илк кунни инсон кўтаринки қайфиятда ўтказиши керак. Агар чекиш хоҳиши пайдо бўлса, сақич чайнаш ёки яллиз таъми ширинлик, мева-сабзавотлардан истеъмол қилиш, мева шарбати ичиш яхши наф беради. Агар хоҳиш кучли бўлса, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, югуриш, сузиш ва гимнастика машқларини бажариш мақсадга мувофиқ.

### Хумор тутганда жаҳл чиқади

Биринчи марта нос чеккан одамнинг организмиде захарли моддалар таъсирига нисбатан химия реакцияси пайдо бўлади. Чекувчининг кўнгли айниқди, боши айланади, юрак уриши тезлашади, совуқ тер босади, маст одамдек гандирақлайди. Унга ўрганиб бориш натижасида организмнинг химия реакцияси сусайиб, юқоридаги нохуш белгилар йўқолади.

Ўсмирлар носни аввалига 1-2, кейинчалик 10-20 дақиқа тили остида сақлайди. Бошланишида қунига 1-2 марта, аста-секин 10-20 мартагача чекадиган бўлади. Оқибатда нос таркибидеги захарли моддалардан, энг аввало, мия нерв ҳужайралари зарарланади. Шу туфайли кашанданинг қайфияти бузилади, айниқса, нос хумор қилган пайтларда сал нарсаларга жаҳл чиқади.

### Фикрлаш қобилияти сусаяди

Чекувчиларда фикрлаш, ақлий менаат қобилияти, хотира ёмонлашади, ўқиган, кўрган, эшитган нарсаларни эсда қолмайди, ўзлаштириши пасаяди. Ойлар, йиллар ўтиши билан рухий бузилишларга жисмоний хасталик белгилари кўшилади. Кашанданинг юраги, ўпкаси, жигари, буйрақлари зарарланиши туфайли ҳаракат қилганда нафаси қисади, юраги ўйнайди, артериал қон босими кўтарилади, томир уриши тезлашади, ранги оқаради, лаблари кўкаради. Жигар соҳасида (ўнг қовурга остида ҳам) оғрик пайдо бўлади. Буйрақлари касалланиши сабабли ўсмир эрталаб уйқудан турганда кўзларининг ости, кечқурун эса

оёқлари шишади.

Кўп йиллар нос чекиш натижасида одам аста-секин ақлий ва жисмоний жиҳатдан заифлашади, иш қобилиятини йўқотади, вақтидан илгари кексади, ногирон бўлиб қолиши ҳам мумкин. Шундай экан, нос чекишдек зарарли иллатдан юз ўгириш саломатлик сари кўйилган муҳим кадам ҳисобланади.

**Зайнаб ВАЛИЕВА,**  
психотерапевт-шифокор.

# Офтоб уришидан қандай сақланиш мумкин?

ҲАДДАН ЗИЁД ҚУЁШ ТИҒИДА ЮРИШ ТЕРИ САРАТОНИГА УЧРАШ ЭҲТИМОЛИНИ ОШИРАДИ. УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАРИНИНГ ДАВОМИЙ ТАЪСИРИ ЭСА КЎЗ НУРЛАРИНИНГ БУТУНЛАЙ ЙЎҚОЛИШИГА САБАБ БЎЛИШИ МУМКИН

**Ёз чиласи юртимизда аномал иссиқлик билан давом этмоқда. Серқуёш ўлкамизнинг айрим ҳудудларида ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, жанубий вилоятларда +45, +50 даражагача етди. Хўш, бундай паллада инсон ўз саломатлигини асраши учун нималарга эътиборли бўлиши керак? Офтоб уришидан қандай сақланиш мумкин?**

Мутахассисларнинг фикрича, куёш нури кўринувчи ва кўринмайдиган қисмлардан иборат. Кўринмайдиган ультрабинафша нурларининг меъёрдан ортиги киши организмга салбий таъсир кўрсатади. Бу турли касалликларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Хусусан, ёз мавсумида офтоб уриши — мия фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ патологик ҳолатлар кўп учрайди.

## Қандай аломатлари бор?

Офтоб урган кишида бош оғриғи, кўнгил айнаши, қайт қилиш, ланжлик кузатилади. Ҳавода намлик юқори бўлса, бу белгилар янада кучайиши мумкин. Офтоб уришининг энгил, ўрта ва оғир даражалари мавжуд.

Энгил даражасида ланжлик,

бош оғриғи, кўнгил айнаши, юрак уриши ва нафас олишнинг тезлашиши, кўз қорачиғининг кенгайиши кузатилади. Ўртача эса холсизлик, қайт қилиш билан кечувчи кучли бош оғриғи, бош айланиши, қулқоннинг битиб қолиши, чайқалиб юриш, вақти-вақти билан ҳушдан кетиш, томир уриши ва нафас олишнинг тезлашиши, бурундан қон кетиши, тана ҳароратининг 39-40°C гача кўтарилиши каби аломатлар билан кечади.

Оғир офтоб уриши беҳосдан бошланиб, кишининг юзлари аввал қизариб, кейин оқ ва кўкимтир тусга киради, мушаклар тортишади. Беморда босинқирашга ўхшаш ҳолат кузатилади. Тана ҳарорати 41-42°C гача кўтарилади, оғир беҳушлик ҳолати ривожланади. Афсуски, касалликнинг сўнгги даражаси 20-30 фоиз ҳолатда ўлим билан якулланади.



## Ортиқча семизлик офтоб уришига сабаб бўлади

Офтоб уриши куёш нурларининг бошга бевосита таъсир этиши, атроф-муҳитдаги ортиқча намлик, семизлик, қон босимининг юқорилиги, юракдаги туғма нуқсонлар сабаб юзага келади. Эндокрин тизимдаги бузилишлар, бир ёшгача бўлган ва қарилик даврида, шунингдек, сурункали чекиш, алкоғолдан заҳарланиш, асабий ва руҳий зўриқишда кучайиб кетиши мумкин.

## Қандай сақланиш мумкин?

Офтоб уришидан сақланиш учун бошни энгил, оқ рангдаги табиий толали бош кийими билан, кўзларни эса куёшдан сақловчи кўзойнак ёрдамида муҳофаза қилиш тавсия этилади. Шунингдек, чўмилиш жойларида, айниқса, кундузги соат 12:00 дан 16:00 гача куёш тигида узоқ вақт қолмаслик керак. Куёшда тобланишнинг давомийлиги 15-20 дақиқани ташкил қилиши лозим.

Ёзнинг иссиқ кунларида организмда сув миқдорини ушлаб туришга ҳаракат қилиш даркор

(қунига 3 литр атрофида газсиз минерал совуқ сув, махсус тузли эритмалар ичинг). Кун тигиз пайта вақти-вақти билан баданни совуқ сувда намланган дастурмол билан артиб туриш уни иссиқланишдан асрайди. Иссиқ шароитда ишлаганда салқин жойда дам олиш, иш жойларида совуқтиқлар ўрнатилган ёзнинг жазирама кунлари бир мунча энгил ўтишини таъминлайди.

## Куёш нури саратонга сабаб бўладими?

Ҳаддан зиёд куёш тигида юриш тери саратонига учраш эҳтимолини оширади. Шунингдек, ультрабинафша нурларининг давомий таъсири катарактанинг келиб чиқишига, у эса, ўз навбатида, кўз нурларининг бутунлай йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Тери саратони юзага келиши учун анча вақт талаб этилса, кўзларга зарар етказишда ультрабинафша нурларининг оз миқдори ҳам кифоя қилади. Бундай ҳолатда куёшдан ҳимояловчи кўзойнаклар бизга асқатади.

**Ёркиной ТОШПҮЛАТОВА,**  
олий тошфали шифокор,  
терапевт.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### «Сув ичган сари яна ичгим келаверади...»



— Ҳар йили ёз фаслида мени чанқоқлик босади. Сув ичган сари яна ичгим келаверади. Айтингчи, бу қадар сувга ташналикни қандай бартараф этиш мумкин?

**Аҳроржон АЛИЕВ,**  
Самарқанд вилояти.



## Гулчеҳра ОРТИҚОВА,

терапевт:

— Организмининг ортиқча сув йўқотиши натижасида сувга ташналик ҳолати юз беради. Бундан танадан ажралган тер буғланмай, томчи ҳолатида ажралиб чиқади. Натижада организм ҳарорати пасаймайди. Оғир ҳолатларда эса чексиз ташналик, иштаха пасайиши, дармонсизлик, қорин-ичак фаолияти бузилиши ва мувозанатни сақлаш қобилиятининг сусайиши юз бериши мумкин.

Иссиқ иқлим шароитида серёғ овқатларни бирмунча камроқ,

янги сабзавот ва турли мевалардан кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Ёз кунлари овқатларни бироз шўртмамоқ еган яхши, чунки иссиқ ҳарорат таъсирида тер орқали танадан ош тузи қанчалик кўпроқ ажралиб чиқади. Бу туқималар таркибида суюқликни сақлаш қобилиятини пасайтириб юборади. Шунингдек, овқатнинг асосий қисмини эрталаб ва кечки пайтада ейиш, тушда эса янги сабзавотлардан тайёрланган, ўз таркибига старли оксилга эга бўлган тоамларни истеъмол қилиш яхши натижа беради. Кун иссиғида кўк чой ичиш ҳам жуда фойдалидир.

## БИЗ УЧУН МУҲИМ!

Ёзнинг жазирама кунинда кондиционер ёрдамида салқинлатилган хонада роҳатланиб ўтириш, дам олиш маза, албатта. Аммо кондиционер соғлиққа жиддий пуғур етказишини ҳам унутмаслик даркор.

### «Роҳатижон» соғлиқ кушандаси...(ми?)

Аксариятимиз кондиционерлар ичкаридаги ҳавони ташқаридаги алмаштирилади, деб ўйлаймиз. Аслида эса у хона ичидаги ҳавони ютиб, совутиб, яна ўзимизга қайтади. Гапнинг индаллоси — ҳаво совутиқ ёпиқ циклда ишлайди. У бир соатлик иши давомида камида бир литр ҳавони «исроф» қилади. Бу мутлақ ёпиқ хонада маълум муддатдан сўнг умуман ҳаво қолмаслиги мумкинлигини аниқлатади.

Ишлаётган кондиционер рўпарасида узоқ ва тўғридан-тўғри ўтириш соғлигинизга яхшигина зиён етказмайди. Ўпка, бўғимлар, мушаклар касалликлари, яллиғланиш-

ларни келтириб чиқаради. Сурункали кондиционер тағида ўтирган одам организмда куёшга чиққанда жуда заифлашиб қолади. Ёпиқ циклда ишлагани учун кондиционерлар бемор одамдаги инфекцияни бутун хона бўйлаб тарқатиб юбориши ҳам мумкин. Қолаверса, кондиционер иши асосини ташкил этувчи фреон ҳаводан озгироклиги туфайли чиқиб кетганда токсик хусусияти билан одамни заҳарлаб қўйиши эҳтимоли бор.

Кондиционер ҳар 2-3 ойда тозалаб турилиши лозим. Лекин бу қоидага санокли кишиларгина амал қилади. Натижада ҳаво совуқтиқ

микроблар ўчоғига айланиб қолади. Бундан ташқари, узлуқсиз ишлаши оқибати ҳаво намлигини пасайтириб юборади.

Яна бир гап. Кондиционердан фойдаланаётганда эътиборли бўлинг. Ҳаво фильтрини тез-тез, ёз фаслида ҳар ой камида бир марта тозалаб туринг. Ундан фойдаланишда меъёрни унутманг, кондиционерли хонада узлуқсиз ўтирманг. Хуллас, танингизга «роҳат» бахш этаётган қурилма соғлигингиз кушандасига айланишига йўл қўйманг!

**Дилафрўз САЙДУЛЛАЕВА**  
тайёрлади.



# Савдодаги ҳалоллик

## барака калити

ҲАРОМ ЛУҚМА ИБОДАТЛАР ВА ДУОЛАРНИНГ ҚАБУЛ БЎЛМАСЛИГИГА САБАБ БЎЛИШИНИ УНУТМАСЛИК ДАРКОР

ДИНИЙ МАЪРИФАТ  
Ҳақиқий  
дўст қандай  
бўлади?

Дўстлиқнинг ўзига яраша ҳуқуқлари ва масъулиятлари бор. Руҳий тарбия бўйича мутахассис уламоларимиз мазкур ҳақлар саккизтадан иборат эканини айтишган. Улар қуйидагича ифодаланган:

**Биринчи ҳақ:** — молдаги ҳақ — дўстлик доим шерик бўлишни тақозо қилади. Бу шериклик молу дунёга ҳам тегишли.

**Иккинчи ҳақ** — ҳожатини чиқаришда ёрдам бериш. Дўстга ёрдам беришнинг энг паст даражаси — ёрдам сўралганда қудрати етса, очик юз ва хурсандчилик билан ёрдам бериш.

**Учинчи ҳақ** — тилни тийиб, сукут сақлаш. Бунда банд дўстининг айбали ҳақида гапиришдан, уни гийбат қилишдан, у билан талашиб-тортишишдан ва унинг ҳақида чақимчилик қилиш ҳамда ёмонлиги ҳақида савдо беришдан тилни тийиб, сукут сақлайди.

**Тўртинчи ҳақ** — тил билан нутқ қилиниши лозим бўлган нарсалар. Дўстига яхши гапириш, унинг яхши сифатларини айтиб туриш, билмаган нарсасини ўргатиш, зарур бўлганда насихат қилиш шулар жумласидан.

**Бешинчи ҳақ** — дўстинг кўкилиш ва тойиллиларини афв қилиш. Одатда дўстинг хатоси динда ёки дўстинг ҳақида бўлади. Унинг хатоси динда бўлса, лутф билан насихат қилиш керак.

**Олтинчи ҳақ** — дўстинг ҳақида дуо қилиш. Киши ўз дўсти ҳақида унинг тириклигида ҳам, ўлимидан кейин ҳам дуо қилиб туриш керак. Ўзи учун нимани сўраса, дўсти учун ҳам шуни сўраб дуо қилади.

**Еттинчи ҳақ** — дўстга вафодор бўлиш ва унга ихлос қилиш. Дўстга вафодор бўлиш унинг муҳаббатига то ўлгунча собит туришдан, унинг ўлиmidан кейин болалари ва дўстлари билан бирга бўлишдан иборатдир.

**Саккизинчи ҳақ** — сн-гиллик ва ортиқча тақал-лурфини тарқ қилиш. Киши дўстига оғир келадиган нарсани раво кўрмаслиги керак. Бошқача айтганда, унга оғирлигини солмаслиги лозим. Муслмон киши дўстига Аллоҳ учун муҳаббат қўяди, унинг дуосидан умидвор бўлади.

Зокирхон ОМОНОВ,  
Сурхондарё вилояти  
Қумкўрган туманидаги  
Муҳторхон хожи жоме  
масжиди имом-хатиби.

Инсоният яралибдики, тўқ ва фаровон яшашни истайди. Ана шу фаровон ҳаётга эришиш учун кимдир ҳалол ризқ топишни мақсад қилса, бошқа биров нафс ғафвосига алданиб, пул топишнинг осон йўлини тутати. Айримлар савдода фирромлик билан бойлик орттиради. Лекин ҳалоллик билан бирга, баракани, охираддаги мукофотни ҳам бой берганини билмайди. Ваҳоланки, муқаддас динимиз инсонлар ўртасидаги муносабатларда доим адолат, инсоф, ҳалоллик бўлишини талаб этади ва муслмонларни шунга чақиради.

### Тижорат ҳам илмдир

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан Абу Саид (р.а.) ривоят қилади: «Набий алайҳиссалом: *«Ростгўй, амонатдор тижоратчи набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир»*, — дедилар (Имом Термизий ривояти).

Қаранг, Пайғамбаримиз оддий тижоратчи Аллоҳнинг элчилари билан бир сафда бўлиши хабарини бермоқда. Бунинг учун, албатта, кишидан тижоратнинг шаръий қоидаларига амал қилиш талаб этилади. Бунда савдо билан шугулланадиган киши, аввало, тижорат илмини диққат билан ўрганиши керак.

Ислому тижоратчиға фойда олишни мувоҳ қилди. Фойдани чегаралаб ҳам қўймади. Тижоратчи одамларга зарари тегадиган ишлар: ихтикор (одамлар ва хайвонларга зарар етказадиган даражада товарларни босиб қўйиш), нархни жуда ошириб юбориш ва савдодаги алдов каби ишлардан сақланиши керак.

Тоҳида савдогар арзимаган пул учун виждонини сотаётганига гувоҳ бўламиз. Ачинарлиси, бундай тижоратчилар орасида ўзининг муслмон экани, намоз ўқиши, рўзадор экани, ҳажга бориб келганини айтиб, харидор ишончига қирадиганлар ҳам йўқ эмас. Аллоҳ таолонинг номига ёлғон қасам ичади. Бу билан у ўз шарафи ва динини йўқотади. Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 86-оятда шундай марҳамат қилади: *«Улар, ҳақиқатан, охирад ўрнига (фоний) дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир. Шундай экан, уларга бериладиган азоб-уқубатлар энгиллаштирилмас ва уларга ёрдам ҳам берилмағай»*.

### Сифатсиз мол сотиш — гуноҳ

Савдодаги ёмон иллатлардан бири тарозидан уришдир. Унинг гуноҳи катта эканига Куръони каримда алоҳида тўхталиб ўтилган: *«(Савдо-сотиқда ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой! Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қолдиган кимсалардир. Улар (ўзгандан кейин) қайта тирилувчи эканларини ўйламайдиларми? Улар кунда (қиёматда) — Одамлар (бутун) оламлар парвардигори хузурда (ҳисоб-китоб бериш учун) тик турадиган кунда?!»* (Мутоффиийн сураси, 1-6 оятлар)

Яна бир гуруҳ тижоратчилар сифатсиз ва зарарли таом, ичимлик ва товарларни сотиб зарар келтиради. Бундай йўл билан топишган бойлик ҳаром ҳисобланади. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан Баро Ибн Азиб (р.а.) ривоят қиладилар: Расулulloҳ (с.а.в.) Бақияга келдилар, *«Эй, тоғсиллар жамоаси!»*, дедилар. Ҳамма у кишига қаради, шунда у зот: *«Албатта, тўғжорлар қиймат кунда фоғир бўлиб тириладилар, фақат ким Аллоҳдан қўрқса, солиҳ амал қилса (ҳисоб қилса) ва рост сўзласа, бундан мустасно»*, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Бу ҳадиси шариф тижорат шарафли касб бўлиш билан бирга, ўта масъулиятли ҳам эканидан далолат. Шу боис тижоратчилар ҳалол йўлни маҳкам тутиб, ҳаром лўқма ибодатлар ва дуоларнинг қабул



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

### Имони мустаҳкам тижоратчининг айрим сифатлари:

**Ростгўй** — савдо молининг ҳақиқий сифати, нави, жинси, тайёрланган жойи ва сарф-харажати ҳақидаги маълумотларда ёлғон ишлатмайди.

**Кенғеъл ва саховатли** — баҳони пастроқ қилиш ва ўлчада саховатли бўлишга ҳаракат қилади.

**Савдога қасамни аралаштирмайди** — чунки савдо пайтида ичилган қасам бараканинг кетишига сабаб бўлади.

**Кўп садақа қилади** — савдо пайтида бўладиган баъзи камчиликларнинг ювилиши учун тижоратчи кўпроқ садақа қилиб туриши лозим.

**Молиявий муомалаларни ва қарзни ёзиб боради ва гувоҳ келтиради** — тижоратчи одам савдо шартномасини ва қарз олиш ёки бериш жараёнини қайд этиб бориши лозим. Бировга насияга муомала қилганда ва қарз берганда гувоҳларни ҳозир қилиши мақбул ишдир. Ана шунда турли кўнгилсизликлар келиб чиқмайди. Мухими, ўзи билиб-билмай, бировнинг ҳақида хиёнат қилмайди. Бошқаларни йўқ жойдан қарздор қилиб қўймайди.

**Фойда олишда ҳаддан ошмайди** — албатта, савдогар ўз ишидан фойда кўриши лозим. Лекин устама нарх қўйишда ҳаддан ошмагани маъқул. Шариятда сотувчи молни шунчага сотсин ёки сотмасин, деб тайин қилинмаган. Лекин одамларга зулм етадиган даражада ҳаддан зиёд қиммат қилиб сотиш ҳам жоиз эмас.

бўлмаслигига сабаб бўлишини унутмаслиги даркор.

Таваккал КЕНЖАЕВ,  
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур  
туманидаги Эшон Бобоҳон жоме  
масжиди имом-хатиби.

### ДАРВОҚЕ...

#### Бозор дуосини биласизми?

Бозорга қираётганда дуо қилиб, Аллоҳга сизнинг фойдалидир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дейдилар: *«Ким бозорга ва шунга ўхшаган одам гавжум жойларга қираётганда шу дуони ўқиса, ўша кишининг минг гуноҳи афв этилиб, мингта савоб берилади. Дуо бундай: «Ла илаҳа ил-лаллоҳу ваҳдаҳу ла шарий-ка лаҳу. Лаҳул мулк ва лаҳул ҳақму. Юҳийи ва юмий-ту ваҳува ҳайюн ла яму-ту. Биядихил хойру ва ҳува ала кулли шайин қодийр»*.

# Янги Украина тинчлик ва барқарорлик тарафдори... (ми?)



АЙНИ ПАЙТДА УКРАИНА ИСЛОҲОТЛАРГА ЖУДАЯМ МУҲТОЖ. МАМЛАКАТДА ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИ ИЗДАН ЧИҚҚАН, КОРРУПЦИЯ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙГАН. ОХИРГИ БЕШ ЙИЛ МОБАЙНИДА ИСЛОҲОТЛАР ТЎҒРИСИДА ЖУДА КЎП ГАПИРИЛДИ, АММО БАРЧАСИ ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТДИ

Жорий йилнинг 21 июль куни Украинада навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, унда президент Владимир Зеленскийнинг «Халқ хизматкори» партиясининг қўли баланд келди. Мазкур партия 42 фоиз овоз тўплаган. Виктор Медведчукнинг «Мухолиф платформа — Ҳаёт учун» партияси 11,5 фоиз овоз билан иккинчи ўринни эгаллади. Эндиликда катта устунлик билан ғалаба қозонган «Халқ хизматкори» партияси мустақил равишда ҳукуматни шакллантириш имкониятини қўлга киритди.

## Зеленский учун «асал ойи» тугади

Парламентдан собиқ президент Пётр Порошенконинг «Европача бирдамлик» партияси, собиқ бош вазир Юлия Тимошенконинг «Овоз» партияси ҳам ўрин эгаллайдиган бўлди. Сайланган 450 нафар депутатнинг ярми бир мандатли округлардан, ярми эса сиёсий партиялар берган рўйхат асосида шакллантирилди.

Владимир Зеленский шу йилнинг май ойида реал ҳаётдаги президентлик сайловини катта фарқ билан ютиб чиққунга қадар телесериалда президент ролини ихро этган комик актёр сифатида машҳур бўлган. Зеленский халқ опитишини хоҳлаган, уларни ўйлантираётган муаммоларни, ўй-хаёлларидagi фикрларни гапира олади, шундан бўлса керак, кўпчилик унинг украин сиёсатига қандайдир янгилик киритишига умид қилмоқда. Ваҳоланки, бундан олдин олигархлар халқни талаб, мамлакатни зимистон қазрига чўктириб бўлган.

Парламент сайловларидан кейин Зеленскийнинг «асал ойи» тугади. Энди унинг олдида натижа кўрсатиш, сайловолди ваъдаларни бажариш вазифаси турибди. Мамлакатдаги муаммолар эса етарли. Украина ҳозир Европанинг энг камбағал мамлаката, хатто Косовалдан кўра қашшоқроқ, аҳолининг бешдан бир қисми яхшироқ иш топиш илмижида хорикга, аксарияти Россияга кетган. Тўғилиш даражаси ҳам пастга шўнган. Мамлакатнинг шарқий икки вилоятида нотинчлик. Тинчлик қилиш эса Киевнинг эмас, Кремлнинг қўлида.

Айни пайтда Украина ислохотларга жудаям муҳтож. Мамлакатда одил судлов тизими издан чиққан, коррупция кенг

қулоч ёйган. Охирги беш йил мобайнида ислохотлар тўғрисида жуда кўп гапирилди, аммо барчаси қоғозда қолиб кетди. Хатто Европа Иттифоки давлатлари собиқ президент Пётр Порошенкога ишонмай қўйди.

## Украина қайси йўлдан боради?

Украина президентининг олдида иккита йўл бор. Ё аччиқ сиёсатларга дош бериб, янгиликлар устидаги оғир ислохотлар ишини давом эттиради ёки популизм сиртмоғига илиниб, собиқ иттифоқ маконидagi айрим давлатлар каби одағий сиёсат йўлидан боради. Албатта, иккинчи вариант кетма-кет рағбл инқилоблардан зада бўлган аҳолининг кучли норозилигини келтириб чиқаради. Зеленский томонидан Бош вазирнинг танланиши янги президентнинг чиндан-да, украин халқи телесериал орқали билган ўша киши эканига ёки бошқа сиёсатчилар каби биқин инсон эканига аниқлик киритади.

Агар Зеленский мазкур лавозимга технократни тайинласа, бу иш Ғарб ва Халқаро валюта жамғармасига юборилган сигнал бўлади. Парламентнинг кучли қўлови остида унда тез ва радикал тарзда ҳаракатланиш имконияти тугилади. Агар у бу лавозимга даъвогар сиёсий номзодлардан бирини, масалан, мамлакат хавфсизлик хизмати раҳбари Игор Смирно ёки собиқ Бош вазир Юлия Тимошенко танласа, мамлакатга халқаро ишонч ва ички ислохотлар учун салоҳият таҳдид остида қолади. Шу жиҳатдан парламент сайловлари муҳим эди.

Афтдан, Зеленский эски сиёсатчилардан халос бўлмоқчи. Унинг тарқатилган Олий Рада кун тартибига лавозим (один ҳокимият идораларида ишлаган амалдорларни ҳокимиятга янгилаштирмаслик) тўғрисидаги кунун лойиҳасини киритиши



бунинг яққол исботи. Собиқ депутатлар кўриб чиқишга улгурмаган кунун лойиҳасини янги таркибдаги депутатлар қабул қилиши эҳтимоли юқори.

Шу ўринда яна бир нарсани унутмаслик керак, Украина ўзининг ички муаммоларини Ғарб ёрдамида ечишга умид қилиб яшади. Чунки Ғарб мамлакатлари Россияга босим кўрсатишда Украинага ёрдам берди. Бирок ҳукумат ҳисобда адошганди. Зеро, бундан кўра, сиёсий тортишувлар ва тарихий гиналарни унуттиш, ҳамкорликка асосланган халқаро муносабатлар тизимини яратиш фойдалирок эди.

## Россия — Украина муносабатида янги давр бошланадими?

Таъкидлаш жоизки, 11 июль куни Россия ва Украина лидерлари биринчи марта телефон орқали мулоқот қилиб, дўстона позицияни изҳор қилишди. Путин Зеленскийнинг кўп томонлама учрашув ўтказиш таклифини маъқуллади, хатто «Бу кизикарли бўлишни», Россия музокараларининг биронта форматидан, шу жумладан, «норманд шакли»дан бўйин товламаганини қайд этди.

Зеленский ҳам икки мамлакат раҳбарларининг шахсан учрашувлари зарурлигини баён қилди. Украина етакчисининг сўзларига кўра, мамлакатнинг бўрча ҳамкорлари Россия президентига кўнғироқ қилишига қарши бўлган. «Ушбу масала, аввало, Украина ва фуқароларимиз манфаати йўлида бўлган учун қарор қабул қилдим. Бизни қўлаб-қувватлаган ғарблик ҳамкорларимизга мин-

натдорлик билдираимиз, бироқ ўз фикримизга ҳам эгамиз», — деди Зеленский.

12 июль куни Кремль сайтида Россия президенти Россия — Украина муносабатлари, шу жумладан, икки мамлакат президентларининг телефон мулоқоти тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш учун Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларини тўплагани ҳақида баёнот пайдо бўлди. Афтдан, икки мамлакат ўртасидаги мураккаб муносабатларда туб бурилиш ясалади. Мазкур мулоқот, аввало, ҳар икки томондан асирда ушлаб турилганларни бошма-бош алмаштириш, Украина шарқидаги можарони ечиш мақсадида «норманд шакли»даги мулоқотларни янги куч билан давом эттиришдан бошланган кўринади.

## Европа лидерларининг реакцияси қандай?

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Крим ва Украина шарқидаги қайноқ масалалар юзасидан икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар кескин тарагнашди. Президент этиб сайланган экан, Зеленский ўзининг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири сифатида Россия билан муносабатларни тиклаш вазифасини кун тартибига қўйди. Шу боис халқаро ҳамжамият Украинанинг тинчликпарвар ниятига эътибор қаратди. Зеленский Европа Иттифоқи раҳбарлари билан фаол учрашувлар ўтказди, яқинда у Франция ва Германияга ташриф буюрди. Украина президенти Европа Иттифоқи ва НАТОга аъзолик масаласида, мамлакат шарқидаги зиддиятга

барҳам бериш, Россия билан муносабатларни яхшилаш юзасидан кўмак сўради.

Бирок Европа лидерларининг реакциясидан уларнинг у ёки бу томоннинг тарафини олиш хоҳиши йўқлиги зоҳир бўлиб турибди. Германия канцлери Ангела Меркель унинг мамлакат Европа Иттифоқининг Россияга билан стратегик санкцияларини узайтиришга тайёрлигини билдирди, аммо янгиликларни киритишга тайёр эмас, хатто Берлин энергетика соҳасида Россия — Германия ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан манфаатдор. Франция президенти Эммануэл Макрон Европа Россия билан стратегик мулоқот олиб бориши ва муносабатларни тиклаш учун чораларни кўриши кераклигини маълум қилди. Хатто 25 июнь куни Европа Кенгаши Россиянинг Парламент Ассамблеясидаги ваколатларини қайта тиклади.

Хуллас, Украина ва Россия ўртасида дарз кетган муносабатлар тикланмас экан, оддий халқ жабр кўравереди. Байрам улар кўчасида эмас, балки икки қардош давлатни гиж-гитлаётганлар ҳовлисида нишонланади. Узоқ умумий тарихга, динга ва қисман тилга эга бўлган бу оғанин халқлар орасидаги ажралиш жараёни ҳам узоқ тарихга бориб тақалади. Бунга бир нечта сабаблар мавжуд, лекин тарих бизга доим мамлакатлар орасидаги қелишмовчиликларга, асосан, икки мамлакатнинг бир-бирига нисбатан жойлашган географик ўрнининг таъсири кучли эканини тинимсиз эслабди келади.


Демак, муаммодан чиқишнинг бир йўли бор. Украина худудий яхлитлигини сақлаб қолиш ва барқарорлиги, мустақиллигини мустаҳкамлаш учун НАТОга аъзо бўлиш йўлидан қайтиб, Россия ва Европа, Россия ва Америка ўртасида нейтрал позицияда қолиши керак. Россия Украинани ўз организмнинг бир бўлаги сифатида кўраб экан, Узинг рақиб билган НАТОга яқинлашиш, у билан қўша ҳарбий машқларни ўтказиши «катта айиқ»ни жунбўшга келтиришдан бошқа нарсага хизмат қилмайди.

**Абдували САЙБНАЗАРОВ,**  
сиёсий шарҳловчи.

# Истироҳат боғи нега қаровсиз қолмоқда?

ХУДУДЛАРДА НОМИ БОҒУ АТРОФИ ЧОРБОҒ БЎЛМАГАН МАНЗИЛЛАР ТАЛАЙГИНА. УЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ УЧУН ЮҚОРИ ТАШКИЛОТЛАР ЭШИГИНИ ҚОҚИШ, КИМНИНГДИР ТУРТКИ БЕРИШНИ КУТИБ ЎТИРИШ ШАРТ ЭМАС

Чиланинг ҳароратли кунлари ҳали ортда қолганича йўқ. Бундай пайтда одам ўзини кўйрага жой тополмай қолади. Яхшиямки ҳудудларда маданият ва истироҳат боғлари бор. Кўкка интилган фаввора сувларининг мавжи, ўзига хос ландшафт, болаларга завқ бағишлаётган аттракционлари яшил майдончалар киши жонига оро қиради. Куёш тафтини олиб, мароқли ҳордиққа замин яратади.



Лекин негадир айрим боғлардаги қулайликлар бир-бирдан фарк қилади. Хизмат сифати ҳам турлича. Баъзи ҳудудларда эса бир тин олай, десангиз, истироҳат боғларини топишни ўзи амримаҳол. Гоҳида эса ҳар кадамда яшил кенгликлар каршидан чиқарасиз. Хўш, аслида ҳудудларда истироҳат боғларини ташкил этишга ким масъул? Боғ қулайликлари нима учун бир-бирдан фарк қилади?

## Республикамызда неча маданият ва истироҳат боғи бор?

— Айни кунда юртимизда 225 та маданият ва истироҳат боғи мавжуд, — дейди Маданият вазири Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази катта илмий ходими Шухрат Нормуродов. — Шу кунга қадар уларнинг 145 тасида таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди. 2019-2020 йилларда эса қолган 80 та маданият ва истироҳат боғини давлат-хусусий шериклик асосида таъмирлаш ва жиҳозлаш режалаштирилган. Мазкур ишларга талбиркорлик субъектлари ва инвесторларни жалб қилиш назарда тутилмоқда. Жорий йилда боғларнинг 37 таси янги қурилди, 70 таси капитал реконструкция қилиниб, 26 таси капитал таъмирланди, 12 тасида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

## Курмакли гуруч

Халқимиз «Гуруч курмакисиз бўлмайди», иборасини хўб топиб айтган-да. Тўғри тушундир, маданият ва истироҳат боғлари орасида талабга жавоб бермайдиган, дам олдириш функциясини бажара олмайди ҳам талайгина. Тахририятимизга пойтахтимизнинг Мирзо Улўғбек туманидаги Шукур Бурхоннов номи маҳалла вакилидан мактуб келди. Унда йилнинг худудидидаги «Гулшан» боғи масъулари мутасаддилар эътиборидан



четда қолгани, боғдаги вазият кундан-кунга ёмонлашаётгани баён қилинган. Хўш, аслида вазият қандай?

## Номига номуносиб боғ

Бокка кираверишда бирон кўзни қувнатадиган манзарага гувоҳ бўлмадик. Жазираманинг тигига дош беролмаган ўт-ўланлар эса аллақачон қовжирай бошлаган. Бу ҳали ҳолва экан. Ичкаридаги манзара бутунлай аклимизни шоширди: ёнғиндан сўнг бу ерда бирон марта тозалаш ишлари олиб борилмаган «Чойхона», йўл четидида «ўзининг нима учун ясалганини» аллақачон унутган чикинди идишлари.

Ичкарилаганимиз сайин хайратимиз ошаверди: ёнғин ҳокимиятнинг сақлаш учун ўрнатилган махсус кути қуроллари «ўмариб» кетилган. Бир пайтлар болалар шодлиги билан тўлган аттракционлар ўрни хувуллаб ётибди. Улардан қолган сим «ёлдорликлар» эса энди болажонларга хавф туғдиради. Йўллар ҳам таъмирталба. Ичимлик ва егуликлардан бўшаган идиш ва пўчқолар сочилиб ётганига қараганда бу ердан аҳоли шу ҳолича ҳам фойдаланмоқда.

## Боғни таъмирлаш учун инвестор керак

Маълум бўлишича, боғнинг мулк ҳуқуқи Тошкент шаҳар маданият бошқармасида экан. Бошқарма масъулларига ўзимизни кизиктирган саволларга очиклик киритишини сўраб мурожаат қилдик. Улар бу боғ шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтказилаётган «Инвесторлар кун»да намойиш этилаётгани,

уни таъмирлаш ва ободонлаштириш учун инвестор изланаётганини айтишди. 2018 йилгача бино-йидек ишлаган боғ, мана, бир йилга яқин вақт ичида қаровсиз қолгани, вазиятни яқинлаштириш учун яқинда боғ раҳбари алмаштирилгани, инвестор топилиши билан бу ерда кенг ўламдаги қурилиш ишлари олиб борилишини баён қилишди.

## Сектор масъулари «томошабин» эмас

«Гулшан» боғи ҳоким сектори худудидида жойлашган. Эътиборлиси, аҳоли бу масала бўйича бир неча марта ҳокимликка мурожаат қилган. Бироқ вазият ўнланмади. 30 га яқин ташкилотларга боғни ободонлаштириш бўйича қилинган мурожаатларга турлича жавоблар келган. Бир тўплам бўлиб қолган жавоб хатлари билан танишар эканмиз, шунча югур-югурларнинг биронтаси амалдаги ҳаракатга айланмаганидан ҳафсаляимиз пир бўлди.

— «Гулшан» боғида ободонлаштириш ишларини амалга оширдик, — дейди Сектор масъул тоғиб Аброр Мўминов. — Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Йилгилик қолган маълумий чиқиндилар чиқариб ташланди. Афсуски, аҳолининг ўзи ҳам бефарқ бўлиб қолган. Тўғри, ҳудудимизни обод қиламиз, маҳалладошларимизга қулайлик яратамиз, деб елиб-юзураётганлар ҳам бор. Аммо бу билан бирон иш битадими? Ҳали у ташкилот, ҳали бу ташкилот эшигини қоқиб, ёр-

дам қутгандан кўра, маҳалла аҳоли бир бутун бўлиб боғни ободонлаштириб, тартибга келтирса, бу ер аҳоли маданий дам олиши учун файзиёб масканга айланади-ку.

## 48 миллионлик қарздорликни ким тўлайди?

Маданият ва истироҳат боғига янги раҳбар тайинланди. Энди боғдаги вазият ўнланамиди?

— Боғда дастлаб тозалаш ишлари олиб борилди, — дейди муассаса директори Доғдир Жалилов. — Осилган қулф олиниб, аҳолининг сайр қилиши учун шароитлар яратилди. Аммо ҳали қилишимиз керак бўлган ишлар кўп. Боғнинг электр энергиясидан 48 миллион сўмга яқин қарздорлиги бор. Банкдан кредит олиб уни қоплашимиз керак. Сўнгра янги лойиҳа ижросига киришамиз. Унга кўра, боғда болалар ўйнаши учун майдонча, аҳоли мароқли ҳордиқ чиқариши учун сайилгоҳ ва ёши катталарга мўлжалланган чойхона худуди ташкил қилиш режалаштирилган. Ижкомимиз бўлса, ёшиқ бассейн ва ёзги кинотеатр қуриш ҳам кўзда тутилган. Агар банкдан кредит ололмасак, бу ишларни давлат-хусусий шериклик асосида корхона ташкил қилиш ҳисобидан амалга оширолмоқчимиз. Бунда инвестор билан тенг


ҳуқуқлик асосида ишланади. Яъни боғ маълум муддатга хорижлик инвесторга бериб юборилмайди. Ишни йўлга қўйиб олгач, маҳалладаги кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, бир ойда 2 марта саховат дастурхонлари ёзишни ният қилганмиз. Бунинг учун бироз вақт керак. Ахир, шунча пайтдан бери ҳал бўлмаган муаммони бир кун ёки бир ҳафтада ҳал қилишнинг имкони йўқ-ку. Аммо баъзи фуқаролар бунга тушунишни истамаяпти. Беш қўл баробар эмас, деб шунча айтсалар керак-да. Ло-йиҳамизни режадагидек амалга оширсак, ўйлаймизки, аҳоли ҳам биздан миннатдор бўлади.

Аҳоли фикрларини ҳам эшитдик. Улар боғ тезроқ обод ҳудудга айланишини, болалари билан сайр қилиб, ҳордиқ чиқариш истагида эканини билдиришди. Хуллас, ҳар ким ўзича ҳақ: аҳоли бир томон, масъуллар бир томон. Шунинг учун ҳам вазият чигаллашгандан чигаллашмоқда-ки, ўнланмапти.

Афсуски, бу каби манзаралар фақат «Гулшан» боғигагина хос эмас. Худудларда бундай номи боғу атрофи чорбоғ бўлмаган манзиллар талайгина. Уларни обод қилиш, номига муносиб масканга айлантириш учун юқори ташкилотлар эшигини қоқиш, кимнингдир туртки бериши ёки унинг тамомила харобага айланишини кутиб ўтириш шарт эмас.

Бунда баъзан бирозгина эътибор, ҳамжихатлик ва ҳафса бўлса, бас. Ахир, сиз ва фарзандларингиз учун бирор жон қойитмайди. Бунинг учун, аввало, ўзингиз ташаббус кўраётганингиз, ўзгаларни ҳаракатга қоралаштириш керак. Шундагина худудлардаги маданият ва истироҳат боғлари эшигини қулфлар дилини хира қилмайди, аксинча, фарзандларингизнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун ҳаминча эшикларини очади.

Салоқат МАХСУМОВА  
«Mahalla»



# Орол денгизи Каспийга оқиб кетганми?

**БУНДАН 21 МЛН. ЙИЛ АВВАЛ ОРОЛ, КАСПИЙ ВА ҚОРА ДЕНГИЗ ҲАММАСИ БИР БЎЛГАН. УШБУ БУЮК УММОНГА ТЭТИС ДЕБ НОМ БЕРИЛГАН**

Орол — минг синаотта тўла денгиз. Авваллари шовуллаб оққан, ён-атрофида ҳаёт гурираган денгизнинг ҳар томчи сувида гўё сир-синаот яширингандек. Шунинг учун унга боғлиқ илмий изланишлар ҳанузгача давом этаётир. Айниқса, унинг суви йўқолиб, қуриб қолиши билан боғлиқ ўрганишлар кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Орол билан Каспий денгизини боғловчи ерости дарёси мавжудлиги ҳақидаги фаразлар ҳам шулар жумласидан.

## Илмий изланишларга нима тўсқинлик қилган?

— Орол билан Каспийни боғлаб турган ерости дарёлари мавжуд экани ҳақида ҳаёлий ва илмий фаразлар, афсона-ҳикоялар мавжуд, — дейди қорақалпоғистонлик таниқли журналист, ёзувчи Умирбай Утеулиев. — Балиқчилар Оролнинг тўртта кўзи бор, дейишадди. Биринчиси, денгизнинг қоқ марказида. У ерда сув ўтовнинг катталигидай келадиган чуқурга гирдоб бўлиб ер тагига сингиб кетган. Иккинчиси, Устюртдаги Гуркуреуик кўзиди. Номидан маълумки, сув ер остида шилдираб оқиб туради. Кечаси қайнаган кумоондай биқирлаган овози олис-олисларгача эшитилиб, кишини даҳшатга солган. Учинчиси, Тахтакўпир туманидаги «Қаратеран» кўли. Ҳўш, унинг тўртинчи кўзи қаерда?

Ўтган асрнинг 30-йилларида олимлар Каспий денгизида бакрабалик урчатиш учун уларга белги қўйиб (сирга тақиб), сувга қўйиб юборали. Кейинчалик сирга тақилган бакрабаликлар Орол денгизидан чиққан. Ер сатҳининг бири баланд нуқтасида, бири пастда жойлашган икки денгизнинг ўртасида алоқа мавжудлигини текшириш учун буюк оқиб кўрилади. Тавжжубки, Каспийдан юборилган буюк яна Оролда кўринади. Бу табиий жараён, географик кашфиётларнинг ҳар томонлама тадқиқ қилинишига Иккинчи жаҳон уруши тўсик бўлади.

Кўринадики, икки денгизни туташтирувчи ерости дарёлари мавжуд. Лекин бу ҳамон сир тутилмоқда. 1940 ва 1960 йилларда икки денгиз ўртасида тарновлар қурилган. Ерости қурилмалари қуришда эса урушда асирга туш-

ган ва ўлимга маҳкум этилганлар ишлаган. Бу ҳақда асирликдан овулга кочиш келган киши маълум қилади. Оролнинг суви 1960 йиллардан қамая бошлайди, Каспий эса йилдан-йилга тошиб бораверди.

## Орол — Каспийга уланганми?

Оролнинг биринчи кўзи ҳақида мўйноқлик балиқчилар ҳам бемалол айтиб бериши мумкин. Қозғистоннинг Орол туманида туғилиб ўсган инженер-гидротехник Ҳамза Суҳанбердин ўзининг «Орол — Каспий денгизи ер остидан уланганми?» мақоласида шундай эслайди: «Орол денгизининг қоқ марказида жойлашган «Возрождение» сирли оролнинг ғарбий чегараси Устюрт тик жарлигига туташади. Устюрт платосининг ер юзаси эса ясси тоғли бўлиб келади. Унинг баландлиги 100-150 метргача етади. Бир сўз билан айтганда, Оролнинг ғарбидаги Устюрт бир вақтлари ернинг тектоник қаватининг қўзғалганини кўрсатади. Демак, Орол билан Каспий ўртасида ерости сув каналлари бўлиши шубҳасиз. Сабаби, Каспий денгизининг суви 1991 йилда кўтарилиб, сатҳи 2,06 метргача етди. Шу йиллари Оролга қуйиладиган дарёлар суви қамайди, Оролнинг суви ҳам кескин тортилиб кетди. Шу вақтларда Оролнинг суви ерости дарёлари билан Каспийга оқиб кетмаганми?»

## Олимлар нима дейди?

Юқоридики тилга олинган икки муаллифнинг гапларини қорақалпоғистонлик археолог олим Онгарбай Юсупов ҳам тасдиқлайди. — 1970-1975 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими археоло-



гия сектори томонидан Жануби-шарқий Устюртда кенг қўламли археологик ишлар олиб борилди, — дейди у. — Бу экспедицияда мен ҳам иштирок этдим. Устюртда кўп сир-синаотларга дуч келдик. Мени жуда қаттиқ даҳшатга солгани — Орол денгизи сувларининг ўз қўзғи билан кўрсаним бўлди. Махжур археолог Вадим Ясдин бошчилигидаги экспедиция таркибиде Устюртнинг шарқий тик жарлигида, яъни Дувона бурунида қадимий кўчманчилар даврига оид эсдаликларни қазитгандик. Биз ишлаётган жой Устюртнинг шарқий чегараси бўлиб, ўнг томонимизда, нари борса, 300 метр узокликда бепойи ва буюк Орол тўлиб-тошар эди. Бир кун икки киши бўлиб тоғдан (Устюртдан)

ган овозларни эшитган. Уларнинг фикрича, портлатишлар орқали ерости сув йўллари бекитилган.

Жанубий Устюрт кишлоғида истиқомат қилувчи Иляс Наурызбаевнинг айтишича, ўтган асрнинг 90-йилларигача Устюртда харбий самолётлар изгиб юрган. Устюртда хизмат қилган ёши катталарнинг кўпчилиги эса шу самолётлар ернинг тагига кириб кетиб турганини тасдиқлайди. Демак, Устюрт ернинг остида қандайдир махфий лойиҳалар амалга оширилгани аниқ. Бу лойиҳа икки денгиз оралиғига қурилган сув йўли бўлса не ажаб? Чунки устюртлик нурунийлар ер остига кетиб турган шовиллаган сув овозларини эшитишган. 90-йиллардаги портлатишлардан кейин бу овозлар йўқолган.



пастга, яъни денгизга тушаётгандик. Озроқ юриб, не кўз билан кўрайликки, тоғ иккиса айрилиб, ўртасидан ернинг тагига ғарб томонга қараб катта миқдордаги сувнинг кетаётганини кўрдик.

## Тэтис ҳақида эшитганмисиз?

Фанда маълум бўлишича, Орол денгизи 4 марта қуриган ва қайта тўлган. Бундан 21 млн. йил аввал Орол, Каспий ва Қора денгиз ҳаммаси бир бўлган. Ушбу буюк уммонга Тэтис деб ном берилган. Устюрт, Қорақум, Қизилқум саҳролари Тэтис уммонининг таги бўлган. Ўтган йили Оқмушқандан топилган тошга айланган йирик ақуланинг тишлари Тэтис уммони эсдаликларидир. Тектоник жараёнлар сабабли Устюрт тепага кўтарилиб кетиб, Қора денгиз, Каспий, Орол денгизлари бўлиниб кетади.

Оролнинг илк номини араб ёзувчиси Ибн Руста (920 йили) қўллаган. Оролнинг бундан бошқа Хоразм кўли, Кердери кўли, Жент денгизи деган номлари ҳам бор. Масалан, тарихчи Шохрух Хафиз Абрунинг 1417 йилда ёзган йилномасида: «Хоразм (Орол) кўли йўқ. Жайхун (Амударё) суви янги арна топиб, Ҳазар (Каспий) денгизига қуйила бошлади» дейилган.

## 2 метрли одам қабри қаердан топилди?

2000 йиллар бошида Орол денгизининг Қозғистон қисмидаги суви қуриган майдонидан, яъни Сирдарёнинг денгизга қуйилиб турган жойидан тахминан 45-50 км. ичкарида тарихий ёдгорликлар топилди. Ўтган асрнинг 60-йилларида бу жойда 18 метр баландликдаги сув бўлган. Қуриган денгиз остидан топилган тарихий шаҳар бутун жамиятни ҳайратга солди. Топилган керамика идишлар эса XIII-XIV асрга тегишли бўлиб чиқди. Денгиз остида қолган ушбу шаҳарга Кердери деб ном берилди. Ҳайрон қоларли жиҳати, у ердан масжид, буюмлари билан дафн қилинган бўйи икки метр келадиган йирик одамларнинг қабрлари чиқди.

Демак, бу шаҳар Амударёнинг Каспийга оқиб турган пайтида солиниб, кейин қайтадан Оролга қуйила бошлаганида сув остида қолиб кетган. Турколог олим, профессор Ауелбек Кўнгиротбоевнинг таъкидлашича, Оролнинг остида шундай 40 та қалъа қолиб кетган экан.

Сирасини айтганда, Оролнинг Каспийга оқиб кетгани ҳақидаги далиллар унинг ҳақиқатга яқин эканини кўрсатмоқда. Аммо бу бўйича ҳозир биронта расмий манбаларда айтилмаган. Агар бу сирнинг очилиши ҳақида дунёга маълум қилинса борми, Оролга ташриф буюрувчи сайёҳларнинг сони минг баробарга ортиб кетарди...

**Есимхон ҚАНОАТОВ,**  
журналист.

## ЭЪЛОН:

Общество с ограниченной ответственностью «KOMMUNAL TA'MIRLASH VEGA» (ООО «KOMMUNAL TA'MIRLASH VEGA») (зарегистр. Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Мирзо Улугбекского района, г.Ташкент, свідетельство № 0011509 от 31 октября 2005 года, реестр № 001509-04, расположенного по адресу: г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Циолковский, дом 189 «Б»), извещает о снижении размера Уставного Фонда с зарегистрированного 901 906 902,00 сум до 816 643 982,00 сум.

Претензии принимаются в течении одного месяца с момента опубликования объявления.

## ХУҚУҚИЙ ТУШУНЧА

## Ота-онага ҳам алимент тўланади

— Маҳалламизда 75 ёшли отахон битта уйда ёлғиз ўзи яшайди, фарзандлари ҳам кўргани мунтазам келавермайди. Унинг ош-овқатидан, асосан, маҳалла-қўй хабар олиб туради. Айтнинг-чи, бундай вазиятда фарзандларга нисбатан қонунчиликда қандай чоралар белгиланган?

Носиржон АЛИМОВ,  
Самарқанд вилояти.



Камол НОРҚУЛОВ,  
Самарқанд вилояти адлия бошкармаси маъсул ходими:

— Оила кодексига мувофиқ, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида

эгани фарзандларни ота-она хақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятдан озод қилмайди.

Агар улар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, ота-она талабига кўра, таъминот суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади. Бунда ота-онага алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

## ТАЪЛИМ

## «Қайси микрохудоудга киришимизни қандай биламиз?»

— Фарзандимни уйимизга яқин мактабга 1-синфга ўқишга бермоқчи эдим. Аммо ушбу муассасада янги тизим тажрибадан ўтказилган ва биз яшаётган ҳудуд қабул ҳечарасидан ташқарида эканини айтди. Айтнинг-чи, биз қайси микрохудоудга киришимиз ва унда қайси мактаб жойлашганини қандай аниқласак бўлади?

Насиба СОЛИХОВА,  
Тошкент шаҳри.



Ихтиёр МАХМАТҚУЛОВ,  
Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси:

— Халқ таълими вазирлиги томонидан яқинда ишга туширилган янги тизим — «gis.uzedu.uz» хизмати айти шу мақсадга қаратилган. Яъни эндиликда ота-оналар ўзлари яшаётган жой қайси микрохудоудга кириши ва бу ҳудудда қайси мактаб жойлашганини шу хизмат орқали билиб олишлари мумкин.

Айти пайтда сайт тест режимида ишламоқда. Онлайн харитага Тошкент шаҳридаги барча мактаблар микрохудоудлари билан киритилган. Шунингдек, у орқали республикадаги барча мактаблар жойлашуви кўриш мумкин. Келажакда хизмат кенгайтирилиб, юртимиздаги барча мактабларнинг микрохудоудларини кўриш имконияти яратилади.

Хизматдан фойдаланиш учун сайтга кириш керак ва «Toshkent shahri xalq ta'limi bosh boshqarmasi» ни ҳамда тегишли тумани ташлаш лозим. Шундан кейин *Maktablarni ko'rish* тугмасини босиш керак ва тизим харитада мактабларни кўрсатади (қизил билан янги қабул тизими эсгорий этилаётган мактаблар белгиланган). Мактабларнинг микрохудоудлари туман ҳокимликлари қарори билан тасдиқланади.

## ТАДБИРКОРЛИК

## Кўп қаватли уйларда қандай ташкилотларни очиш мумкин?

— Кўп қаватли уйда турман. Уйимизнинг 1-қаватидаги нотураржойларда турли дўконлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, балиқ расталари фаолият юритади. Айтнинг-чи, қонунчиликда бундай нотураржойлардан фойдаланиш тартиби борми?

Жавлон АЛИХАНОВ,  
Тошкент шаҳри.



Алипаша АХМЕДОВ,  
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Албатта, бундай тартиб Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Кўп квартиралли уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом» билан ўрнатилган. Унга кўра, но-

тураржой мулк эгаси тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш мақсадида у ерда нон ва нон маҳсулотларига ихтисослашган қорхона, шунингдек, озик-овқат, санаят моллари, енгил санаят моллари дўкони, маиший хизмат, банк хизматлари, офис, адвокатура ва бошқаларни ташкил этиши мумкин.

Мазкур объектлар бинонинг жисмоний ҳолатига ва атроф-муҳитнинг санитар ҳолатига салбий таъсир этмаслиги лозим. Шунингдек, шу уйда яшовчиларнинг 51 фонидан кўпнинг розилигини олгандан сўнггина тадбиркор ўз ишини йўлга қўйиши мумкин.

Бундай нотураржойларда кимёвий моддалар, мева-сабзавот, балиқ, портловчи моддалар савдоси билан шугулланувчи дўконлар, кимёвий тозалаш, ҳаммом, сауна, жамоат хожатхоналари, диний маросимлар хизмати, куну туник алоқа пунктлари, соат 23:00 дан кейин ишлайдиган ресторан, кафе, тунги клублар фаолиятини йўлга қўйишга рухсат берилмайди.

## ХУҚУҚ

## «Органда ишлаганман, хорижга чиқишим мумкинми?»

— Турмуш ўртоғим ички ишлар органларида хизмат қилиб, яқинда ўз хоҳишига кўра ишдан бўшади. Эндиликда акам билан ишлаш учун чет элга кетмоқчи. Айтнинг-чи, унинг хорижга чиқиши мумкинми?

Назира БОЙМАТОВА,  
Қашқадарё вилояти.



Сарвар НУРМАТОВ,  
Косон туман ИИБ тергов бўлини маси бошлиғи, маййор:

— Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республика-

сининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги қарорига асосан, бир қатор сабаблар чет элга бориш ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, агар шахс давлат сири ҳисобланган маълумотлардан воқиф бўлса ёки унинг чет элга боришига молелик қилувчи бошқа шартнома, контракт мажбуриятлари

амалда бўлса, унга хорижга чиқишга рухсат берилмайди.

Бундан ташқари, унга нисбатан жиноий иш ёки фуқаролик даъвоси кўзга тилган, зиммасида суд томонидан юқланган ижро этилган мажбуриятлар бўлса, суд ҳукми билан алоҳида хавфли репидивист деб тан олинган ёки ички ишлар органларининг маъмурий назорати остида бўлган тақдирда, шунингдек, қақриқ участкасида рўйхатга олинган ва ҳақиқий муддатли харбий хизматга қақрилиши керак бўлса, бундай шахсларга чет элга чиқиш ҳуқуқи чекланади.

## САНОАТ

## «Эски «Москвич» ни янги «Nexia» га алмаштира оламанми?»

— Эшитишимча, эндиликда эски автомобилларни янгисига алмаштириш имконияти яратилди. Айтнинг-чи, бу қанчалик ҳақиқатга яқин? Агар шундай бўлса, мен ўзимнинг эски «Москвич» имни янги «Nexia» га алмаштира оламанми?

Шодибой РЎЗМАТОВ,  
Сирдарё вилояти.

Рустам ҚОДИРОВ,  
«Ўзавтосаноат» стратегик режалаштириш дирекцияси бошлиғи:

— Дарҳақиқат, шундай. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлан-



тиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори билан 2019 йил 1 октябрдан юртимизда «Trade-in» дастури ишга туширилади. Мазкур тизим расмий дилерлик ташкилотлари орқали фақатгина юртимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни жисмоний шахслардан қабул қилиб, баҳолаб худди шундай Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги автотранспортга алмаштириш тизимини йўлга қўяди. Автомобиллар орасидаги фарқни жисмоний шахсларнинг ўзи тўлайди.

«Trade-in» дастури доирасида расмий дилерлар томонидан ишлатилган машиналарни ИИВ органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида уларнинг йиғанлик учун тўлов амалга оширилмайди. ИИВ расмий дилерларни ишлатилган автомобилларни реализация қилиш учун махсус маълумотнома биланлари билан таъминлаши керак бўлади.



МУАССИС:

ФУҚАРОЛАРНИНГ  
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ  
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БУЙИЧА  
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ГАЗЕТА



Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
2017 йил 6 сентябрда  
0019 рақами билан  
қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир  
Бахтиёр  
АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов  
Мусахҳиҳлар: Н. Азимова,  
М. Назарова  
Навбатчи: С. Турсунов  
Дизайнерлар: Э. Муратов  
И. Болтаев

Нашр кўрсаткичи: 148

Тахрират манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Котибият: 71 237-56-80,  
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Формати — А-3, 8 босма  
табук,  
23 053 нусхада чоп этилди.  
Буюртма Г-745  
Топширилди — 00:50

Газета тахрират компьютер марказида  
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.